

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ  
ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**



**“Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш” Лойиҳаси**

**ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
ҚЎЛЛАНМАСИ**

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи

Тошкент  
2020 йил 5 ноябрь

## Мундарижа

Мундарижа .....	2
Иловалар рўйхати .....	3
Қўшимча ҳужжатлар.....	3
Қисқартмалар рўйхати .....	4
Сўзбоши .....	6
<b>I. КИРИШ.....</b>	<b>7</b>
Умумий маълумот .....	7
А. ҚИРЛ компонентлари .....	8
В. Асосий тамойиллар.....	9
С. ҚИРЛ ва бошқа давлат дастурлари ўртасидаги асосий фарқлар.....	10
<b>II. АСОСИЙ МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ВАЗИФА ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
Миллий даража .....	10
Вилоят даражаси.....	12
Туман даражаси .....	13
Қишлоқ даражаси .....	13
<b>III. ҚИРЛ РЕСУРСЛАРИ ТАҚСИМОТИ ҚОИДАЛАРИ ВА МУВОФИҚ СУБЛОЙИХАЛАР</b>	<b>15</b>
Ресурсларни тақсимлаш қоидалари .....	15
Қабул қилиниши мумкин бўлган сублойиҳалар.....	16
Истиснолар Рўйхати .....	16
<b>IV. ҚИРЛ НИ АМАЛГА ОШИРИШ ЦИКЛИ .....</b>	<b>17</b>
1. ҚИРЛ тарғиботи ва йўналиши.....	19
2. ТЛҚ ни Ташкил Этиш.....	19
3. Қишлоқни танлаш .....	19
4. Қишлоқ сафарбарлиги .....	20
5. МТГ Сайлови ва Рўйхатдан Ўтказиш.....	21
6. МТГ/МФЙ Салоҳиятини ошириш: Биринчи машғулотлар тўплами .....	23
7. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ва ресурслари таҳлили .....	24
8. Қишлоқ Тараққиёти Режаси .....	25
9. Сублойиҳани лойиҳалаштириш.....	26
9,1 Дастлабки рухсатнома ҳужжатларини тайёрлаш.....	26
10. МТГ/ МФЙ Салоҳиятини ошириш бўйича тренингларнинг иккинчи тўплами ва биринчи Ижтимоий аудит .....	28
11. Сублойиҳа Харидлари .....	29
12. Сублойиҳани амалга ошириш ва назорат қилиш.....	29
13. Иккинчи ижтимоий аудит .....	30
14. Сублойиҳани якунлаш, топшириш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш...30	
15. Учинчи ижтимоий аудит ва МТГ нинг Институционал Етуқлигини Баҳолаш .....	30

<b>V. COVID-19-га тегишли ҚИРЛни амалга ошириш циклига мослашув .....</b>	<b>342</b>
<b>VI. ХАРИДЛАР.....</b>	<b>34</b>
5.1 Лойихага тааллуқли харидлар қоидалари .....	34
<b>5.2 1а компонент учун харидлар жараёнлари .....</b>	<b>36</b>
<b>5.3 1б ва 2-Компонентлар учун харидлар жараёнлари .....</b>	<b>42</b>
<b>1б ва 2-компонентлар бўйича ХТА томонидан харидларни кўриб чиқиш .....</b>	<b>44</b>
<b>VII. ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ муҳофаза чоралари .....</b>	<b>46</b>
<b>VIII. Мониторинг ва Баҳолаш МвБ ва натижалар режаси.....</b>	<b>67</b>
<b>ҚИРЛ Натижалари Доираси, кўрсаткичларнинг тавсифи, текшириш усуллари .....</b>	<b>73</b>

### **Иловалар рўйхати**

1. Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асосий модели
2. Кўчириш режасининг асосий модели
3. Молиявий бошқарув қўлланмаси
4. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми бўйича қўлланма
5. Ривожланиш учун харидлар стратегияси
6. Харидлар режаси
7. Автоном сув таъминоти ва канализация тизими учун Лойихани амалга ошириш цикли
8. Лойихани амалга ошириш ва мониторинг шакллари (экологик ва ижтимоий муҳофаза чоралари, жамоатчилик сафарбарлиги, харидлар, МБ, қурилиш босқичи)
9. Кадрлар масалалари бўйича қўлланма
10. Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланма
11. COVID-19 пайтида Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланма

### **Қўшимча ҳужжатлар**

1. Атамалар рўйхати (ҚИРЛдаги атамаларга амалий изоҳлар)
2. Инфратузилманинг техник қўлланмаси
3. Ҳуқуқий ҳужжатлар
4. Вилоят ҳокимиятлари ва ИТВ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги келишув

## Қисқартмалар рўйхати

ОТБ	Осиё Тараққиёти Банки
ОИИБ	Осиё Инфратузилмавий Инвестиция Банки
ҚҚХР	Қисқартирилган Кўчириш Ҳаракат Режаси
АРВ	Архитектуравий Режалаштириш Вазифаси
БҚАМ	Бенифициарлар билан қайта алоқа механизми
ЖАР	Жамоага Асосланган Ривожланиш
ЖИСТ	Жамоа Ичимлик Суви Ташкилоти
ЖМ	Жамоатчилик Мониторинги
ФЖТ	Фуқаролик Жамияти Ташкилоти
БҲ	Махсус Ҳисоб рақами
ЯМХҚ	Ягона манбадан харид қилиш
КТХ	Комплекс Текширув Ҳисоботи
АМТД	Атроф-муҳитга таъсир декларацияси
ТЛҚ	Туман Лойиҳа Қўмитаси
РБҲГ	Ривожланиш бўйича ҳамкорлар гуруҳи
АМТБТАЛ	Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисидаги ариза лойиҳаси
ИСТ	Ичимлик Суви Ташкилоти
ЕМОМСОТФ	Европа ва Марказий Осиё Минтақаси Салоҳиятини Ошириш Траст Фонди
ЭСХ	Экологик Саломатлик ва Хавфсизлик
АМТБ	Атроф-муҳитга Таъсирни Баҳолаш
ИИДС	Ички иқтисодий даромад ставкаси
ТДО	Турмуш Даражасини Ошириш
АМБМ	Атроф-муҳит бўйича мутахассис
АМИБ	Атроф-муҳит ва Ижтимоий Баҳолаш
АМИС	Атроф-муҳит ва ижтимоий Стандартлар
АМИТБ	Атроф-муҳит ва Ижтимоий Таъсирни Баҳолаш
АМИМЧБАМ	Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асосий модели
АМИБР	Атроф-муҳит ва Ижтимоий Бошқарув Режаси
ЕИ	Европа Иттифоқи
МБҲ	Молия ва Бухгалтерия ҳисоби
МБ	Молиявий Бошқарув
КҲ	Кўмакдош ҳамкорлар
ГЗ	Гендер зўравонлиги
ЎРҲ	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
ШКЧМ	Шикоятларни кўриб чиқиш механизми
ШКЧХ	Шикоятларни кўриб чиқиш хизмати
ХТТБ	Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки
ХТС	Халқаро Рақобатли Танлов
АКТ	Ахборот ва Коммуникацион Технологиялар
ХТА	Халқаро Тараққиёт Ассосацияси
ИТБ	Ислом Тараққиёт Банки
ХБФ	Халқаро Бухгалтерлар Федерацияси
ОМҲ	Оралик Молиявий Ҳисобот
ХМТ	Халқаро Меҳнат Ташкилоти
ИЕИ	Институционал Етуклик Индекси
ИЛМ	Инвестицион Лойиҳаларни Молиялаштириш
ДСБҲХС	Давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти
ҲАС	Халқаро Аудит стандартлари
ЎФТ	Ўзбекистон фуқароларини тинглаш
МвБ	Мониторинг ва Баҳолаш

МФЙ	Маҳалла Фуқаролар Йиғини
МТГ	Маҳалла тараққиёт гуруҳи
АБТ	Ахборот Бошқарув Тизими
ИТВ	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлиги
БММВ	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
МТС	Миллий Тараққиёт Стратегияси
ННТ	Нодавлат Ташкилот
СЖҚ	Соф Жорий Қиймат
ЭТХ	Эксплуатация ва техник хизмат
ФП	Фаолият принциплари
ЛБХ	Лойиҳани баҳолаш хужжати
КХР	Кўчириш Ҳаракат Режаси
ЛИЧМ	Лойиҳани ишлаб чиқиш мақсади
ЛАОГ	Лойиҳани Амалга Ошириш Гуруҳи
ЛБГ	Лойиҳа Бошқарув Гуруҳи
ЛАОҚ	Лойиҳани Амалга Ошириш Қўлланмаси
ХР	Харидлар режаси
ДЛХ	Дастлабки лойиҳа хужжатлари
ДХТҚ	Давлат Харидлари Тўғрисидаги Қонун
РУХС	Ривожланиш учун харидлар стратегияси
ЛСХ	Лойиҳанинг смета хужжатлари
ҚИРЛ	Қишлоқ Инфратузилмасини Ривожлантириш Лойиҳаси
СНАТ	Сифат ва Нархга Асосланган Танлов
ҚТР	Қишлоқ Тараққиёти Режаси
ҚМ	Қишлоқ Муҳандислари
ҚФ	Қишлоқ фасилитаторлари
ДАС	Дастлабки ариза сўрови
КРАМ	Кўчириш режасининг асосий модели
КМАТ	Консультантларнинг малакаси асосида танлов
ЯБХИК	Ягона Буюртмачи Хизмати инжиниринг компанияси
ШРҲА	Швейцария Ривожланиш ва Ҳамкорлик Агентлиги
ДЭЭ	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги давлат экологик экспертизаси
ЭОТЛ	Экологик оқибатлар тўғрисидаги лойиҳа
ХҲ	Харажатлар ҳисоботи
СХХ	Стандарт Харидлар Хужжати
ЯМТ	Ягона манба танлови
ТК	Техник кўмак
ЎМ	Ўқув материали
ТВ	Техник вазифа
УТМ	Учинчи Томон Мониторинги
ТР	Техник Раҳбар
ТИЙ	Техник инфраструктура йўриқномаси
ҚСХНИ	Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси
\$ АҚШ	Америка Қўшма Штатлари доллари
Сўм	Ўзбекистон Республикасининг Миллий Валютаси - Сўм
ҚҚС	Қўшимча Қиймат Солиғи
НСН	Нарх ва сифат нисбати
ЖБ	Жаҳон Банки

## СЎЗ БОШИ

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси (ҚИРЛ, "Лойиҳа") - бу Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий маҳаллий инфратузилмани такомиллаштириш бўйича янги ёндашувни синовдан ўтказиш ва амалга ошириш ташаббуси бўлиб, амалга ошириш марказида жамият иштирокини ташкил этиш кўзда тутилган. Амалиётда ўрганиш усулидан фойдаланган ҳолда, ҚИРЛ лойиҳалар бўйича қарор қабул қилиш ва назорат қилишда қишлоқларнинг иштирокини, лойиҳани амалга оширишда шаффофлик ва ҳисобдорликни, шунингдек, бошқа давлат дастурлари томонидан кенгайтирилиши мумкин бўлган сублойиҳаларнинг инвестициялари сифати ва барқарорлигини оширишга қаратилган лойиҳалаштириш режасини синовдан ўтказди.

Ушбу Лойиҳа Амалга Ошириш Қўлланмаси (ЛАОК) операцион сиёсат, процедуралар, кўрсатмалар ва ҚИРЛни амалга ошириш бўйича шакллар ҳақида батафсил баён қилади. Унинг асосий фойдаланувчиларига жамоалар (қишлоқлар), Маҳаллани Тараққиёт Гуруҳлари (МТГ), Маҳалла Фуқаролар Йиғини (МФЙ), Кўмакдош Ҳамкорлар (КХ) ва Лойиҳани Амалга Ошириш Гуруҳи (ЛАОГ) ходимлари, вилоят ва туман ҳокимликлари киради. Унинг иккинчи даражали фойдаланувчилари таркибига Ўзбекистон ҳукуматининг марказий ва вилоят даражасидаги бошқа тегишли вазирлик ва идоралари, Ривожланиш бўйича ҳамкорлар, Фуқаролик жамияти ташкилотлари, ташқи баҳоловчилар ва Лойиҳанинг аудиторлари киради.

Ушбу ЛАОҚнинг кучга кириш санаси 2020 йил 26-июн бўлиб, шу кунда ҚИРЛ ҳам кучга кирган, ушбу қўлланманинг илк қайта кўриб чиқилган вариантдир. 2020 йил сентябр ойида тасдиқланган лойиҳани қайта кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг "Обод қишлоқ" давлат дастурини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорини ҳисобга олиб, лойиҳа номини "Обод қишлоқлар" дан "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга" ўзгартириш ва COVID-19 пандемияси талаб қилган лойиҳани амалга ошириш циклига мослашувларни жорий этиш, барча манфаатдор томонларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун қайта кўриб чиқилди.

ЛАОҚни ушбу соҳадаги орттирилган иш тажрибаси, амалий муаммолар, ўзгартирилиши керак бўлган сиёсат ёки процедуралардаги камчиликлар ёки ноаниқликлар асосида вақти-вақти билан кўриб чиқиш талаб этилади. ЛАОГ ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни камайтириш вазирлиги (ИТВ) ҳар йили ЛАОҚга ўзгаришлар киритиш зарурлигини текширади ва тегишли равишда кейинги таҳрирларни тақдим этади. ҚИРЛни тадбиқ этишнинг ҳар қандай даврида кучга эга бўлган ЛАОҚ таҳрири КХ ва ЛАОГ ходимларининг техник вазифасининг (ТВ) муҳим қисмини ташкил қилади.

ЛАОҚ таркибига ҚИРЛнинг турли жиҳатларини, шу жумладан молиявий бошқарувни, атроф-муҳит ва ижтимоий ҳимоя воситаларини, шикоятларни кўриб чиқишни ва турли хил лойиҳалар фаолияти натижаларини ҳужжатлаштириш учун фойдаланиладиган шаклларни тартибга солувчи иловалар (қўлланмалар) киради. ЛАОҚ иловалари ЛАОҚнинг ажралмас қисми бўлиб, барча манфаатдор томонлар учун мажбурий юридик кучга эга ҳисобланади. ЛАОҚ шунингдек, жамоа сафарбарлиги жараёнлари тўғрисида (Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланма) инфратузилмавий сублойиҳалари бўйича техник қўлланмалар ҳақида, ҳамда ҚИРЛни амалга ошириш хусусидаги Ўзбекистон ҳукумати (ЎРХ) қонунлари ва келишувларига ҳаволалар борасида батафсил маълумот берувчи ёрдамчи ҳужжатларни ўз ичига олади. Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланма ва Инфратузилманинг техник қўлланмаси ЛАОҚга қараганда тез-тез қайта кўриб чиқилиши ва янгиланиши талаб этилади.

ЛАОҚ ўзбек ва рус тилларига таржима қилинади ва кенг оммага тақдим этилади. Инглизча ва таржима қилинган нусха(лар) ўртасида бирон бир тафовут бўлса, инглиз тилидаги нусха устун деб ҳисобланади.

Ушбу ЛАОҚ Лойиҳани молиялаштириш тўғрисидаги битим ва [Лойиҳани баҳолаш ҳужжати](#) қисмларидан ишлаб чиқирилган ҳужжат ҳисобланади. Агар ЛАОҚ ва ушбу ҳужжатлар ўртасида тафовут мавжуд бўлса, юқорида келтирилган ҳужжатлар устунлик қилади.

## **I. ДАСТУРГА КИРИШ**

### **Умумий маълумот**

Ўзбекистон ҳукумати (ЎРХ) барча фуқаролар учун мисли кўрилмаган ислоҳотлар дастурини амалга ошироқда, бунда фуқаролик жамияти ва фуқаролар иштироки учун имкониятлар бериш чоралари назарда тутилган. ЎРХнинг 2017–2021 йиллар учун Мамлакат Тараққиётининг Устувор Йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ва Маъмурий Ислоҳотлар Концепциясида кўрсатилган юқори даражадаги ислоҳот мақсадлари қуйидагиларни ўз ичига олади: (i) Ўзбекистон ҳукумати ва унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатларни шерикчилик даражасига ўтказиш ва (ii) вилоят ва маҳаллий бошқарув органларининг аҳолига хизмат қилиш жараёнида ошқоралик ва ҳисобдорликни ошириш. Ушбу стратегиялар қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва қамбағалликни қисқартириш бўйича улкан мақсадларни ўз ичига олади. Бу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати турли хил миллий давлат дастурларини, шу жумладан асосий хизматлар ва бозорларга киришни яхшилаш ва иш билан таъминлаш имкониятларини қўллаб-қувватлаш учун янги инфратузилмани барпо этувчи ва мавжуд инфратузилмани қўллаб-қувватлайди.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси (ҚИРЛ, "Лойиҳа") - бу Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий маҳаллий инфратузилмани такомиллаштириш бўйича янги ёндашувни синовдан ўтказиш ва амалга ошириш ташаббуси бўлиб, амалга ошириш марказида жамият иштирокини ташкил этиш кўзда тутилган. Амалиётда ўрганиш усулидан фойдаланган ҳолда, ҚИРЛ лойиҳалар бўйича қарор қабул қилиш ва назорат қилишда қишлоқларнинг иштирокини, лойиҳани амалга оширишда шаффофлик ва ҳисобдорликни, шунингдек, бошқа давлат дастурлари томонидан кенгайтирилиши мумкин бўлган сублойиҳаларнинг инвестициялари сифати ва барқарорлигини оширишга қаратилган лойиҳалаштириш режасини синовдан ўтказилади.

ҚИРЛ Жаҳон банки (ЖБ) ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) кўмагида ИТВ томонидан амалга оширилади. ҚИРЛни ишлаб чиқишдан мақсад бу, (i) асосий инфратузилмаларнинг сифатини яхшилаш ва (ii) танланган қишлоқларда аҳоли билан бирга маҳаллий бошқарув жараёнларини кучайтириш, бунда "аҳоли билан бирга маҳаллий бошқарув" эҳтиёжларни аниқлашда қишлоқларнинг ҳам инклюзив иштирок этишини; сублойиҳаларни молиялаштиришни режалаштиришни, устуворликларини аниқлашни ва танлашни; ҳамда назорат фаолиятини, шу жумладан харидлар, сублойиҳалар ва ижтимоий аудит мониторингини назарда тутати. Қишлоқ жойларидаги фуқаролар иштироки ҳамда қарор қабул қилиш ва назоратни кучайтириш учун, ҚИРЛ доирасида тақдим этилган асосий турдаги инновация бу, иштирок этаётган туман маъмурият органлари ва қишлоқларга "Қишлоқларга кўмаклашувчи гуруҳлар" шаклида ёрдам беришидир.

ҚИРЛ беш вилоятни қамраб олади, булар Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидир.

## **А. ҚИРЛ компонентлари**

**1-компонент.** Бош инфратузилма ва хизматларга талабга асосланган инвестициялар ҳамда маҳаллий бошқарув салоҳиятини қўллаб-қувватлаш. Ушбу компонент жамоатчилик режалаштирган ва устувор деб билган ижтимоий инфратузилма ва хизматларга маҳаллий даражадаги ва иқлим ўзгаришига бардошли бўлган сублойихалар инвестициясини молиялаштиради. Ушбу компонент, шунингдек, инвестицияларни режалаштириш, танлаш, амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш учун кенг қамровли, шаффоф жараёнларга жамоатчиликни жалб қилиш учун ҳокимиятларга, Маҳалла фуқаролар йиғинларига (МФЙ) ва Маҳаллани тараққиёт гуруҳларига техник кўмак ва ёрдам кўрсатади.

*1а Субкомпоненти.* Ушбу субкомпонент 1б субкомпонентда белгиланганидек, аҳоли билан бирга лойиҳани амалга ошириш цикли орқали мос қишлоқларда МФЙ/МТГлар томонидан белгиланган ва истиснолар рўйхатида аниқланган уй-жой қурилиши ва реконструкцияси ёки одамларнинг бошқа жойга кўчирилиши ёки қайта жойлаштирилишини талаб қиладиган ҳар қандай инвестициялар дан ташқари сублойихавий инвестицияларни молиялаштиради,. Асосий ва иқлим ўзгаришига бардошли инфратузилма ва хизматларнинг сублойихаларига киритилган мақбул инвеститсиялар қуйидагиларни ўз ичига олади, аммо булар билан чекланмайди: (i) қишлоқ ичимлик суви ва канализация хизматларига инновацион алтернатив моделлар киритиш орқали улардан фойдаланишни кенгайтириш учун мавжуд ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини тиклаш; (ii) энергия самарадорлигини ошириш учун жамоат биналарини модернизациялаш; (iii) ижтимоий инфратузилмани тиклаш; (iv) учинчи даражали йўллар, кўчаларни ва пиёдалар учун йўлларни тиклаш; (v) йўлларни дренажлаш(қуриштириш) ва қишлоқ йўлларининг тошқинга чидамлилигини ошириш; (vi) кўприкларни тиклаш ва қуриш (узунлиги 10 метргача); (vii) кўчаларни ёритиш тизимини модернизациялаш; (viii) жамоат жойларини такомиллаштириш; (ix) қаттиқ чиқиндиларни утилизация қилиш тизимлари; (x) жамоат объектларини кичик миқёсда қуриш; (xi) симсиз Интернет хизматлари билан таъминлаш учун антенналарни ўрнатиш; (xii) автобус тураргоҳлари ва бекатларини қуриш ва тиклаш; ҳамда (xiii) энергия таъминоти бўйича чоратадбирлар. Ушбу субкомпонент, шунингдек, қишлоқ аҳолиси томонидан устувор деб топилган сублойихаларни шакллантириш учун танлов асосида танлаб олинган ва шартнома тузилган лойиҳалаштириш институтлари ва фирмалар томонидан кўрсатилган хизматларни ҳам молиялаштиради.

*1б Субкомпоненти.* коммуникация ва қишлоқларга маълумот етказиш, фуқаролар иштироки, маҳаллий бошқарув салоҳиятини ошириш. Ушбу субкомпонент Қишлоқ фасилитаторлари (ҚФ) ва Қишлоқ муҳандисларига (ҚМ), МТГ ва Туман Лойиҳа Қўмиталари (ТЛҚ) учун техник кўмак, тренинг ва салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларни амалга оширишда ёрдам беради:

- a. *Жамоавий амалга ошириш цикли*, жумладан қуйидагиларни ўз ичига олади: (i) Лойиҳанинг мақсадлари, процедуралари ва шикоятларни кўриб чиқиш тизими, шу жумладан аёллар ва ҳимояга муҳтож қатламлар билан мулоқот ва ахборот алмашиш; (ii) қатнашаётган қишлоқлардаги барча маҳаллаларда эҳтиёжларни биргаликда баҳолаш ; (iii) биргаликда тараққиётни режалаштириш, тараққиёт устуворлигини белгилаш ва сублойихаларни молиялаштиришни танлаш ; ҳамда (iv) бирга олиб бориладиган эксплуатация ва техник хизмат (ЭТХ).
- b. *Жамоавий мониторинг ва назорат қилиш*, фуқароларнинг қуйидагиларда иштирокини ўз ичига олган ва бу билан чекланмаган: (i) МТГ нинг ўргатилган аъзолари томонидан сублойихалар мониторинги ва (ii) Лойиҳа қарорларининг ва сублойихавий маблағларнинг тўғри ишлатилишини ҳар тарафлама қамраб олиниши ва ошқоралигини таъминлаш учун ижтимоий аудит.
- c. *Сублойиҳани лойиҳалаштириш ва барқарорликни таъминлаш учун*: (i) бошланғич экологик ва ижтимоий скрининг ва сублойиҳани лойиҳалаштиришнинг дастлабки

сметасини тақдим этишга имкон берувчи асосий муҳандислик кўмаги ва (ii) МТГларга автоном сув таъминоти ва канализация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда ёрдам беришни қамраб олган, лекин чекланмаган ҳолда *техник кўмак*.

**2-Компонент.** Лойиҳани бошқариш, мониторинг қилиш ва баҳолаш (МвБ) ҳамда Лойиҳа салоҳиятни ошириш (i) Лойиҳани бошқариш фаолиятига, шу жумладан Лойиҳани амалга ошириш, мулоқот ва жамоатчилик билан алоқаларни, Лойиҳа аудитини ва қўшимча операцион харажатларни молиялаштиришни умумий мувофиқлаштириш ва назорат қилишга; (ii) Лойиҳани мониторинг қилиш ва баҳолашга, Лойиҳанинг шаффофлиги ва фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларига; (iii) бенифициарлар билан қайта алоқа механизмини бошқаришга (БҚАМ), шу жумладан шикоятларни кўриб чиқиш механизмини (ШКЧМ) бошқаришга; ва (iv) самарали харидлар, ижтимоий ва экологик хавфсизликни ошириш ва инфратузилма лойиҳалари сифатини яхшилаш учун вилоят ҳокимиятларининг салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

## **В. Асосий тамойиллар**

ҚИРЛ қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

- **Жамоатчилик томонидан қарорлар қабул қилиниши.** ҚИРЛ жамоатчилик томонидан бирга олиб бориладиган ва инклюзив ижтимоий таҳлил асосида аниқланган, устувор деб белгиланган, жамоатчиликнинг ривожланиш эҳтиёжларини аниқлайдиган ва барча манфаатдор томонлар фойдалана оладиган Қишлоқ Тараққиёти Режаси кўринишида тақдим этиладиган сублойиҳаларни молиялаштиради.
- **Самарали маҳаллий бошқарув амалиёти учун салоҳиятни ошириш.** ҚИРЛ барча истиқомат қилувчи аҳолини, шу жумладан эркаклар ва аёллар, ёшлар, кам таъминланганлар ва ҳимояга муҳтожларга овоз берувчи ва уларнинг вакили сифатида фаолият кўрсатувчи инклюзив Маҳаллани тараққиёт гуруҳларини яратишни қўллаб-қувватлайди. ҚИРЛ, шунингдек, МТГ ва МФЙ аъзоларининг (эркак ва аёлларнинг) ҳам салоҳиятини турли соҳаларда, шу жумладан, бирга олиб бориладиган ва инклюзив йиғилишлар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида, жамоатчиликнинг кундалик ривожланиш тадбирларини бошқаришда оширади. Шунингдек, ҚИРЛ хизматлар ва ресурсларга йўл очиб беришни яхшилаш учун МТГларни бошқа ҳукумат ва нодавлат ташкилотлари билан боғлашга ёрдам беради.
- **Гендер тенглиги асосида ривожланиш.** ҚИРЛ (i) овоз бериш ва қишлоқ миқёсидаги қарорларни қабул қилишда иштирок этишда МТГ аъзоларининг 50% аёллар эканлигига ишонч ҳосил қилиш ва аёллар (шу жумладан ёш аёллар) лойиҳани режалаштириш ва қарорларни қабул қилиш йиғилишларида қатнашиш имкониятига эгаллигини таъминлаш учун жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш орқали; ва (ii) аёлларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган сублойиҳалар орқали хизматлардан фойдаланишда гендер камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.
- **Шаффофлик ва ҳисобдорлик.** ҚИРЛ чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ошкоралик ва ҳисобдорликнинг тўғрилигини таъминлаш учун турли тадбирларни, шу жумладан миллий, вилоят, туман ва қишлоқ даражасидаги таништирув ва кенгайтирилган учрашувларни; ҚИРЛ веб-сайти орқали олиш мумкин бўлган лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги маълумотларни; сублойиҳа харидлари ва уни амалга ошириш ишларини жамоавий мониторинг қилишни; лойиҳани амалга ошириш сифати ҳақидаги жамоатчиликнинг тасаввурларини аниқлаш учун ижтимоий аудитодан фойдаланишни; барча манфаатдор томонлар фойдалана оладиган шикоятларни кўриб чиқиш механизмини қўллаб-қувватлайди.
- **Ижтимоий ва экологик барқарорлик.** ЎРХнинг қишлоқ жойларда турмуш даражасини ошириш мақсадига мувофиқ, ҚИРЛ қишлоқ аҳолиси учун ижобий

ижтимоий-иқтисодий фойда келтирадиган инвестициялар ва тадбирларни молиялаштиради. Доимий жой алмаштиришни назарда тутувчи, мажбурий кўчишни талаб қиладиган, аҳолининг даромади ёки турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатадиган, болалар ва мажбурий меҳнатга сабаб бўладиган ёки атроф-муҳитга катта ҳажмда ва тузатиб бўлмайдиган даражада таъсир кўрсатадиган фаолиятлар ҚИРЛ томонидан қўллаб-қувватланмайди. ҚИРЛ маҳаллий идоралар ва жамоатчилик учун ижтимоий ва экологик хавфсизликка оид миллий қонунлар ва қоидалар ҳамда атроф-муҳит ва ижтимоий хавфсизлик сиёсати ва тегишли жараёнлар бўйича Жаҳон Банкнинг стандартлари бўйича маълумотларни ошириш чораларини қўллаб-қувватлайди.

### **С. ҚИРЛ ва бошқа давлат дастурлари ўртасидаги асосий фарқлар**

ҚИРЛ қишлоқларда асосий инфратузилма имкониятларини яхшилашга қаратилган турли хил давлат дастурларининг аввалги амалиётларини такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган бўлиб, бундай дастурлардан бир қанча муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради, хусусан :

- **Географик қамров.** Давлат инфратузилмасини ривожлантиришнинг бошқа олиб борилаётган дастурлари билан қамраб олинган қишлоқлар, жумладан вақтинча тўхтатилган Обод Қишлоқ, Обод Маҳалла ёки Обод Марказ ҚИРЛ да қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. ҚИРЛ да қатнашиш учун қишлоқларнинг туман марказидан узоқлиги ва тоза ичимлик сувидан доимий фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳолининг фоизи асосида белгиланадиган устуворликлари белгиланади.
- **Сублойихани режалаштириш, устуворликларини белгилаш ва танлаш.** ҚИРЛ доирасида инвестиция киритиладиган сублойихалар ҳар бир иштирок этувчи қишлоқда Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР)ни ишлаб чиқиш билан яқунланувчи қишлоқ миқёсида режалаштириш ва танловда иштирок этиш жараёни орқали сараланади. Ривожланишни режалаштириш жараёни инклюзив ва шаффоф бўлишини таъминлаш учун ҚИРЛ ўргатилган қишлоқ фасилитаторлари ва қишлоқ муҳандислари орқали ёрдамни тақдим этади.
- **Мувофиқ инвестициялар.** Аҳолининг доимий кўчирилишини талаб қиладиган сублойихавий инвестициялар ҚИРЛ томонидан молиялаштирилмайди. Сублойихани амалга ошириш учун натурал шаклдаги меҳнатга чорловларга ҳам йўл қўйилмайди. ҚИРЛ уй-жой қуриш ёки бозор инфратузилмасини тиклашни ёки қуришни молиялаштирмайди.
- **Ижтимоий ва экологик стандартлар.** ҚИРЛ Жаҳон Банкнинг Ижтимоий ва экологик хавфсизликни таъминлаш учун Фаолият принципларини қўллайди (батафсил маълумот учун 7-бобга қаранг).

## **II. АСОСИЙ МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ВАЗИФА ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **Миллий даража**

#### **Республика Комиссияси**


Лойиҳа қишлоқларда асосий инфратузилмани яхшилаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган турли хил давлат дастурларини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган Республика комиссияси (лар) томонидан мувофиқлаштирилади ва унга ҳисоб беради Унинг асосий вазифалари: (i) муаммоларни ҳал қилиш, дастурда иштирок этаётган тармоқ вазирликлар, бўлимлар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликларни бошқариш ва улар билан ўзаро ишлаш; (ii) қурилиш ва реконструкция лойиҳаларини амалга ошириш

устидан систематик мониторинг олиб бориш; ва (iii) келажакда дастурларни режалаштириш, шу жумладан қурилиш ва реконструкция қилиш лойиҳалари режалаштирилаётган қишлоқ аҳоли пунктларининг рўйхатини тузиш.

### Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Вазирлиги

ИТВ ЎРХ томонидан ҚИРЛ ни амалга ошириш учун жавобгар этиб тайинланган. Иқтисодий Тараққиёт вазирининг биринчи ўринбосари ИТВ таркибидаги ҚИРЛ ни назорат қилиш учун жавобгардир. ИТВ, шунингдек, қишлоқ жойларда асосий инфратузилмани такомиллаштириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат дастурлари бўйича Республика Комиссияси билан биргаликда, Республика Комиссияси вакиллариининг йиллик манфаатдор томонлар муҳокамаларида иштирок этишини таъминлаш учун бошқарувга ҳам маъсул бўладилар.

РАСМ1: ҚИРЛ НИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА АМАЛГА ОШИРИШ СХЕМАСИ



### Лойиҳани Амалга Ошириш Гуруҳи (ЛАОГ)

2019 йил май ойида ЎРХ Лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш учун ЛАОГ ни ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Ушбу буйруқ орқали ИТВ ЛАОГ га лойиҳани амалга ошириш бўйича вазифаларни, шу жумладан васийлик назорати, харид қилишни, КҲ шартномалар назоратини, МвБ, жамоатчилик билан алоқани ва МвБ, шунингдек, ҳукумат ва ривожланиш бўйича шериклар томонидан молиялаштириладиган бошқа дастур ва лойиҳалар билан Лойиҳа алоқаларни таъминлаш вазифаларини юклади. ЛАОГ бундан ташқари, лойиҳа раҳбарини, харидлар бўйича мутахассисни, молиявий бошқарув мутахассисни, инфратузилма бўйича мутахассисни, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисни, ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассисни, жамоатчиликни жалб қилиш бўйича мутахассисни, Ахборот бошқаруви тизими (АБТ) мутахассисини, ва МвБ мутахассисини ўз ичига олади. Ушбу мутахассислардан ташқари, зарурат бўлганда, ЛАОГ вилоятларда ходимларни ёллайди. ЛАОГ ходимлари учун Техник Вазифалари Кадрлар масалалари бўйича Қўлланмада келтирилган.

ЛАОГ хавфсизлик, таъминот, инфратузилма ва назоратнинг барча жиҳатларини бошқаради; барча васийлик вазифаларни ҳамда вилоят ва туманлар билан институционал ёрдамни етарлича бошқарувини амалга оширади; ҳамда консолидацияланган ҳисобот ва лойиҳани бошқариш вазифаларини бажаради. ЛАОГ ШКЧМ ва лойиҳа билан боғлиқ алоқалар учун жавобгардир. ЛАОГ, шунингдек, марказий ва вилоят идораларининг Лойиҳа ходимларини

ёллаш учун ҳам жавобгар ҳисобланади.

## **Вилоят даражаси**

### **Вилоят ҳокимликлари**

Вилоят ҳокимликлари вилоят даражада ҚИРЛ нинг бажарилишини бошқариш ва назорат қилиш учун жавобгардир. Бунга ЯБХИК куйида тавсифланган ҚИРЛ га хизмат кўрсатилишини таъминлаши ва вилоят ҳокимиятининг таркибий бўлинмаларини ташкилий масалалар ва амалга ошириш муаммоларини ҳал қилишда техник ёрдам кўрсатиш учун бошқариш киради.

### **ЯБХИК**

ЯБХИК Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорига биноан ташкил этилган. ЯБХИК ягона хизмат кўрсатувчи орган бўлиб вилоят ҳокимиятларига харидлар қилади, бошқарув ва техник хизматларни кўрсатади. ЯБХИК лар одатда 40-55 кишидан иборат бўлиб, улар орасида директор, бош муҳандис, иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари, тендер бўлими, лойиҳани амалга ошириш ва техник назорат бўлими, молиявий ва шартномаларни бошқариш бўлими, бухгалтерия бўлими ва бошқа бўлимлар мавжуд.

Ҳар бир иштирок этаётган вилоятдаги ЯБХИК лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини харид қилиш ва ҚТР да аниқланган ва ҚИРЛ ни молиялаштириш учун танланган сублойиҳалар бўйича қурилиш ишлари сифати назоратини таъминлаш бўйича ЛАОГга хизматларни тақдим этади. ИТВ ҳар бир вилоят ҳокимияти билан томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда вазифа ва мажбуриятларини белгилаш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузган ва лойиҳани амалга оширишда ва пудратчилар билан шартномаларни бошқаришда ЯБХИК нинг қўллаб-қувватлашини таъминлаш учун ЯБХИК билан зарур маъмурий чораларни белгилайди. Харидлар ва техник назорат бўйича хизматлар учун ЯБХИК га тўланадиган тўловлар ЎРҲ томонидан ҚИРЛ ни шерикликда молиялаштирувчи тараф сифатида қопланади.

### **Вилоят даражадаги ЛАОГ**

ЛАОГ вилоят даражасида ҚИРЛ ни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун харидлар, молия ва бухгалтерия ҳисоби (МБХ), экологик ва ижтимоий ҳимоя ҳамда техник назорат бўйича мутахассисларни жалб қилади.

- Харидлар ва МБХ мутахассислари Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси (ЯБХИК) ходимларига лойиҳани амалга ошириш жараёнида Жаҳон Банкнинг Харидлар бўйича кўрсатмаларига риоя қилинаётгани ва пудратчиларга маблағларни ўтказиш учун Тошкент шаҳридаги ЛАОГ учун зарур ҳужжатлар тўғри ва ўз вақтида тайёрланаётганига ишонч ҳосил қилиш учун жойларда техник кўмак кўрсатилади.
- Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза бўйича мутахассислар экологик ва ижтимоий муҳофаза таъминоти тендер ҳужжатлари ва шартномаларга киритилишини таъминлаш учун жойларда техник ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек, улар қишлоқ даражасида экологик ва ижтимоий ҳимоя чораларининг тегишли ҳужжатлари тайёрланишига ишонч ҳосил қилиш учун жойларда текширувларни жумладан, сўровномалар, оддий Атроф-муҳит ва Ижтимоий Бошқарув Режаларини (АМИБР), Кўчириш Ҳаракат Режаларини (КХР) ёки бошқа ошкор қилинган ва амалга оширилган ишлар бўйича текширувларни амалга оширадилар.
- Вилоят техник назорат бўйича мутахассислар ЛАОГдаги инфратузилма мутахассиси билан биргаликда юқори сифатли техник лойиҳаларни қўллашда маҳаллий лойиҳалаштириш корхоналарига ва ЯБХИКларга салоҳиятини оширишда техник кўмак кўрсатадилар. Шу билан бирга, керак бўлганда қишлоқлардаги сублойиҳани

амалга ошириш пайтида курилиш сифатини аниқловчи ҚМ нинг жойлардаги текширувларини амалга оширадилар ёки қўллаб-қувватлайдилар.

Атроф-муҳит ва ижтимоий ҳимоя бўйича вилоят мутахассислари ҳамда техник назорат бўйича мутахассислар учун (жами уч киши) ҳар бир вилоятдаги ЯБХИК муҳандислик компаниялари биноларида иш ўрни яратилади. Фарғона водийсидаги харидлар ва МБХ мутахассислари Наманган шаҳрида, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг харидлар ва МБХ мутахассислари эса Гулистон шаҳрида жойлаштирилади.

### **Туман даражаси**

Туман ҳокимликлари туман миқёсида ҚИРЛ нинг бажарилишини бошқариш ва назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади. Ҳар бир иштирокчи туманнинг туман ҳокими ҚИРЛ ни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун Туман Лойиҳа Қўмитаси (ТЛҚ) ни ташкил этади. ТЛҚ туман бошқарув идоралари ва коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг асосий аъзоларидан иборат бўладива унга туман ҳокими раислик қилади. ТЛҚ қуйидагиларга жавобгардир: (i) ҚИРЛ нинг мақсадлари ва қоидаларини, шу жумладан, қишлоқларни танлаш мезонлари, мувофиқ инвестициялар, қатнашиш учун жараёнлар ва амалга ошириш муддатларини МФЙ ларга етказиш; (ii) ҚИРЛ да кўрсатилган чоралар ва танлов мезонлари асосида ҚИРЛ да қатнашиш учун қишлоқларни танлаш; (iii) Қишлоқ Тараққиёти Режаси (ҚТР)да ҚИРЛ томонидан молиялаштириш учун таклиф қилинган сублойиҳаларни кўриб чиқиш учун МТГ лар билан ишлаш. Бунда кўриб чиқиш Эксплуатация ва техник хизмат (ЭТХ) кўрсатиш режаларини тасдиқлаш учун ва ушбу сублойиҳалар бошқа давлат дастурларида режалаштирилган инвестицияларни такрорламаслиги мақсадида амалга оширилади; (iv) танлаб олинган сублойиҳалар рўйхатини сублойиҳаларни лойиҳалаштириш учун вилоят ҳокимиятига ЯБХИК учун тақдим этиш; ва (v) вилоят ҳокимиятлари билан биргаликда, кундалик ЭТХ учун тегишли тармок бўлимларига ҚИРЛ томонидан молиялаштирилган инфратузилмани топширишга кўмаклашиш.

### **Қишлоқ даражаси**

Маҳалла Фуқаролар Йиғини (МФЙ) Ижроия Қўмиталари раис, котиб ва маслаҳатчилардан иборат бўлади. Лойиҳа мақсадлари учун МФЙ Ижроия Қўмиталари қуйидагиларга жавобгардирлар: (i) қишлоқнинг ривожланиш жараёнидаги эҳтиёжларини ташқи манфаатдор томонларга, шу жумладан ЎРХ амалдорлари, идоралари ва тараққиёт бўйича фаолият юритувчи ташкилотларга тақдим этиш; (ii) ТЛҚ ларга ҚИРЛ нинг ютуқлари тўғрисида ҳисобот бериш; (iii) қишлоқ аъзоларига ҚИРЛ тўғрисида тушунча олишга ёрдам берадиган алоқа тадбирларига кўмаклашиш; ва (iv) ҚФ ва ҚМ ларни барча маҳаллалар ва жамоатчилик гуруҳ вакиллари, шу жумладан аёллар, ёшлар ва ҳимояга муҳтож гуруҳ вакиллари иштирок этадиган учрашувларни ташкил этишда қўллаб-қувватлаш.

ҚИРЛ нинг умумий тадбиқ этилишида МФЙ Ижроия Қўмиталарини қўллаб-қувватлаш учун, ҚИРЛ да иштирок этиш учун танланган ҳар бир қишлоқ МТГ ни ташкил қилади. Бу ҚИРЛ мақсадлари учун ташкил этилган вакиллик органи бўлиб, у МФЙ лар ва жамоатчилик аъзолари билан ишлайди. МТГ қуйидагиларга жавоб беради: (i) ҚИРЛ мақсадлари, молиялаштиришга лойиқ бўлган сублойиҳалар, жамоавий лойиҳа цикллари ва шикоятларни кўриб чиқишни жамоатчиликка етказиш ишларини олиб бориш; (ii) жамоавий эҳтиёжларни баҳолашни қўллаб-қувватлаш ва ушбу баҳолашда аёллар, ёшлар, ногиронлар ва ҳимояга муҳтож гуруҳларнинг етарли даражада иштирок этишини таъминлаш; (iii) ҚФ ва ҚМ ёрдамида жамоатчиликнинг муҳокамасига ва маъқуллаши асосида ҚТР тайёрлаш; (iv) ҚМ лар томонидан қўллаб-қувватланадиган техник-иқтисодий таҳлили асосида, ҚИРЛ ни молиялаштириш учун устувор бўлган сублойиҳавий инвеститсиялар бўйича дастлабки

таклифларни ишлаб чиқиш; (v) ҚТР ни муҳокама қилиш учун ТЛҚ лар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ҚИРЛ сублойихалари учун ЭТХ режаларини ишлаб чиқиш; (v) Жамоатчилик Иштирокидаги Мониторинг жараёнини қўллаб-қувватлаш; ва (vi) ҚИРЛ билан боғлиқ шикоятларни ШКЧМ га тақдим этиш.

### **Жамоатчилик Мониторинги Гуруҳлари**

Шаффофликни таъминлаш учун ҳар бир қишлоқда МТГ ни адолатли ва биргаликда ривожланиш жараёнларини кузатувчи, шунингдек, ЯБХИК лар ишини, шу жумладан ишларни ўз вақтида амалга оширилишини, инфратузилманинг сифати ва ишчи кучидан адолатли фойдаланишни кузатиб борадиган Жамоатчилик Мониторинги (ЖМ) Гуруҳи мавжуд бўлади. ЖМ гуруҳи МТГ дан мустақил фаолият юритадилар ва ҚИРЛ да иштирок этадиган турли иштирокчилар пастдан юқорига ҳисобдор бўлишини таъминлайдилар. (ЖМ ва унинг фаолиятини батафсил муҳокама қилиш учун Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланмага қаранг).

### **ҚИРЛ ни Қўмакдош Гуруҳлари**

Қўмакдош Гуруҳ учта аъзодан иборат бўлади: бир эркак ва бир аёл аъзодан иборат Қишлоқ Фасилитаторлари (ҚФ) ва бир Қишлоқ Муҳандисидан. Ҳар бир Қўмакдош Гуруҳ бир вақтнинг ўзида олтига қишлоқда биргаликда амалга ошириш циклига қўмаклашадилар.

Лойиҳа МТГ ва ТЛҚ ларга техник қўмак кўрсатиш ва салоҳиятни ошириш бўйича фаолиятнинг иккита усулини синовдан ўтказди. Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида ЛАОГ ННТ лар ёки хусусий сектор субектларидан танлов асосида танлаб олинган, Қўмакдош ҳамкорлар (КҲ лар) билан шартнома тузади, улар ҚФ ва ҚМ ларни жалб қилади, ўқитади ва бошқаради. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ЛАОГ ҚИРЛ ни амалга оширишни осонлаштириш учун шартнома асосида ЛАОГ ходимлари каби ҚФ ва ҚМ ларни тўғридан-тўғри ёллади, ўқитади ва бошқаради.

КҲ лар ва индивидуал ҚФ лар ва ҚМ лар туман ҳокимиятлари, МФЙ ижроия қўмиталари ва МТГ ларга фуқаролик иштирокини, ошкораликни ва ҚИРЛ ни амалга ошириш жараёнида назоратни кучайтириш учун ёрдам беради. Вазифалар қуйидагилардан иборат: (i) ТЛҚ ларга жамоавий қишлоқ танлаш жараёнини амалга оширишда ёрдам бериш, шу жумладан танлаш мезонлари ва методологиясини туман аҳолисига етказиш ва танлов натижалари бўйича маслаҳатлар бериш; (ii) яширин овоз бериш орқали МТГ лар ташкил этиш жараёнига қўмаклашиш; (iii) қўшни қишлоқлар бўйлаб потенциал инвестицион ҳамкорликни аниқлашни ўз ичига олган биргаликда қишлоқ эҳтиёжларини баҳолаш учун МТГ ларга ўқитиш ва салоҳиятни оширишга қўмаклашиш; (iv) МТГ ларга ҚИРЛ орқали молиялаштириладиган сублойихаларни аниқлайдиган жамоатчилик қарорлари билан биргаликда ҚТР ларини ишлаб чиқишга ёрдам бериш; (v) МТГ лар билан инфратузилмадан ташқари бошқа ривожланиш масалаларини ҳал қилишда ишлаш (масалан, ёшлар учун ўқув тўғарақлари); (vi) МТГ ларга экологик ва ижтимоий хавфсизликнинг скрининг жараёнларини ўтказишда ёрдам бериш, ушбу скрининг натижалари асосида алтернатив инвеститсияларни аниқлаш; (vii) МТГ аъзолари ва ЖМ Гуруҳларини харидлар, молиявий бошқарув ва қурилиш назорати услубларига ўргатиш; (viii) сублойихаларни молиялаштиришнинг ЭТХ га қўмак бериш учун зарур бўлган қишлоқ даражасидаги ташкилотларни ташкил қилиш учун МТГ ларга салоҳиятни ошириш бўйича ёрдам кўрсатиш; ҳамда (ix) ҚИРЛ асосида молиялаштириш учун автоном сув таъминоти ва канализация тизимларини устувор қўядиган МТГларга техник қўмак(ТК) кўрсатиш ва автоном сув таъминоти тизимларини бошқариш учун ташкилий чоралар қўриш.

### III. ҚИРЛ РЕСУРСЛАРИ ТАҚСИМОТИ ҚОИДАЛАРИ ВА МУВОФИҚ СУБЛОЙИХАЛАР

#### Ресурсларни тақсимлаш қоидалари

ҚИРЛ қамраб олган беш вилоятда, Лойиха ЎРҲ томонидан ривожланишдан қисман ортда қолаётган деб таснифланган <sup>1</sup>қуйидаги 21 туманга эътиборни йўналтиради.

- Андижон вилоятида: Бўстон, Булоқбоши, Марҳамат, Улуғнар ва Пахтаобод туманлари.
- Наманган вилоятида: Чортоқ, Чуст, Мингбулоқ, Янгиқўрғон ва Поп туманлари.
- Фарғона вилоятида: Ёзёвон, Фурқат, Қўштепа ва Сўх туманлари.
- Сирдарё вилоятида: Баёвут, Сардоба ва Ховос туманлари.
- Жиззах вилоятида: Бахмал, Зомин, Фориш ва Янгиобод туманлари.

1а субкомпоненти ресурслари ҳар бир туманга туман аҳолисининг сонига қараб тақсимланади. 1-жадвалда маҳаллалар сони бўйича маъмурий маълумотлари асосида ҳар бир туманнинг 1а-компоненти бўйича молиялаштириш маълумотлари берилган ва у янги маъмурий маълумотлар пайдо бўлганда, амалга ошириш бочкичида янгиланиши мумкин.

Жадвал 1: Туман бўйича тақсимланган 1а Субкомпоненти молиялаштирилиши

Вилоят	Туман	Мос келадиган маҳаллалар сони	ҚИРЛ доирасида қамраб олинган маҳаллалар сони	Тегишли туманлардаги тегишли маҳаллалар аҳолиси сони	Аҳоли сонига кўра туманларни молиялаштириш (АҚШ доллари)
Андижон	Бўстон	6	5	13,678	1,684,015
Андижон	Булоқбоши	17	13	69,611	8,570,402
Андижон	Пахтаобод	42	31	118,164	14,548,175
Андижон	Улуғнар	4	3	10,733	1,321,431
Андижон	Марҳамат	26	20	85,663	10,546,700
Фарғона	Фурқат	15	11	53,986	6,646,675
Фарғона	Қўштепа	35	26	127,930	15,750,550
Фарғона	Сўх	12	9	34,272	4,219,517
Фарғона	Ёзёвон	14	11	42,630	5,248,542
Наманган	Чортоқ	25	19	77,978	9,600,535
Наманган	Чуст	35	26	120,373	14,820,143
Наманган	Поп	49	36	138,646	17,069,888
Наманган	Мингбулоқ	21	16	54,861	6,754,404
Наманган	Янгиқўрғон	48	35	147,649	18,178,324
Жиззах	Бахмал	12	9	61,049	7,516,261
Жиззах	Зомин	16	12	82,983	10,216,743
Жиззах	Фориш	8	6	17,163	2,113,083
Жиззах	Янгиобод	1	1	1,687	207,701
Сирдарё	Боёвут	16	12	54,795	6,746,278
Сирдарё	Сардоба	1	1	2,904	357,536
Сирдарё	Ховос	5	4	15,295	1,883,097
	Жами	408	306	1,332,050.00	164,000,000

<sup>1</sup> ИТВ қолаётган туманларни қуйидаги параметрларга қараб белгилайди: саноат, экспорт, асосий капиталга инвестициялар, қурилиш ишлари, фаол корхоналар сони, бюджет даромадлари ва бюджет харажатлари.

Ушбу 21 туман ичида, ТЛҚ лар Лойиха учун тахминан 306 ёки 408 мос келувчи қишлоқнинг 75 фоизини танлашда жамоавий иштирок жараёнидан фойдаланадилар. Ҳар бир туманда қишлоқларни танлаш жараёни тугаллангандан сўнг, ЛАОГ ҳар бир танланган қишлоқни, қишлоқ аҳолиси сонидан келиб чиққан ҳолда, 1а Компоненти бўйича молиялаштиради ва ресурслар тақсимоли тўғрисида ТЛҚ, МФЙ ларга ва бошқа манфаатдор томонларга қишлоқда аҳолини жалб қилиш ишларини бошлашдан олдин хабар беради.

### **Қабул қилиниши мумкин бўлган сублойихалар**

Қабул қилиниши мумкин бўлган сублойихалар юқорида ҚИРЛ Компонентлари бўлимида тасвирланган иқлим ўзгаришига чидамли, асосий инфратузилма ва хизматлар сублойихаларини ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди. Қишлоқлар ресурсларни ҚИРЛ тамойилларига мос бўлганда ва экологик ва ижтимоий ҳимоя сиёсатига мувофиқ келганда, ўзаро молиялаштириладиган инвестициялар учун бирлаштириши мумкин. Қуйида Истиснолар Рўйхатида келтирилган инвестициялар, молиялаштирилмайди.

### **Истиснолар Рўйхати**

Қуйидагиларни назарда тутувчи ҳар қандай сублойихалар:

- Доимий жой алмаштириш ёки бошқа жойга кўчишни талаб қилишни.
- Даромад / тирикчилик манбаларига салбий таъсир қилишни.
- Одамларни зўрлик билан кўчиришни назарда тутувчи ҳар қандай ҳаракатларни.
- Жисмоний шахслар ёки уй хўжалиқларининг активларига салбий таъсир кўрсатишни.
- Керакли техник ва сифат талабларига жавоб бермасликни.
- Салбий экологик ёки ижтимоий, тўғрилаб бўлмайдиган таъсирларга эга бўлган, кумулятив таъсирларни яратадиган ёки етарли даражада камайтириб бўлмайдиган таъсирларни.
- Кам таъминланган ёки ўртаҳол аҳолини ёки бошқа заиф гуруҳларни ҳисобга олмасликни.
- Тенг даражадаги аёллар ва эркеклар меҳнати учун тенг даражада иш ҳақи бермасликни.
- Ҳукумат ёки ривожланиш бўйича бошқа шериклар томонидан молиялаштириладиган ёки молиялаштирилиши режалаштириладиган.
- Жаҳон банки молиявий маблағлари ҳисобидан ер ёки мулк ёқотилиши учун компенсация тўловларини ўз ичига олишни;
- Ҳар қандай янги тўғон қуришни ёки мавжуд тўғонларни тиклашни, шу жумладан таркибий ва / ёки амалий ўзгаришларни молиялаштиришни;
- Хусусий товарларни, давлат идораларини ёки диний ташкилот биноларини молиялаштиришни;
- Мажбурий/болалар меҳнатидан фойдаланадиган ёки болалар зўравонлигига, болалар меҳнатини эксплуатациясига ёки одам савдоси фаолиятга олиб келадиган лойихалар. Сублойиханинг қурилиш, тиклаш ёки техник хизмат кўрсатиш ишларида 18 ёшгача бўлган бирон бир бола ишлагаслиги керак.
- Гиёҳванд моддалар, ҳарбий техника ёки бошқа хавфли материаллар ва жиҳозларни, шу жумладан бензоарра, пестицид, инсектицид, гербицид ёки асбест (шу жумладан асбестни ўз ичига олган материаллар) ёки бошқа манбаларни, ёки ҳаёт учун хавфли инвестицияларни, шу жумладан маданий ресурсларни сотиб олишни ёки ишлатишни талаб қилишни;
- Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ёки маълум даражадаги миллий муҳофаза қилиш учун тавсия этилган ҳудудларда (масалан, химояланган ўрмонлар), критик яшаш жойларида янги аҳоли пунктларини барпо этиш ёки мавжуд аҳоли пунктларини кенгайтиришни.

#### IV. ҚИРЛ НИ АМАЛГА ОШИРИШ ЦИКЛИ

Жамоатчилик иштирокига асосланган қарорларини қабул қилиш, маҳаллий бошқарувнинг салоҳиятини ошириш, гендер тенгликка асосланган тараққиёт, ошкоралик ва ҳисобдорлик, ижтимоий ва экологик барқарорликни таъминлаш бўйича ҚИРЛ тамойилларига мувофиқ, ҚИРЛ иштирок этувчи барча қишлоқлар учун 24 ой давомида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича ёрдам кўрсатади. ҚИРЛ нинг бутун цикли давомида доимий ўрганиш ва мослаштириш учун, ҳар йили, босқичма-босқич равишда барча қатнашувчи қишлоқлар қамраб олинади. Қайта кўриб чиқиш ва тузатиш киритиш зарур бўлганда, ҚИРЛ 2-жадвалда кўрсатилганидек талқин этилади.

Жадвал 2: Қишлоқларни қамраб олиш йиллик кўрсаткичлари

	1-фазадаги қишлоқлар	2-фазадаги қишлоқлар	Берилган йилида олинган сони	календар қамраб олиш қишлоқлар
2020-2021	153		153	
2021-2022	153	153	306	
2022-2023		153	153	
2023-2024			0	

Қуйидаги 3-жадвалда ҚИРЛни амалга ошириш циклидаги асосий босқичлар, ёрдамчи шакллар, амалга ошириш муддатлари ва ҚИРЛ ни амалга ошириш циклидаги ҳар бир қадамни амалга ошириш учун асосий жавобгар ташкилотлар келтирилган. Ҳар бир босқичда бажарилиши керак бўлган асосий жараёнлар ва қарорлар қуйида келтирилган. Ҳар бир босқични қандай бажариш кераклиги бўйича батафсил кўрсатма Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланмада ва Инфратузилманинг техник йўриқномасида келтирилган.

Изоҳ: Автоном сув таъминоти ва канализация сублойиҳаларини амалга оширишга қарор қилган қишлоқлар, тизимни бошқариш ва техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган қишлоқ институтини ташкил этиш учун тренинг ва салоҳият ошириш мақсадида қўшимча дастурни талаб этади, бу эса бундай қишлоқларда лойиҳани амалга ошириш циклини тахминан 36 ойга узайтиради. Автоном сув таъминоти ва канализация тизимлари бўйича Лойиҳани амалга ошириш цикллари ушбу ЛАОҚ нинг 7-иловасида келтирилган.

Жадвал 3: ҚИРЛ ни АМАЛГА ОШИРИШ ЦИКЛИ

Амалга ошириш циклидаги қадамлар	Тегишли форма	Қутилаётган таквим	Масъул ташкилот
1. ҚИРЛни иштирокчи вилоятлар ва туманларда қамраб олиш ва йўналтириш	-	1 ой	ЛАОГ, ҚХ
2. ТЛҚси ташкил этиш	3.1 Шакл	1 ой	ҚИРЛ, ҚМ и ҚФ
3. Қишлоқларин танлаш	3.1, 3.2 Шакллар	1 ой	ҚИРЛ, ҚМ и ҚФ
4. Қишлоқ сафарбарлиги (иштирокчи қишлоқларда лойиҳага кириш; жамоалардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тушуниш)	3.3, 3.4 Шакллар	1–2 ой	ҚИРЛ, ҚМ и ҚФ

5. МТГни танлаш ва рўйхатдан ўтказиш	3.5, 3.6, 3.7, 3.8 Шакллар	2 ой	ҚИРЛ, ҚМ и ҚФ
6. МТГ/МФЙ салоҳиятини ошириш бўйича биринчи машғулотлар тўплами	Кириш мониторинги	2–3 ой	ҚИРЛ, ҚМ и ҚФ
7. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ва ресурс таҳлили	3.9 Шакл	2–3 ой	ҚИРЛ, ҚМ и ҚФ
8. ҚТРни тайёрлаш (шу жумладан сублойиханинг таҳлиллари ва ТЛҚ даражасида ҚТРни муҳокама қилиш)	3.10 Шакл	3–4 ой	МТГ, ҚИРЛ, ҚМ ва ҚФ
9. Сублойиха дизайни (шу жумладан, атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини текшириш, ЯБХИК томонидан сублойиха дизайни хизматлари харидлари, шунингдек, ЯБХИК томонидан тақдим этилган МТГни кўриб чиқиш ва сублойиха дизайнини тасдиқлаш)	АМИМЧБАМ даги АМИС шаблонлар : АМИТБ – 9 илова, АМИБР – 10 илова, АМИБР назорат рўйхати – 11 илова, Кичик кўламдаги йўлларни таъмирлаш АМИБР назорат рўйхати – 12 илова; 1.1, 1.2, 1.3, 1.4, 1.5 Шакллар 2.1 Шакл 6.0, 6.1 Шакллар	5–7 ой	ЯБХИК, МТГ, ҚИРЛ ҚМ, Худудий ЛАОГнинг АМИХ мутахассиси
10. МТГ/МФЙ ва 1-сонли ижтимоий аудит салоҳиятини ошириш бўйича иккинчи машғулотлар тўплами	Тумандаги Лаог ва КҲлар томонидан кириш мониторинги ҳисоботлари 3.12 Шакл	6 ой	ҚИРЛ ҚМ и ҚФ; ЖМ жамоаси МТГ, МФЙ иштирокида ижтимоий аудит ўтказиши
11. Сублойиха харидлари ва уни амалга ошириш	Харид фаолияти, тренинглари	7 ой	ЯБХИК
12. Сублойихани амалга ошириш	6.2, 6.3, 6.4, 6.5, 6.6 Шакллар	8–18 ой	ЯБХИК; МТГ томонидан назорат; Худудий ЛАОГнинг АМИХ ва техник назорат нозирлари даврий назоратни амалга оширади
13. 2-сонли ижтимоий аудит	3.13 Шакл	12 ой	ЖМ гуруҳи МТГ, МФЙ, ЯБХИК,

			пудратчилар билан биргаликда
14. Сублойихани яқунлаш, топшириш, эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш	6.7, 6.8 Шакллар 3.15 Шакли	18–24 ой	ЯБХИК, МТГ, МФЙ, ТЛҚ, Худудий ЛАОГ
15. 3-сонли ижтимоий аудит, МТГнинг институционал етуклигини баҳолаш	3.14 Шакл 3.18 Шакл	18–24 ой	ЖМ гуруҳи МТГ, МФЙ, ЯБХИК, пудратчилар, ТЛҚ билан биргаликда

## 1. ҚИРЛ тарғиботи ва йўналиши

Биринчидан, ЛАОГ ҚИРЛ процедуралари ва мақсадларини вилоят ҳокимликларига тақдим этади. Бундан кейин вилоят ҳокимиятлари туман ҳокимиятларига КХ ларга ва вилоят ЛАОГ га танланган туманларда ҚИРЛ ни муваффақиятли амалга ошириш учун ёрдам кўрсатиш ҳақида топшириқ берадилар. Вилоят ЛАОГ ва КХ ходимлари ўз навбатида ҚИРЛ қамраб олган туман ҳокимиятларига ҚИРЛ процедуралари, вазифалари ва амалга оширилиш цикллари тақдим этадилар. Учрашув давомида вилоят ЛАОГ ва КХ ходимлари туман ҳокимиятларидан ТЛҚ ни ташкил этишда ёрдам сўрашади.

## 2. ТЛҚ ни Ташкил Этиш

ТЛҚ туман даражасида туман бошқарув идоралари ва коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар аъзолари орасида ташкил этилади. Туман ҳокими ТЛҚ га раислик қилади. ТЛҚ юқорида 3-бобда тасвирланган вазифалар учун жавобгардир.

## 3. Қишлоқни танлаш

ҚИРЛ да қатнашиш учун қишлоқлар қуйидаги мезонлар асосида танланади:

- Обод Қишлоқ, Обод Марказ ёки Обод Маҳалла давлат дастурларида иштирок этмаган қишлоқлар.
- Туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқлар. Марказдан узоқ жойлашиш география (масалан, тошлоқ ёки тоғли ҳудудлар), фойдаланиш имконияти (масалан, йўллар, транспорт) ва иқлимга (масалан, табиий хавфларнинг мавжудлигига) қараб фарқ қилиши мумкин.
- Қишлоқларнинг нисбатан юқори фойздаги хонадонларида узлуксиз оқиб турувчи ва хавфсиз ичимлик сувининг етишмаслиги (туманнинг бошқа давлат дастурларига эга бўлмаган ва чеккада жойлашган қишлоқларга солиштирилганда).

ТЛҚ ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ҳамкорликда (Президентнинг 2019 йил 8 январдаги 4102-сонли Фармони) <sup>2</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабуллари (Президентнинг 5700-сонли қарори) ,2014 йил 4-феврал) <sup>3</sup> ҚИРЛ фасилитаторларига қуйидагиларда ёрдам беради:

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги 4102-сонли Фармонида биноан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун тармоқлараро ҳамкорлик қўлланилиб, давлат, прокуратура, ички ишлар ва солиқ органларида "туман (шаҳар) - вилоят-Республика" тамойили бўйича вертикал бошқарув тизими жорий этилди. 2-илова: Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари ходимлари таркибига кирадиган бўлим ва ташкилотлар рўйхати.

<sup>3</sup> Президентнинг 2019 йил 4 февралдаги 5700-сонли қарорига мувофиқ. «Маҳалла - сектор- халқ қабулхонаси-маҳалла» тамойили асосида, йўл қурилиши, электр-энергия, газ, сув, коммунал ва ижтимоий соҳалар бўйича давлат органларининг юқори лавозимдаги мансабдор шахслари томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган

- мувофиқ қишлоқларни танлаш бўйича маълумотлар тақдим этиш, уларнинг ва туман маркази орасидаги масофаси ва тоза ичимлик суви билан таъминланмаган аҳолининг фойз даражаси бўйича тақсимлаш;
- рейтинг жараёнинг ошкоралигини таъминлаш учун вилоят ЛАОГ ва КХ лари вакилларининг кузатувчи сифатида иштирок этишини таъминлаш;
- лойиҳада иштирок этиш учун қишлоқларни танлаш ва саралаш тўғрисидаги ТЛҚ йиғилиш баённомасини чоп этиш.
- танлов жараёни ЛАОҚ га мувофиқ амалга оширилганлигини тасдиқлаш учун ЛАОГ га қишлоқларни танлаш рўйхатини юбориш.

Қатнашадиган қишлоқларнинг рўйхати тўлдирилгандан сўнг, ТЛҚ барча МФЙ аъзолари, фуқаролар, маҳаллий ФЖТ ларни ва бошқа манфаатдор томонларнинг иштирокида рейтинг жараёнини тақдим этиш ва МФЙ раиси ва аъзоларига уларнинг қишлоқлари нима учун танланган ёки танланмаганлигини тушунтириш мақсадида оммавий йиғилиш уюштилади. Учрашув давомида, ТЛҚ ва ҚИРЛ фасилитаторлари биринчи ва кейинги йилларда қанча қишлоқларни молиялаштириш кераклигини ҳақида маълумот беришлари керак. Агар бирон бир қишлоқнинг рейтинги ёки танлови ўринли сабабларга кўра ўзгартирилса, танланган қишлоқларнинг рўйхати қайта кўриб чиқилади ва ушбу қарорни ҳужжатлаштирган янги ТЛҚ йиғилиш баённомаси чоп этилади.

Қатнашаётган қишлоқларнинг рўйхати ва танлов жараёни ҳақидаги маълумотлар лойиҳанинг АБТ га юкланади (3.2-шакл). Юқоридаги процедуралар бажарилганлигини тасдиқлаш учун ЛАОГ қишлоқларни танлаш жараёни натижаларини кўриб чиқади. Шундан кейин ЛАОГ 1а Компонентидан қишлоқларга тақсимланган маблағлари ҳақида ТЛҚ ва ҚИРЛ фасилитаторларига хабар беради.

#### **4. Қишлоқ сафарбарлиги**

Қишлоқ сафарбарлиги режалаштиришдан олдинги жуда муҳим босқич бўлиб, давлат маблағларини тақсимлаш тўғрисидаги қарорлар бутун қишлоққа ва ҚИРЛ бир қисми ҳисобланган инфратузилма/хизматларга энг муҳтож бўлганларга фойда келтиришини таъминлайди. Қишлоқ сафарбарлиги ҚФ (ҚМ кўмаги асосида) зиммасига юкланган бўлиб, турли тадбирларни ўз ичига олади:

- (а) МФЙ Ижроия Қўмитаси ва дахлдор жамоаларга дастурнинг барча жиҳатлари, шу жумладан дастурнинг мақсадлари, асосий иштирокчиларнинг мажбуриятлари, инфратузилма хиллари, инфратузилмани ривожлантиришдан ташқари бошқа тадбирларни, мониторинг ва ижтимоий аудитлар, шикоятлар механизмини тушунишлари учун ёрдам бериш.
- (б) Қишлоқларнинг ҳар бир маҳалласидаги мавжуд ресурсларни харитасини жамоавий равишда тузиш ва ҚИРЛ маблағларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш.
- (в) Мўлжалланган ижтимоий муҳофаза режалари учун турли хил ижтимоий-иқтисодий гуруҳларни аниқлашда иштирокчиларнинг фаровонлик таҳлилини ўтказиш.
- (г) ҳосил олиш табиати ва одамлар энг банд бўлган вақтларни аниқлаш учун мавсумий календарь (танланган жамоаларда).
- (д) соғлиқни сақлашнинг энг долзарб муаммоларини аниқлаш ва уларнинг оқибатлари ва олдини олиш усуллари тўғрисида билимларни ошириш учун (маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда) саломатлик таҳлили.
- (е) мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва уларга бориш масофалари билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш учун таълим тизимини (шу жумладан мактабгача ёшдаги болаларни ҳам) таҳлил қилиш.

---

вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш учун ўзаро мулоқот тизими жорий этилди ва қўлланди.

Ушбу иш ҚТР учун асос яратади (пастга қаранг), бу ўз навбатида, инфратузилмани ривожлантиришдан ташқари инфратузилма суб лойиҳаларининг устиворликлари ва қишлоққа хос фаолият учун кўлам яратади (масалан, соғлиқни сақлаш ва гигиена ҳақида маълумот бериш ва қишлоқ аҳолисини маҳаллий соғлиқни сақлаш марказлари билан боғлаш ёки маҳаллий ўқитувчилар ёки ёшлар ўзларининг ҳаётий кўникмаларини ошириш учун ёшлар учун ўқув машғулотларини ўтказадиган ўқув тўғарақлари каби).

Лойиҳа иккита гендер камчилигига: (i) овоз бериш ва жамоатчилик қарорларини қабул қилишда фуқаролар иштирокига ва (ii) хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратишга қаратилган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун лойиҳа аёлларнинг вакилликларини 50 фоизга етказишни мақсад қилиб қўйган. Бунга эришиш учун МТГ таркибига эркаклар ва аёлларнинг (18-30 ёш) ёшлар қуйи кўмиталари киради. Ушбу иккала қуйи кўмита МТГ билан бир вақтнинг ўзида сайланади. Лойиҳанинг амалга оширилишини мониторинг қилишда ўз вазифаларини бажаришлари учун ҚИРЛ Фасилитаторлари сайланган ёшларнинг қуйи кўмиталарини ўқитиб тайёрлайдилар.

Босқичма-босқич кўрсатмалар, жумладан жамоатчиликка тарқатилиши лозим бўлган плакатлар учун Жамоа сафарбарлиги бўйича Кўлланмага қаранг.

## **5. МТГ Сайлови ва Рўйхатдан Ўтказиш**

ҚИРЛ учун танланган жамоатчилик гуруҳлари Маҳалла Тараққиёт Гуруҳини сайлашлари керак. Ушбу босқичда, ҚИРЛ фасилитаторлари (ҚФ ва ҚМ) ҳар бир қишлоқда МТГ аъзоларининг вазифа ва мажбуриятларини тушунтириш учун бир қатор сайловолди учрашувларини ўтказадилар ҳамда Сайлов Кўмитаси ва Қишлоқ Жамоатчилик Мониторинг Кўмитасини ташкил этадилар. Ҳисоб-китоб мақсадлари учун иккинчи кўмита МТГ дан мустақил иш олиб бориши керак. МТГ ихтиёрий равишда хизмат кўрсатади. МТГ тенг миқдордаги эркаклар ва аёллардан иборат бўлади ва иккита асосий лавозимдан бири, раис ёки раис ўринбосари аёл киши томонидан эгалланиши керак. МТГ котиби эркак ёки аёл киши бўлиши мумкин. ҚИРЛ фасилитаторлари АБТ да юкланадиган, МТГ учун сайлов жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган ҚИРЛ 3.7 шаклни тўлдиришлари шарт.

ҚИРЛ да ягона МТГ сайлов процедураси мавжуд бўлиб, унга риоя қилиш талаб этилади. МТГ сайловининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- (a) Ҳар бир маҳалла битта эркак ва битта аёлни сайлайди (катта маҳаллалар қўшимча аъзоларни сайлайдилар).
- (b) Овозлар яширин овоз бериш орқали қабул қилинади.
- (c) Ҳар бир қишлоқда сайловни кузатиб бориш учун ҳар бир маҳалладан иккита аъзо, битта эркак ва битта аёлдан иборат Сайлов комиссияси тузилиши керак.
- (d) ҚФ лар сайлов жараёнини кузатадиган бетараф кузатувчилар ҳисобланади.
- (e) Сайловнинг ҳақиқий бўлиши учун ҳар бир маҳалланинг олтмиш фоизи (60%) овоз бериши керак.
- (f) МТГ ижро этувчи аъзоларини танлаш яширин овоз бериш йўли билан, умумий сайлов ўтказиладиган куни ўтказилиши афзалдир.

МТГ ҚИРЛ лойиҳа циклининг бутун муддатига, 3.8-шаклда келтирилганидек МТГ рўйхатга олинган кундан бошлаб сайланади.

Агар бир ёки бир нечта сайланган МТГ аъзоларининг МТГ аъзоси сифатида ўз ваколатларини тугатиш истаги ёки имконияти бўлмаса, қишлоқ Сайлов комиссияси ҚФ билан биргаликда бўш жойларни тўлдириш учун тегишли маҳаллаларда сайлов ўтказади. Агар ваколатларини топшираётган аъзо МТГ Ижроия кўмитасининг аъзоси бўлса, унинг

ўрнига сайланган янги аъзо автоматик равишда Ижроия Қўмитаси таркибига кирмайди. Бунинг ўрнига барча МТГ аъзолари, шу жумладан янги сайланган аъзо, бўш жойни тўлдириш учун ўзаро овоз беришади.

Битта ёки барча МТГ аъзолари коррупция, тил бириктириш ёки ўз вазифаларини суистеъмол қилганликлари учун лавозимидан четлатилиши мумкин. Аъзоларни четлатиш қишлоқдан ёзма шикоятлар келиб тушганидан кейин ҳукумат томонидан қишлоқ билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

(Изоҳ: сайловларга тайёргарлик, сайловолди учрашувлари ҳамда МТГ ва МТГ Ижроия қўмитасини сайлаш бўйича босқичма-босқич кўрсатмалар учун ҚИРЛ Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланмага қаранг).

### **МТГ вазифалари ва мажбуриятлари**

- ҚТР жараёнида барча маҳаллалар, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ва ҳк билан инклюзив консултациялар олиб бориш.
- ҚТР ни қабул қилинишига олиб келадиган инклюзив учрашувларга ёрдам бериш.
- Жамоатчилик таҳлилини ва ҚТР ни тушуниш.
- Қурилишни сифатли олиб бориш учун сублойихани амалга оширишни назорат қилиш.
- Сублойихаларни мониторинг қилиш, жумладан:
  - Муддатини
  - Қурилиш материалларини
  - Ишчи кучини
  - меҳнат амалиётлари
  - Саломатлик ва хавфсизликни
  - АМИСга мувофиқликни
- Жамоатчилик Мониторинги Гуруҳи томонидан ўтказилган ижтимоий аудитларида иштирок этиш.
- Суб лойихани амалга оширилишини жамоатчиликнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш.
- Вазирликлар ёки бошқа субъектлар томонидан ЭТХга мувофиқликни кузатиш ва керак бўлганда жамоатчиликнинг ЭТХ билан таъминлаш.
- МТГ фаолияти учун маблағ тўплаш.
- Турли хил кампанияларга кўмак бериш (масалан, тозалаш ишлари бўйича, кам таъминланган болалар учун таълимни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар).
- ЯБХИК томонидан ташкил этилган сублойихалар бўйича тендер комиссиясида иштирок этиш учун аъзо жўнатиш.

### **МТГ Ижроия қўмитасининг вазифа ва мажбуриятлари**

#### ***МТГ Раиси***

- МТГ-ни йўналтиради, бошқаради ва қўллаб-қувватлайди.
- МТГ нинг мунтазам учрашувларини олиб борилишини ва барча МТГ аъзоларининг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлайди.
- Барча жамоаларнинг, ҳамда ўртаҳол ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, шу жумладан бевалар, ногиронлар ва қарияларнинг иштирокини таъминлайди.
- Жамоатчиликнинг ривожланиш фаолиятини мувофиқлаштиради.
- ҚИРЛ Амалга ошириш Қўлланмасида кўрсатилган МТГ лар учун ишлаш қоидаларини қўллайди.
- МФЙ Ижроия Қўмитасини турли манбалардан (масалан, ҳукумат, ННТ лари, хусусий сектор) ресурсларни жалб қилишда қўллаб-қувватлаш.

- Давлат хизматларининг жамоатчилик мониторингини назорат қилиш.
- Барча давлат манбаларининг ҳимоячиси сифатида ҳаракат қилиш ва коррупцияни олдини олиш.
- Туман ва вилоят семинарларида иштирок этиш ҳамда жамоатчиликнинг ривожланиш бўйича ишлари билан бўлишиш.
- Жамоатда аёлларнинг ривожланиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш. (агар у аёл бўлса)
- Жамоат аёллари учун ташқи ривожланиш иштирокчилари билан биргаликда асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилиш (агар у аёл бўлса).

### ***МТГ Раисининг Ўринбосари***

*(Изоҳ: Агар МТГ раиси аёл киши бўлмаса, МТГ раисининг ўринбосари аёл киши бўлиши керак.)*

- Жамоатда аёлларнинг ривожланиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш. (агар у аёл бўлса)
- Жамоат аёллари учун ташқи ривожланиш иштирокчилари билан биргаликда асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилиш. (агар у аёл бўлса)
- Барча кўчаларнинг, ҳамда ўртаҳол ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, шу жумладан бевалар, ногиронлар ва қарияларнинг иштирокини таъминлайди.
- МТГ раисини барча давлат манбаларини ҳимоячиси сифатида қўллаб-қувватлаш ва коррупциянинг олдини олиш.
- Туман ва вилоят семинарларида иштирок этиш ҳамда жамоатчиликнинг ривожланиш бўйича ишлари билан бўлишиш.
- Раис йўқлигида, вақтинча вазифани бажарувчи сифатида фаолият кўрсатиш.

### ***МТГ Котиби***

- МТГ йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, мажлис баённомаларини тузиш ва барча МТГ аъзоларининг имзоларини қайд қилиш.
- Раис ўринбосари билан келишган ҳолда, муҳим дастурлар, қоидалар ва жамоатчилик ишларини оммалаштириш мақсадида барча эркаклар ва аёллар фойдалана оладиган эълонлар тахтасини яратиш.
- Бошқа воситалар орқали молиявий ва бошқа маълумотларни жамоатчиликка тарқатиш.
- Барча жамоатчилик тадбирларининг натижалари ва ҳужжатларини (масалан, оммавий манба хариталари) яхши ва қишлоқдаги барча фойдалана оладиган ҳолатда сақлаш.
- МТГ ёзишмаларини тайёрлаш.

### ***МТГ ёш эркаклар қўйи қўмитаси ва МТГ ёш аёллари қўйи қўмитаси***

- Жамоатчиликдаги ёш аёллар ва эркакларнинг тараққиёт истиқболларини тақдим этиш ва ривожланиш режаларига ёшлар қарашларининг киритилишини таъминлаш.
- Ўз-ўзига ёрдам бериш гуруҳларига ўз фаолиятини режалаштиришда ёрдам бериш ва керак бўлганда ресурсларни жалб қилиш.
- МТГ га ўз вазифаларини бажаришда ёрдам бериш.
- Ёшларга (эркаклар ва аёллар) маслаҳат берилишини ва уларнинг ишлар таркибига қўшилишини таъминлаш.

## **6. МТГ/МФЙ Салоҳиятини ривожлантириш: Биринчи машғулотлар тўплами**

ҚИРЛ нинг маҳаллий бошқарув мақсади, сайланган аъзоларни, яъни МФЙ ва МТГ аъзоларини, бошқарувнинг асосий жараёнларига ўргатиш учун мустаҳкам салоҳиятни ошириш жараёнини талаб қилади. Ушбу тренингларнинг баъзилари (3-жадвалда келтирилган) жараёнга йўналтирилган бўлади, баъзилари эса билим беришга асосланган

бўлади, масалан, ҚФ маълумот тўплашнинг асосий қоидалари, бухгалтерия ҳисоби, мониторинг, ЭТХ, Атроф-муҳит ва ижтимоий ҳимоя воситалари, табиий офатлар хавфини камайтириш ва шикоятларни кўриб чиқишга асосланган баҳам кўриш учун маъруза матнларини тақдим этадилар. Салоҳиятни ошириш бўйича асосий эътибор МТГ нинг вазифа ва мажбуриятларига, жамоавий учрашувлар ўтказишга, ҚИРЛ дастурининг мақсадлари ва тафсилотларига, ТЛҚ билан алоқа боғлашга, ресурсларни жалб қилишга, ижтимоий аудитга ва ҚИРЛ дастури билан боғлиқ низоларни ҳал қилишга, шунингдек ривожланиш ишларини ҚИРЛ дан ташқарида қандай амалга ошириш кераклигига қаратилади ва ҚИРЛ ни амалга ошириш жараёнининг турли босқичларда ўтказиб борилади.

<b>Билимлар узатиш</b>	<b>Жараёнга йўналтирилган</b>
1. МТГ вазифа ва мажбуриятлари	1. МФЙ ва МТГ да етакчилик бўйича тренинг
2. Маълумот йиғиш (МФЙ)	2. Ижтимоий сафарбарлик
3. Жамоавий йиғилишларни ўтказиш	3. Алоқалар ва ресурсларни жалб қилиш
4. МТГ нинг асосий бухгалтерия ишлари	4. ҚИРЛ ни тарқатиш
5. Қишлоқ лойиҳасининг мониторинги	5. Гендер масалаларини илгари суриш
6. Сублойиҳа операциялари ва техник хизмат кўрсатиш	6. Ижтимоий аудиторлик текшируви
7. Экологик ва ижтимоий хавфсизлик	7. ҚИРЛ билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш
8. Табиий офатлар хавфини камайтириш ва бошқариш	8. ҚИРЛ маблағларидан ташқари ривожланиш бўйича ишлар
9. Шикоятларни кўриб чиқиш	9. МТГ эркак ва аёл ёшларининг қуйи кўмиталари

#### **Камбағал қатламни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар.**

ҚИРЛ аҳолининг камбағал қатламини қўллаш бўйича тадбирларни ўз ичига олади. Булар МТГ ҳамда МТГ эркак ва аёл ёшларнинг қуйи кўмиталари кўмагида ўз-ўзига ёрдам бериш гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Бу тадбирлар ҚИРЛ фасилитаторлари томонидан олиб борилади ва уларнинг рўйхати Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланмада келтирилган.

МТГ нинг вазифа ва мажбуриятлари, маълумот тўплаш, жамоавий учрашувлар ўтказиш, шунингдек ижтимоий сафарбарлик, алоқа, ҚИРЛ ни тарқатиш, гендер масалаларини олға суриш ва ижтимоий аудит бўйича машғулотлар учун Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланмага қаранг. Жараёнга йўналтирилган машғулотлар ҚФ томонидан олиб борилади, аммо уларда МТГ аъзолари иштирок этадилар.

Салоҳиятни ошириш бўйича тадбирларнинг биринчи тўплами қуйида келтирилган, қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий ва ресурслар таҳлилинини ҳамда қишлоқ тараққиёти режаси бўйича машғулотларни бажариш учун зарур бўлган билим ва воситаларга қаратилади.

#### **7. Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ва ресурслари таҳлили**

ҚИРЛ ни қўллаб-қувватлаш гуруҳи МТГ аъзолари билан ишлайди ҳамда қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий шароити ва мавжуд активларини таҳлил қилиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширишга сафарбар этади. Ушбу фаолият қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (а) мавжуд инфратузилма, уй хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ерлари ва сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар хавфи мавжуд бўлган жойларни кўрсатадиган ресурслар харитасини яратишни;
- (б) қишлоқда мавжуд бўлган норасмий гуруҳларни аниқлаш (масалан, *гаиштак*)ни;

- (с) Нисбатан юқори, ўртача ва паст даромадли хонадонлар сонини, уларнинг қишлоқ бўйлаб жойлашишини, тирикчилик манбаи ёки даромад келтирадиган активларини аниқлайдиган фаровонлик таҳлилинини ўтказишни;
- (d) аҳолининг Лойиҳа тадбирларида қачон қатнашиши ва қачон улар бошқа иш билан банд бўлишларини кузатиш учун мавсумий календарларни тайёрлаш (фақат танланган қишлоқларда);
- (е) аҳолининг соғлиғи ва паст кўрсаткичларининг асосий сабабларини (масалан, тоза ичимлик сувидан фойдаланишнинг етишмаслиғи)ни аниқлаш учун тиббий таҳлил ўтказишни;
- (f) аҳолининг саводхонлигини ва ночорликнинг асосий сабабларини аниқлаш учун саводхонлик таҳлилинини ўтказишни (масалан, мактабгача таълим муассасаларга қатнамайдиган болали хонадонларда).

ҚИРЛ фасилитаторлари АБТ га юкланадиган ижтимоий-иқтисодий манбаларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштирадиган ҚИРЛ нинг 3.9 шаклни тўлдиришда МТГ га ёрдам беради.

Эслатма: юқорида тавсифланган ҳар бир тадбир бўйича босқичма-босқич кўрсатмалар учун ҚИРЛ Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланмага қаранг.

## **8. Қишлоқ Тараққиёти Режаси**

ҚИРЛ фасилитаторлари, қишлоқ аҳолиси, барча МТГ аъзолари ва МФЙ Қишлоқ Тараққиёти Режасини тузиш учун жамоавий режалаштириш бўйича тадбирда қатнашадилар. Ушбу тадбир учун қишлоқнинг ҳар бир маҳалла (кўча) сидаги хонадонларнинг камида 50 фоизи қатнашиши керак. Қишлоқ йиғилиши олдидан ёш аёллар, ёшлар, ногиронлар ва қишлоқнинг бошқа ҳимояга муҳтож аъзолари учун махсус учрашувлар ўтказилади.

Режалаштириш бўйича тадбир/учрашув дастлаб ресурсларни харитага тушириш, фаровонликни таҳлил қилиш, мавсумий календар, саломатлик ва саводхонлик таҳлил қилиш бўйича барча натижаларни кўриб чиқади, умумлаштиради ва тақдим этади, сўнгра қишлоқ учун қараш яратади. Сўнгра, яратилган қараш муҳим босқичлар ва тадбирларга бўлинади. Бу қарашга эришиш ва ҳар бир босқичнинг қандай қилиб молиялаштирилишини аниқлашга ёрдам беради. ҚТР ҚИРЛ, бошқа донорлар ёки қишлоқнинг ўзи томонидан молиялаштириладиган босқичларни ташқи молиялаштириш манбаларисиз аниқ ажратиб олади.

### **8.1 ҚТР устуворликлари ва потенциал ижтимоий ва атроф-муҳит таъсирига асосланган суб лойиҳаларни муҳокама қилиш**

ҚТР ишлаб чиқилгандан сўнг, ҚМ МТГ аъзолари ва қишлоқ аҳолиси билан биргаликда ҚИРЛ орқали молиялаштиришни устувор қўйиш учун ҚТР муҳим босқичларини кўриб чиқиш ва уларга эришиш мақсадида суб лойиҳани лойиҳалаш вариантларини аниқлаш учун ишлайди. Сублойиҳани лойиҳалаштириш вариантлари ҚИРЛ ни молиялаштириш учун талабларга мос бўлиши керак (масалан, истисно рўйхатида бўлмаслиғи керак) ҳамда ижтимоий ва экологик таъсир ва нарх ўзгаришини ҳисобга олиши керак. ҚИРЛ фасилитаторлари қишлоқ аҳолисини ижтимоий ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган ёки минимал салбий таъсир кўрсатадиган лойиҳа вариантларини устун қўйишларини рағбатлантирадилар ва қишлоқ аҳолиси ўз қишлоқларига ажратилган маблағлар ҳажминини аниқ билишини ва ҚИРЛ томонидан молиялаштирилиши керак деб белгиланган сублойиҳанинг ушбу молиялаштириш суммасига мос келишини тушунишларини таъминлаши керак.

Режалаштириш бўйича тадбир ривожланиш устувор омиллари бўйича келишувга эриша олинмаган тақдирда, лойиҳалар устуворлигини белгилаш учун кўп рангли стикерлар ёрдамида овоз берилади (масалан, биринчи устуворлик учун яшил, иккинчиси учун сариқ ва бошқалар). Қатнашаётган барча қишлоқ аҳолиси ушбу стикерлардан фойдаланиб, сублойиҳанинг устувор йўналишларини кўрсатадилар. ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ га бюллетенларни санаб ёрдам беришади ва қишлоқ аҳолиси томонидан танланган ҚТР нинг устувор сублойиҳаларини хужжатлаштиради.

ҚТР режалаштириш тадбирининг натижаси МТГ ва ҚИРЛ фасилитаторлари томонидан имзоланган баённома кўринишида қайд этилиб, унда барча маҳалла (кўча) лар томонидан таклиф қилинган устуворликларни тушунтиришдан бошлаб якуний, устувор сублойиҳалар рўйхатни тасдиқлашгача бўлган жараён ҳақида батафсил маълумот берилади. Ушбу баённома учун шаблонни 3.10 шаклда келтирилган. ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ га ҚТР ни 3.10 шаклидан фойдаланиб тўлдиришга ва уни АБТ га юклашда ёрдам беради. ҚТР нусхаси МТГ раисидан сақланади. МТГ қишлоқ аҳолисига ҚТР лойиҳаси лойиҳани молиялаштиришни тасдиқлаш учун ТЛҚ томонидан кўриб чиқилиши ҳақида хабар бериши керак.

## **8.2 ТЛҚ даражасида ҚТР ни муҳокама қилиш**

МТГ ҚТР лойиҳасини ва ҚИРЛ томонидан молиялаштириш учун таклиф қилинган сублойиҳаларни ТЛҚ га кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш мақсадида қуйидагиларни тасдиқлаш учун тақдим этади: (i) таклиф этилаётган сублойиҳалар бошқа давлат дастурларида режалаштирилган инвестицияларни такрорламаслигини ва (ii) туман ҳокимиятидан қўллаб-қувватлашни талаб этадиган ЭТХ режаларини. Муҳокама қилинадиган асосий фикрлар ва қарорлар ТЛҚ, МТГ ва ҚИРЛ фасилитаторлари ўртасидаги учрашув баённомаларида, шу жумладан сублойиҳаларнинг ЭТХ режалари бўйича шартномаларида ҳам акс эттирилиши керак.

Агар ҚТР ТЛҚ билан муҳокама натижасида қайта кўриб чиқилса, МТГ сублойиҳанинг устувор томонларини батамом тасдиқлашни таъминлаш учун қишлоқ аҳолиси (барча хонадонларнинг камида 50 фоизи) ўртасида учрашув ташкил қилади. ҚТР ва 3. 10 шакли мос равишда янгиланади.

## **9. Сублойиҳани лойиҳалаштириш**

### **9.1 Экологик ва ижтимоий муҳофаза чоралари бўйича скрининг**

Ушбу бўлимда 6-бобда тавсифланган сиёсат ва жараёнлар ҳамда Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асосий модели (АМИМЧБАМ) билан Кўчириш режасининг асосий модели (КРАМ) умумлаштирилган (1 ва 2-иловалар).

- ҚИРЛ томонидан молиялаштириладиган ҚТР таркибидаги сублойиҳа (лар) тасдиқланса, ЯБХИК ва МТГ аъзолари ҚФ ва ҚМ лар ёрдамида, АМИМЧБАМ 1. 1-шаклидан фойдаланиб, юзага келиши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий таъсирларни аниқлаш учун сублойиҳаларни текширадилар ва 1. 1-шаклини ЛАОГ нинг вилоят АМИМ мутахассисига юбордилар.
- ЛАОГ нинг вилоят АМИМ мутахассиси АМИМЧБАМ 1.1-шаклдаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир сублойиҳанинг тоифасини, талаб қилинадиган атроф-муҳит ва ижтимоий таъсирни баҳолаш (АМИТБ) доирасини ва тегишли химоя чоралар хужжатларини (АМТБТАЛ/ ЭОТЛ/ жойлашувга боғлиқ АМИБР/ АМИБР сўров варақаси/сўровнома кабиларни) белгилайди, бу хужжатлар эса лойиҳалаштириш корхонаси ва ЯБХИК ўртасидаги шартномага мувофиқ, ЯБХИК номидан лойиҳалаштириш корхонаси томонидан тўлдирилиши керак.

- Талаб этилган АМИТБ ва хавфсизлик чоралари бўйича ҳужжатлар ТВ таркибига сублойихани тузиш шартномаси учун киритилади. Муҳим экологик ва ижтимоий таъсирга эга бўлган сублойихалар учун Вилоят АМИМ мутахассиси Тошкентдаги ЛАОГ АМИМ мутахассиси билан маслаҳатлашади.

Лойиҳаолди ва лойиҳалаштириш билан боғлиқ харажатлар (масалан, рухсатнома олиш, АМИТБ ни ўтказиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш воситаларини ишлаб чиқиш) Лойиҳа ёки ЯБХИК томонидан вилоят ҳокимиятининг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

## **9.2 Дастлабки рухсатнома ҳужжатларини тайёрлаш**

ИТВ ва вилоят ҳокимиятлари ўртасидаги Ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ ЯБХИК қуйидаги дастлабки рухсатнома ҳужжатларини тайёрлашга жавобгар бўлади:

- ер участкалари ва муҳандислик тармоқларида топографик-геодезик қидирув ишлари;
- қайта қуриш ёки қуриш учун рухсатнома;
- Архитектуравий Режалаштириш Вазифалари (АРВ I ва II босқичлари) ва объектларни қишлоқнинг Умумий режасига жойлаштиришнинг режасини;
- маҳаллий қурилиш меъёрларига мувофиқ бўлган бошқа ҳужжатлар.

Ушбу ҳужжатлар лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини бажариш учун тендер пудратчиларига талаб қиланадиган ҳужжатларининг ажралмас қисми саналади.

Дастлабки рухсатнома ҳужжатлари учун тўлов вилоят ҳокимияти томонидан ЎРХ нинг ҳиссаси сифатида амалга оширилади. ЯБХИК юқорида кўрсатилган дастлабки ҳужжатларни, тасдиқланган ҚТР олинган кундан бошлаб, 20 иш кунидан ошмаган муддатда тайёрлаши керак.

## **9.3 Сублойиҳа лойиҳалаштирилишини харид қилиш ва амалга ошириш**

- ЯБХИК Харидлар бобида кўрсатилганидек танлов асосида, битта қишлоқ учун битта лойиҳалаштириш корхонасини танлаб олади. Лойиҳалаштириш корхонаси лойиҳалаштириш шартномасида кўрсатилганидек, лойиҳа-смета ҳужжатлари (ЛСХ) ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқади. ЯБХИК тегишли ташкилотларнинг экспертизаси ва тасдиғини олишда ёрдам беради.
- Керакли ЭБ ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг, улар жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Жамоатчилик билан маслаҳатлашиш жараёнида тайёрланган ҳужжатлар барча манфаатдор томонлар ва маҳаллий аҳолига уларни Интернетда жойлаштириш ҳамда маҳаллий кенгашларга тақдим этиш орқали тарқатилади. Халқ йиғилишларининг баённомалари якуний АМИБР лар ёки АМИБР назорат варақаларига киритилади ва уларда сақланади-
- ЛАОГ вилоят атроф-муҳит ва ижтимоий ҳимоя чоралари бўйича мутахассиси (АМИМ) лойиҳалаштириш корхонаси томонидан тайёрланган АМИТБ ва ЭБ ҳужжатларининг сифатини кўриб чиқади ва керакли рухсатнома ҳамда тасдиқларнинг олинганлигини текширади. Муҳим атроф-муҳит ва ижтимоий таъсирга эга бўлган сублойиҳалар учун Вилоят АМИМ томонидан баҳолаш натижаларига Тошкентдаги ЛАОГ АМИМ томонидан аниқлик киритилади. ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассиси жойларга ташриф буюради, ЯБХИК/ лойиҳалаштириш корхонаси томонидан тақдим этилган экологик ва ижтимоий маълумотларни текширади, енгиллаштирувчи чораларни аниқлашга ёрдам беради ва белгиланган атроф-муҳит тоифаси мослигини ҳамда АМИБР нинг мувофиқлигини тасдиқлайди. Топилмалар АМИМЧБАМ нинг 1. 3 шаклида тақдим этилади.

- ЖБ ҳар бир иштирок этувчи вилоятдаги дастлабки учта сублойихадан АМИТБ/ АМИБР ларни олдиндан кўриб чиқади. Кейинчалик, ЖБ нинг олдиндан қилинадиган таҳлили фақат Б тоифасига кирувчи ва қисман АМИТБ ва АМИБР ни талаб қиладиган сублойихалар учун зарур бўлади.
- Барча сублойихавий тендер ҳужжатларида АМИБР ёки АМИБР назорат рўйхати/варағининг тадбиқ этилиши талабнома сифатида киритилади ва ҳужжатлар тендер ҳужжатларига, сўнгра қурилиш шартномаларига илова қилинади.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажариш жараёнида лойиҳалаштириш корхонаси ишчи чизмалар, ишлатиладиган структура ва материалларга мувофиқлик юзасидан доимий равишда бошқарув назоратини олиб бориши шарт. Қутилмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда (Ўзбекистон ҳудудида режалаштирилган товар ва айрим материаллар турлари йўқлиги) техник қарорлар қабул қилинади ва техник лойиҳага ўзгартиришлар киритилади (техник чизмалар).
- Лойиҳалаштириш корхонаси МТГ га жамоатчилик фикрини олиш учун дастлабки сублойихаларнинг лойиҳасини тақдим этади. Лойиҳалаштириш корхонаси, иложи бўлган ҳолларда, аҳолининг таклифларини қабул қилади ва кейин МТГ якуний лойиҳага имзо чекади.
- ЛСХ лар ЯБХИК га топширилади ва лойиҳалаштириш босқичи тугагандан сўнг қурилиш шартномаларини тендердан ўтказиш учун ишлатилади.
- ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ нинг малакали вакиллари тендер комиссиясида ҳам, лойиҳа бўйича хизматларни харид қилишда ҳам кузатувчи сифатида иштирок этишларини таъминлашади.

#### **10. МТГ/ МФЙ Салоҳиятини ошириш бўйича тренинглarning иккинчи тўплами ва биринчи Ижтимоий аудит**

МТГ/ МФЙ салоҳиятини ошириш бўйича тадбирларнинг иккинчи тўплами ҚИРЛ нинг сублойиҳасидаги харидлар ва амалга ошириш ишларини мониторинг қилиш учун зарур бўлган билимлар ва воситаларга ҳамда 24 ой давомида амалга ошириш учун зарур бўлган учта ижтимоий аудитнинг биринчисини ўтказишга қаратилган.

Ижтимоий аудитнинг мақсади - барча маҳаллалардан бўлган жамоатчилик аъзоларига ҚТР да белгиланганидек, лойиҳага ажратилган маблағлар, янги ёки янгиланган инфратузилманинг жойлашуви ёки муайян инфратузилма ва хизматларга эга бўлмаган бошқа маҳаллалар билан алоқаси ҳамда МТГ нинг умумий ютуқлари (ҚТР билан бирга) тўғрисида маълумот беришдир. Ижтимоий аудит, шунингдек, инфратузилманинг сифати, у халқ кутганидек бўлиш бўлмаслигини ёки инфратузилмага маҳаллий ҳамжамият, вазирлик томонидан муносиб равишда хизмат кўрсатилиши ёки бундай хизмат кўрсатилмаслигини ҳам эътиборга олади (қайси бир режа тегишли бўлса). Ижтимоий аудит, МТГ лар уларни сайлаган одамлар учун ошкора ва ҳисобли бўлишини ҳамда қурилиш фирмаларининг ўз ишларини тўғри бажаришини таъминлайди.

Ижтимоий аудитлар очик форумлар шаклида ўтказилади, унда ТЛҚ ва МТГ лар номидан вакиллик қилаётган туман ҳокимиятлари лойиҳани амалга ошириш даврида, йилига камида икки маротаба, жамоачиликка ютуқлар, муаммолар ва ишончли маълумотлар тўғрисида ҳисобот беришади. Ижтимоий аудит жараёнида пудратчи ва бенефициарлар иштирок этадилар. Ижтимоий аудит жараёни барча маҳаллаларни камраб олганлигини ва барча ҳимояга мужтож гуруҳларнинг йиғилишда иштирок этишини таъминлаш учун ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ ларга бу йиғилишларни ўтказишга ёрдам беради. МТГ ҚТР жараёнини қайта кўриб чиқади ҳамда қарорлар пастдан юқорига қараб қабул қилингани ва жамоатчилик аъзолари томонидан қабул қилинган қарорлар кетма-кетлиги мавжудлигини тасдиқлайди; ТЛҚ лар ва пудратчилар Лойиҳа билан боғлиқ харажатларни тушунтирадилар. Шаффофлик ижтимоий аудит учун асосий параметр бўлади. ҚИРЛ фасилитаторлари кишлоқ

аҳолиси, МФЙ вакиллари ва 50 фоиз аёллардан иборат бўлган туман ижро этувчи жамоатчилик вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш учун логистик ёрдам кўрсатадилар. Ҳар бир ижтимоий аудит якунида натижаларни умумлаштирувчи баённома тузилади ва МТГ аъзолари, ҚИРЛ фасилитаторлари ва ЛАОГ нинг вилоят АМИМ томонидан имзоланади. ҚИРЛ фасилитаторлари ҚИРЛ нинг ба ёки бб шаклларини тўлдирадилар ва уларни ҳар бир ижтимоий аудит якунида АБТ га юклайдилар.

Биринчи ижтимоий аудит МТГ сайловидан олти ой ўтгач, режалаштириш жараёнининг сифати ҳамда МТГ аъзолари ва ҚИРЛ фасилитаторларининг иш фаолияти ҳақидаги одамларнинг фикрини ўрганиш учун ўтказилади. Ижтимоий аудитнинг босқичма-босқич кўрсатмалари учун Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланмага қаранг.

## **11. Сублойиҳа Харидлари**

ЯБХИК ЛАОҚ нинг V бобида тасвирланганидек, сублойиҳа харид ишларини таъминлайди.

## **12. Сублойиҳани амалга ошириш ва назорат қилиш**

Сублойиҳани амалга ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар Инфратузилманинг техник йўриқномасида келтирилган. Ушбу босқичда амалга ошириладиган асосий тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ЛАОГ нинг вилоят АМИМ АМИБР лар/ АМИБР назорат варақалари тўғри тадбик этилаётганига ишонч ҳосил қилиш учун қурилиш ва фойдаланиш жараёнида сублойиҳаларни доимий равишда мониторинг қилади. Агар ЛАОГ нинг вилоят АМИМ лари амалга ошириш жараёнида бирон бир муаммони сезса, улар тегишли пудратчига хабар беришади ва тузатиш чораларини кўришади. Агар жойларга ташриф буюриш натижасида атроф-муҳит ёки ижтимоий риск ҳолатлари аниқланса, пудратчи иш жойларига таълуқли АМИТБ ва/ёки АМИБР ни тайёрлаш учун маслаҳатчини ёллайди. АМИТБ харажатлари, зарур бўлса, ретроактив равишда сублойиҳа харажатлар таркибига киритилиши мумкин.
- Сублойиҳа пудратчилари томонидан келишмовчиликлар юзага келганда, ЛАОГ нинг вилоят АМИМ келишмовчилик моҳиятини ва сабабларини ўрганади ҳамда Тошкентдаги ЛАОГ АМИМ билан маслаҳатлашган ҳолда, мувофиқликни қандай таъминлашни ёки молиялаштиришни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади.
- ЯБХИК ва қишлоқ учун тайинланган ҚИ ходимлари пудратчи билан биргаликда, доимий равишда сублойиҳани амалга оширилишини назорат қилиб борадилар. ЛАОГ нинг ТР ушбу жараёнига назорат қилади. Қурилиш вазирлиги ва ҚСХНИ қошидаги Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси лойиҳалаштириш ва қурилиш босқичларида техник назоратни амалга оширади (31.07.2018 йилдаги 603-сонли ЎРХ қарорига биноан ташкил этилган ва 4а - иловада, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида, келтирилган). Шунингдек, ҚСХНИ, ЯБХИК ва ТР лойиҳалаштириш ташкилоти/корхонаси томонидан доимий равишда бошқарув назорати остида бўлади ва амалдаги қурилиш меъёрларига мувофиқ сифат назорати билан таъминланади.
- ЯБХИК пудратчиларга Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси ва бошқа тегишли идоралардан зарур рухсатномалар ва тасдиқларни олишда ёрдам беради.
- Агар амалга ошириш босқичида иш ҳажми ёки тури ўзгартирилса, пудратчи Атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳаси (АМТБТАЛ) ни ишлаб чиқиши керак.
- Қурилиш ёки қайта қуриш ишлари жараёнида, экологик ёки ижтимоий қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, маълумотнома ёзилади ва пудратчи, МТГ аъзоси, қишлоқдан иккита холис гувоҳлар ва вилоят АМИМ томонидан имзоланади (ЭИС 1. 6 - шакли шаблонга қаранг) ва тегишли чораларни кўриш учун маҳаллий Экология бошқармага тақдим этилади.

- Сублойихани амалга оширишдаги мониторинг ЛАОГ вилоят техник раҳбарлари томонидан мунтазам текширувлар билан бирга, ЯБХИК муҳандислари ва МТГ нинг ўргатилган аъзолари томонидан амалга оширилади.
- МТГ қурилиш лойиҳаларини, шу жумладан пудратчи материаллар ва ишчи маҳсулотлар сифати, муддат кечикишлари, шартнома қоидалари ва тартибларининг бузилишини доимий равишда кузатиб боради.
- Асосий инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилишга тайёрлаш, ташкил этиш ва амалга оширишнинг барча босқичлари Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига; Ўзбекистон Республикасининг Ягона қурилиш қоидаларига, ШНҚ 1.03.07-2010 "Қурилишда лойиҳалаштириш ва техник назорати тўғрисидаги низом"ига, ШНҚ 1.01.01-2009 "Қурилишда меъёрий ҳужжатлар тизими" да белгиланган Қурилиш қоидалари ва нормаларига қатъий риоя қилади.

### **13. Иккинчи ижтимоий аудит**

Иккинчи ижтимоий аудит МТГ сайловидан кейин тахминан 12 ой ўтгач, сублойихани амалга ошириш сифати ва ушбу лойиҳа одамларнинг талабларига жавоб бераётгани ёки йўқлиги, шунингдек МТГ аъзолари ва ҚИРЛ фасилитаторлари ишларининг умумий натижаларига қаратилади.

Ижтимоий аудитнинг босқичма-босқич кўрсатмалари учун Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланмага қаранг.

### **14. Сублойихани яқунлаш, топшириш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш**

Сублойихани амалга ошириш ва яқунлаш имзоланган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади. Тугалланган сублойихани қабул қилиш тартиби ШНҚ 3.01.04-04, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 25 декабрдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Тугалланган қурилиш лойиҳаларини қабул қилиш " да белгиланган. (Инфратузилманинг техник йўриқномасининг "Ишга тушириш бўйича умумий қоидалар" и ҳақидаги 8-илоvasи ва "Ишчи қабул комиссиясига ёки Давлат қабул комиссиясига тақдим этиладиган мажбурий ҳужжатлар ва далолатномалар рўйхати" ҳақидаги 9-иловага қаранг, ШНҚ 3.01.04-04, 13-бет)

ЯБХИК ва унинг пудратчилари барча лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида топширишга жавобгардирлар. Топшириш жараёни қуйидагича текширилади ва сертификатланади:

- Лойиҳалаштириш корхонаси қурилишнинг лойиҳага мувофиқлигини тасдиқлайди.
- ЯБХИК лойиҳа пудратчилари, лойиҳалаштириш корхона (лари) ва туман ёки вилоят ҳокими томонидан тайинланган тегишли маҳаллий ҳокимият амалдорлари вакилларида иборат комиссияни тузади. МФЙ/МТГ вакили туман ёки вилоят ҳокими билан келишилган жамоатчиликнинг истақларини текшириш учун комиссияга қўшилиши мумкин.
- Комиссия томонидан муваффақиятли сертификатдан ўтгандан сўнг, ЯБХИК ШНҚ 3.01.04-04 бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларни сублойихани тегишли тармоқ агентлигига топшириш учун туман ёки вилоят ҳокимиятининг Давлат қабул комиссиясига топширади. Давлат қабул комиссияси қўшимча лойиҳани тегишли ташкилотга эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш учун топшириш тўғрисида қарор қабул қилади.

### **15. Учинчи ижтимоий аудит ва МТГнинг Институционал Етуқлигини Баҳолаш**

Учинчи ижтимоий аудит МТГ сайловидан кейин тахминан 18 ой ўтгач амалга оширилади ҳамда унда тугалланган ва топширилган сублойхаларнинг сифатига эътибор қаратилади. Ушбу якуний ижтимоий аудит, шунингдек ҳар бир сублойиха учун ўрнатилган ЭТХ режаларининг ишлашини текширади.

Институционал Етуклик Индекси вақт ўтиши билан ҳамда ҚИРЛ томонидан олиб борилган тренинг ва салоҳиятни қўллаб-қувватлаш натижасида МТГ салоҳиятининг ўзгаришини баҳолашда фойдаланиладиган воситадир. Институционал Етуклик Индекси - бу ўзини ўзи баҳолаш воситаси бўлиб, у нафақат МТГ ларнинг имкониятларини баҳолайди, балки МТГ лар ўзини акс эттириш жараёни орқали ўргатиш учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг ўз ишлари давомида фойда ва ўзаро сифатлари мулоқот ҳисобга олинади. Институционал Етуклик Индекси, шунингдек, ҚИРЛ нинг тренинг ва салоҳиятни ошириш тадбирларининг самарадорлигини аниқлаш ва келажакдаги лойиха цикллари учун зарур бўлган ўзгариш ва ўзгартиришларни аниқлаш учун ишлатилади.

Ижтимоий аудитни ўтказиш ва институционал етукликни баҳолаш бўйича босқичма-босқич кўрсатмалар учун Жамоа сафарбарлиги бўйича қўлланмага қаранг.

## V. COVID-19-га тегишли ҚИРЛни амалга ошириш циклига мослашув

### Маълумот ва мақсад

ҚИРЛ жамоатчилиқни сафарбар қилиш жараёни 2019 йил кузида ишлаб чиқилган, синовдан ўтган ва аниқ белгиланган ва кўп сонли одамларнинг бирлашиш, жамоавий таҳлилга киришиш қобилиятига (масалан, жамоат хариталарини яратиш ва ижтимоий-иқтисодий матрицалар), жамоатчилик даражасидаги сайловларда овоз бериш ва ҚИРЛ томонидан молиялаштирилган асосий инфратузилма ва хизматларга қўйи лойиҳавий инвестицияларни белгилайдиган жамоат қарорларини қабул қилиш жараёнларида иштирок этишни кўзда тутди. Бироқ, COVID-19 вирусининг тез тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, шаффофлик ва ҳисобдорликни сақлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва заиф гуруҳлари ва уй хўжалиқларини қишлоқ жамоаларига киритишни таъминлаган ҳолда лойиҳанинг 1-таркибий қисмига мос келадиган ёндашувни ишлаб чиқиш зарур бўлди.

COVID-19 жамоатчилиқни сафарбар қилиш бўйича қўлланма ходимларни COVID-19 пандемияси даврида ҚИРЛ ижтимоий сафарбар қилиш жараёнини амалга оширишда йўриқнома бўлиши учун ишлаб чиқилган.

### COVID-19 туфайли ҚИРЛни амалга ошириш циклига мослашувларнинг қисқача мазмуни

ҚИРЛ COVID-19 дастурининг цикли юқоридаги IV бобда тасвирланган худди шу 15 босқични бажаради, аммо МТГ сайловлари ва ижтимоий-иқтисодий таҳлиллар, қишлоқларни ривожлантиришни режалаштириш ва жамоатчилик иштирокидаги мониторинг машғулотида кўзда тутилган катта йиғилишларни тўхтатади. COVID-19 пандемияси пайтида номзодларни кўрсатиш жараёни орқали "вақтинчалик МТГлар" (В-МТГ) ташкил этилади ва жамоат машғулотида жамоат доирасидаги турли манфаатдор томонлар, шу жумладан аёллар, ёшлар, камбағал уй хўжалиқлари ва маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашувларни ўз ичига олган кичик учрашувлар орқали амалга оширилади. Кичик йиғилишлар соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик бўйича кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилади, улар ижтимоий масофани сақлаш чоралари ва лойиҳа манфаатдорлари томонидан тиббий ниқоблар / шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади. COVID-19 даврида ҚИРЛни амалга ошириш цикли ушбу ЛАОҚга 11-иловада келтирилган COVID-19 жамоатчилиқни сафарбар қилиш қўлланмасида батафсил тавсифланган. Лойиҳани амалга ошириш бўйича COVID-19 билан боғлиқ соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш чоралари янгиланган Атроф-муҳит ва Ижтимоий Бошқариш (АМИМЧБАМ) да баён этилган.

Мослаштирилган ёндашув маълум бир вақтда ҚИРЛ иштирок этиш жараёнларида шахсан иштирок этиши мумкин бўлган одамлар сонига чекловлар қўйишига қарамай, у лойиҳанинг асосий тамойилларига ўзгариш киритмайди, шу жумладан:

- етакчиларга (эркаклар ва аёллар) асосий масалаларни ўйлаб кўришга ва ўз маҳаллаларини намоёни этишга ёрдам бериш учун ривожланиш жараёни ташқи томондан осонлаштирилади (ҚФ ва ҚМлар томонидан);
- Масъулиятли ва ҳисобдор вакилликни таъминлаш учун жамоа раҳбарлари вақтинча Маҳалла тараққиёт гуруҳларини (В-МТГ) туздилар ва улар иштирок этувчи қишлоқлар ичидаги барча маҳаллалар номидан ишлаш имкониятига эга бўладилар;
- Истикболли режалаштириш ва амалга оширишда жамоадаги барча маҳаллаларнинг эҳтиёжлари, хусусан, заиф уй хўжалиқлари ва гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши керак;
- Жамият раҳбарияти аёлларни ўз ичига олиши керак;

- ҚИРЛ орқали молиялаштириш учун танланган суб-лойихалар бўйича қарорлар шаффоф воситалар орқали етказилиши керак;
- Ушбу қарорлар бўйича жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини билиш зарур;
- Жамоатчилик мониторинги ва шикоятларни кўриб чиқиш ушбу жараённинг бир қисми бўлиши керак.

### **Қўллаш муддати**

COVID-19 ҚИРЛ дастурининг цикли, шу жумладан COVID-19 Жамиятни сафарбар қилиш бўйича қўлланма, ушбу ЛАОҚ кучга кирган кундан бошлаб ва ушбу ЛАОҚ қайта кўриб чиқилган вақтгача амал қилади. Амалий маънода, COVID-19 мослашуви барча лойиҳа ҳудудлари ва туманлари учун амал қилади ва тахминан 150 та қишлоқнинг биринчи цикли учун 2020 йил охири ва 2021 йил бошларида жамоа сафарбарлик ишлари шарҳланиши кутилмоқда.

## **VI.ХАРИДЛАР**

6.1 Лойиҳага тааллуқли харидлар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҚИРЛ юқори 1-бўлимда тасвирланганидек иккита компонентдан иборат.

1а компоненти бўлган "Бош инфратузилма ва хизматларга талабга асосланган инвестициялар" бўйича харидлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил апрел ойида қабул қилинган Давлат Харидлари тўғрисидаги Қонунида (ДХК) белгиланган ҳамда қўшимча равишда Ривожланиш учун Харидлар Стратегиясида баён қилинган тартибларга амал қилади ва улар қуйида умумлаштирилган.

1б-компонент ва 2-компонент бўйича барча ишларни, товарларни ва консалтинг бўлмаган ва консалтинг хизматларини хариди Жаҳон банкининг *ИЛМ (Инвестиция Лойиҳасини Молиялаштириши)* қарз олувчилари учун *Харид тўғрисидаги қоидаларига* (2016 йил июл, 2017 йил ноябр ва 2018 йил августда қайта кўриб чиқилган) амал қилади ва шунингдек, Банк томонидан қабул қилинган *Коррупцияга қарши кўрсатмаларига* (2016 йил июл) бўйсунади.

### **а. Харидлар тамойиллари**

Барча товарлар, ишлар ва консалтинг хизматларини харидида қуйидаги тамойиллар қўлланилади ва энг яхши нарх ва сифат нисбатини олиш учун барча саъй-ҳаракатлар бажарилади:

- лойиҳани амалга оширишда, шу жумладан жалб қилинган товарлар ва хизматларни харидида тежамкорлик ва самарадорлик зарурлиги
- харидлар жараёнида ошкораликнинг муҳимлиги
- юқори сифатли хизматларга эҳтиёж
- тежамкорлик ва самарадорликка эҳтиёж
- барча тегишли маслаҳатчиларга хизматларни тақдим этишда рақобатлашишга имконият бериш зарурати
- танлов жараёнида ошкораликнинг зарурлиги

### **б. Ривожланиш учун Харидлар Стратегияси ва Харидлар режаси**

ЛАОГ томонидан 2019 йил октябр ойида ишлаб чиқилган Ривожланиш учун Харидлар Стратегияси (РУХС), харид фаолияти лойиҳанинг ривожланиш мақсадларини қандай қўллаб-қувватлаши ва энг яхши нарх ва сифат нисбатини қандай етказиб бериши ҳақида маълумот беради. Турли даражаларда, шу жумладан мавжуд муҳандислик компаниялари, Ҳокимиятлар ва ИТВ томонидан ўтказилаётган ҳажмни баҳолаш, лойиҳа билан боғлиқ харидларни амалга оширишда иштирок этган ва жавобгар бўлган манфаатдор томонларни аниқлашга ёрдам берди (пастга қаранг). РУХС шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бошқариш, харидларни тартибга солиш, шартномаларни бошқариш ва ҚИРЛ билан боғлиқ бўлган умумий бозор таҳлилини ўз ичига олади.

РУХС Харидлар режасидаги (ХР) танлаш усуллари талабга мос даражада асослаб берди. РУХС 5-иловада ва ХР 6-иловада келтирилган.

### **с. Асосий манфаатдор томонларнинг ўрни ва мажбуриятлари (ЛАОГ ва ЯБХИК)**

ЛАОГ ("ишчи орган"), ИТВ вакили сифатида, ҚИРЛ бўйича амалга ошириладиган харид жараёнларини ташкил этиш ва назорат қилиш учун тўлиқ жавобгарликка эга. ЛАОГ, ИТВ билан келишган ҳолда қуйидагиларни бажаради:

- Харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улар учун рухсат олиш.

- Харидлар бўйича ҳужжатларни харидлар тўғрисида эълон бериш ёки иштирок этиш учун таклифномалар юбориладигандан санадан етти иш кўни олдин Харидлар Комиссиясига кўриб чиқиш учун юбориш.
- Харидлар бўйича барча ҳужжатларни Харид комиссияси аъзоларига конфиденциал тарзда тарқатиш.
- Оммавий ахборот воситаларида эълон бериш ва/ёки таклифномаларни тарқатиш.
- Харид шартларини тушунтириш учун иштирокчилар билан ўз вақтида ёзишмалар олиб бориш.
- Талабгорларни харид (тендер) ҳужжатлари билан таништириш.
- Иштирокчиларнинг аризаларини (таклифларини) қабул қилиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш, хавфсизлик ва махфийлигини таъминлаш.
- Талабгорлардан тақдим этилган аризаларни (таклифларни) баҳолаш ва таққослаш мақсадида, ёзма равишда, қўшимча маълумот ва тушунтиришларни сўраш ва қабул қилиб олиш.
- Харидлар комиссияси мажлислари баённомаларини сақлаш.
- Саралаш ташкил этиш ва ЖБ қоидалари ва тартибларига мувофиқ кирувчи аризалар (таклифлар) ни эксперт баҳолашни амалга ошириш.
- Харид жараёни якунланганлиги ёки муваффақиятсиз тугаганлиги тўғрисидаги ҳар қандай топилмаларда, ёки янги тендер (қайта тендер) эълон қилиш ҳақида ҳар қандай қарор қабул қилинган ҳолатларда, Харидлар Комиссияси розилиги ва ЖБ нинг розилиги (эътирозсиз) учун тақдим этиш.
- Харид жараёни якунларига асосланган ҳолда талабгорлардан келиб тушган шикоят ва эътирозларга жавоб бериш.
- Агар лозим бўлса, Харидлар комиссиясининг баённомаси (қарори) маъқулланганда ва ЖБ маъқуллагандан сўнг, ғолиблар билан музокаралар олиб бординг.

ЯБХИК Обод Қишлоқ давлат дастури таркибидаги марказлаштирилган манбалар (давлат ва маҳаллий бюджетлар) ҳисобидан молиялаштириладиган барча хизматлар учун "Бююртмачи" сифатида белгиланган (Президентнинг 29.03.2018 йилдаги 5386-сонли қарори). Ҳар бир иштирок етувчи вилоятдаги ЯБХИК Вилоят Ҳокимияти томонидан ЛАОГ га тайинланган қишлоқ тараққиёти режаларида белгиланган ва 1а компоненти асосида лойиҳани молиялаштириш учун танлаб олинган сублойиҳалар учун лойиҳалаштириш олди, лойиҳалаштириш ва хизматлар шартномаларини хариб қилиш йўлида хизматлар кўрсатиш учун тайинланган.

ЯБХИК нинг асосий вазифалари:

- Товарлар (ишлар, хизматлар) нинг бошланғич нархини белгилаш, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- Кутилаётган давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни молиялаштириш ҳажми ва манбаларнинг мавжудлиги тасдиқлангандан кейин махсус ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш.
- Барча талабгорларга тегишли бўлган таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш.
- Иштирокчилар / талабгорлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўз таклифларининг амал қилиш муддатини маълум муддатга узайтиришларини сўраш.
- Иккинчи босқич натижаларига қараб тендер шаклида харидларни амалга ошириш жараёнида, Талабгор билан шартнома имзолаш.
- Талабгорларга товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидлари жараёнига оид сўровлари бўйича тушунтиришлар бериш.

- Талабгорлар билан келишув тузиш ва уларнинг лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш.

#### **d. Талабгор/Иштирокчи**

Талабгор/ иштирокчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат харидлари учун аризачи сифатида харидлар жараёнида қатнашаётган Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти ҳисобланади. Талабгор қуйидаги ваколатларга эга:

- Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат харидлари тўғрисида маълумот олиш.
- Муайян давлат харидларини ўтказиш тартиблари, талаблари ва шартларини аниқлаштириш учун сўров юбориш.
- Харидлар Комиссияси томонидан белгиланган тартибда таклифнинг очилишида иштирок этиш.
- Харид қилиш тартиб-қоидалари бузилган тақдирда давлат харидлари натижалари ҳақида белгиланган тартибда шикоят қилиш.
- Давлат харидлари тартиб-қоидаларида кўрсатилган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда ўзгартиришлар киритиш ёки таклифларни қайтариб олиш.
- Давлат Харидлари ҳужжатларининг талабларига жавоб берадиган таклифлар ва ҳужжатларни топшириш, тақдим этилган маълумотларнинг аниқлигига талабгор жавобгар ҳисобланади.
- Лозим ҳолларда тасдиқланган молиявий элементларни тақдим этиш ва уларнинг танловини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган ҳар қандай тадбирларни бошлаш.
- Агар ғолиб деб топилса, давлат буюртмачиси билан шартнома тузиш.

### **6.2 1а компонент учун харидлар жараёнлари**

#### **а. Вилоят Харидлар Комиссияси**

Харидлар Комиссияси Ҳоким қарорига биноан таъсис этилган Вилоят Ҳокимияти ҳузуридаги доимий иш олиб борадиган орган ҳисобланади. Харидлар Комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат. Унинг таркиби ва аъзолари сони харидлар тартибининг турига боғлиқ ва сотиб олинган маҳсулот (иш, хизмат) хусусиятларига қараб фарқ қилиши мумкин.

Харидлар Комиссиясининг асосий вазифаси - буюртмага мувофиқлик даражасига қараб иштирокчиларнинг таклифларини объектив баҳолаш ва ташкил этиш ҳамда давлат харидлари бўйича танловда ғолиб (лар) ни танлаш. Харидлар Комиссиясининг ишига комиссия мажлисларида раислик қилувчи, комиссия қарорларини эълон қиладиган ва Харидлар Комиссияси мажлислари баённомалари ("протокол") ни имзолайдиган раис раҳбарлик қилади. Харидлар Комиссиясининг раиси бўлмаганда унинг вазифаларини унинг муовини амалга оширади. Харидлар Комиссиясининг ҳар бир аъзоси "ёқлаб" ёки "қарши" овоз бериши ёки бетараф қолиши мумкин, аммо Харидлар Комиссиясининг раиси овоз беришда бетараф қолиши мумкин эмас. Харидлар Комиссияси йиғилишлари юзма-юз ёки сиртдан (сўров ўтказиш йўли билан, биргаликда бўлмасдан) ўтказилиши мумкин. Юзма-юз учрашувлар видеоконференциялар ва бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Йиғилиш кунидаги 5,000 базавий ҳисобланган қийматдан (БҲҚ) кам бўлган яқка тартибдаги давлат харидлари бўйича Комиссия қарорлари (1 БҲҚ = 223,000 ўзбек суми ёки 2020 йил январ ойига 23 АҚШ доллари) сиртдан қабул қилиниши мумкин, 5,000 АҲҚ дан ошқ харидлар эса фақат Харидлар Комиссиясининг юзма-юз мажлисида ҳал қилиниши мумкин. БҲҚ 5,000 дан ортиқ қийматга эга бўлган давлат харидларини амалга ошираётганда, Харидлар Комиссияси, давлат буюртмачиларининг вакиллари билан ташқари, Инвестициялар

ва Ташқи Савдо Вазирлиги ва UzEngineering, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллий лойиҳалаштириш институтининг вакиллари ўз ичига олиши лозим. ҚИРЛ билан боғлиқ харидларни амалга ошириш жараёнида, МФЙ ижрочи қўмитасидан ташқаридаги кишлоқ вакиллари лойиҳалаштириш ва қурилиш босқичларида Харидлар Комиссияси йиғилишларидаги қатнашадилар.

## б. Харидлар тўғрисида эълонлар

ЯБХИК махсус маълумотлар порталида бўлажак харидлар тўғрисидаги эълонни талабгорлардан таклифлар қабул қилишнинг сўнгги муддатидан 30 кун аввал жойлаштиради. Эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) батафсил тавсифи ва нархи
- танлов ўтказиладиган жойнинг манзили
- иштирокчилар билан мулоқатда бўлиш учун алоқадаги шахслар сифатида белгиланган давлат буюртмачисининг бир ёки бир нечта мансабдор шахслари ёки бошқа ходимларининг номи, лавозими ва манзили
- танлов ҳужжатлари қодаларини тушунтириш учун сўровнома шакли
- таклифларни қабул қилишнинг охириги санаси ва вақти
- танлов ҳужжатларини тайёрлашга қўйиладиган талаблар

Шунингдек вилоят даражасида 1а субкомпонент учун ўтказилган танлов натижалари, шу жумладан лойиҳада қатнашган ҳар бир етказиб берувчининг номи ва улар қанча таклиф қилганлиги; ҳар бир таклиф учун тавсиф ва харажатлар сметаси; таклифлари рад этилган талабгорларнинг исмлари, рад этиш сабаби билан бирга; ғолиб талабгорнинг номи ва улар қанча таклиф этганлиги; ва мукофатланган шартноманинг муддати ва ҳажми ҳар бир ҳамжамиятдаги маълумот тахтасида эълон қилиниши керак.

## с. Харидлар усуллари

Қуйидаги жадвалда миллий харид усуллари ўртасидаги асосий фарқлар ажратиб кўрсатилган.

	Электрон дўкон	Ким ошди савдоси	Танлов	Тендер
<b>Ўзига хосликлар</b>	Махсус талаблар йўқ, <i>онлайн</i>	Энг паст нархни таклиф этувчи талабгор, <i>онлайн</i>	Бир босқич	Икки босқич
<b>Товарлар учун миқдор</b>	< 250 БҲҚ (5,900 АҚШ долларидан кам)	< 5,000 БҲҚ (120,000 АҚШ долларидан кам)	5,000–25,000 БҲҚ (120,000 - 600,000 АҚШ доллари)	БҲҚ 25,000 дан юқори (600,000 АҚШ долларидан юқори)
<b>Иш ва хизматлар учун миқдор</b>	< 25 БҲҚ (590 АҚШ доллари)	Ҳеч қандай иш / хизматларга рухсат берилмайди	25 - 25,000 БҲҚ (590 - 600,000 АҚШ доллари)	БҲҚ 25,000 дан юқори (600,000 АҚШ долларидан юқори)
<b>Харидлар Комиссияси</b>			5 - 7 одам	7 одам

<b>Эълон</b>			сўнгги санадан 10-30 кун олдин	сўнгги санадан 30-45 кун олдин
<b>Баҳолаш</b>			сўнгги санадан 10 кунгача	сўнгги санадан 60 кунгача

#### **d. Харидлар устидан жамоатчилик назорати**

Харидлар устидан жамоатчилик назоратининг мақсади давлат харидларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ва аниқлаш, давлат буюртмачилари ва ваколатли давлат органларини аниқланган қонунбузарликлар тўғрисида хабардор қилишдир. Харидлар тартибини жамоатчилик назорати очиқлик ва ошкоралик тамойилларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳисса қўшиши мумкин. Улар қуйидаги ваколатларга эга:

- давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- давлат буюртмачиларига харидларни амалга ошириш жараёни ва шартномалар бажарилишининг бориши тўғрисида маълумот олиш учун сўров юбориш; ва
- харидлар тартиби устидан мустақил мониторинг олиб бориш ва давлат харидлари самарадорлигини, шу жумладан уларнинг ушбу қонун талабларига мувофиқлигини баҳолаш.

ҚИРЛ ни амалга ошириш жараёнида қишлоқ вакиллари лойиҳалаштириш ва қурилиш босқичларида тендер савдоларида таклиф қилинган ва қабул қилинган талабларга мувофиқлигини мониторинг қилиш учун Харидлар Комиссиясида иштирок этишга ўргатилади. Қишлоқ вакилларида бўлган назоратчиларни асосий роли ва вазифалари Ижтимоий қўлланмада тасвирланган.

Харидлар устидан жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикасининг 04.09.2018 йилдаги ЎРҚ-472-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги қонуни, 8-моддасида берилган: жамоатчилик назоратининг асосий принциплари шаффофлик ва ошкоралик принципига асосланади. Давлат харидларининг ошкоралиги ва очиқлиги давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли давлат органлари ва давлат харидлари томонлари ва кенг жамоатчиликка тўлиқ, ўз вақтида, бепул ва эркин киришни таъминлаган ҳолда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, махсус ахборот порталига жойлаштириш орқали, шунингдек давлат харидлари бўйича ҳужжатлаштирилган далиллар ва ҳисоботларни тузиш ва юритиш орқали таъминланади.

#### **e. Харидлар билан боғлиқ шикоятлар**

Харидлар билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги 472-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги Қонуни 11-бобига мувофиқ амалга оширилади:

Шикоятларнинг адолатли, тезкор ва самарали кўриб чиқилишини таъминлаш учун махсус ахборот порталининг оператори доимий Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссиясини тузиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатли орган билан келишган ҳолда, ушбу комиссия таркибини тасдиқлаши лозим.

Ҳар қандай талабгор, шунингдек назоратни амалга оширувчи шахслар, давлат буюртмачиси, ваколатли орган, Харидлар Комиссияси ва унинг аъзолари, махсус ахборот портали операторининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан, агар бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) талабгорчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузса, судга ёки ушбу бобда белгиланган тартибда Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссиясига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссияси шикоят келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат буюртмачисини хабардор қилади ва харидларни амалга ошириш тартибини ўн кунгача тўхтатиб туради. Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссияси шикоятни давлат буюртмачиси ва талабгор иштирокида кўриб чиқади. Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссияси шикоят келиб тушган кундан бошлаб етти иш куни ичида ўз қарорини қабул қилади ва уни махсус ахборот порталига жойлаштиради. Қабул қилинган қарор, ошкор қилиниши талабгорнинг (Пудратчининг) қонуний тижорат манфаатларига зарар етказадиган ёки ҳалол рақобатга ҳалақит берадиган бирон бир маълумотни ўзида сақламаслиги лозим, агар Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссияси бундай маълумотларни ошкор қилишга қарор қилмаса.

Агар шикоят асосли деб топилса, Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссияси қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- Давлат буюртмачисининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, қарорлари ёки ноқонуний процедураларни бажаришини тўхтатиш.
- Давлат буюртмачисининг ноқонуний қарорини, шу жумладан, ушбу қарор танлов ҳужжатлари шартлари ва қоидаларини бузган ҳолларда, тўлиқ ёки қисман бекор қилиш;
- Харид тартибларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Пудратчини қора рўйхатга киритиш.

Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссиясининг қарорлари барча давлат харидлари томонлари учун мажбурийдир [*шундай келтирилган*]. Пудратчи Давлат Харидлари Шикоятларини кўриб чиқиш Комиссиясининг қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин

#### **f. Шартномани бошқариш ва ўзгартиришлар киритиш**

ЯБХИК 1а Субкомпонент бўйича шартномаларни бошқариш учун жавобгар агентликдир. ЯБХИК ва ЛАОГ, молиялаштирувчи томон сифатида, шартномани биргаликда бошқаради ва шартнома шартларига мувофиқ равишда ишларнинг бажарилишини назорат қилади. Шартнома бўйича барча тўловлар ҳақиқий натижаларга нисбатан амалга оширилиши керак. Масалан, материалларнинг нархини тўлаш, талаб этилган материалларнинг 100 фоизи олинган ва техник шартларга мувофиқ деб топилгандан кейингина амалга оширилади; консалтинг хизматларига ҳақ тўлаш шартномада кўрсатилган ҳисоботлар қабул қилингандан кейингина амалга оширилади; яқунланган ишлар учун тўлов фақат Бажарилган Ишлар тўғрисида Акт ваколатли шахслар томонидан тасдиқланиб олингандан кейингина амалга оширилади.

Агар давом этаётган шартнома ўзгартириш ёки тузатишлар киритишни талаб қилса, ЯБХИК бундай ўзгаришларни асосли далилларга асосланган ҳолда ва олдиндан олинган ЛАОГнинг розилиги билан киритади.

#### **g. Харид ҳужжатларини сақлаш**

Харидлар жараённинг ҳар бир босқичи давомида аниқ ҳужжатлаштирилган бўлиши керак ва аудит мақсадлари учун сақланиши керак.

ЛАОГ томонидан бошқариладиган барча харидлар учун, ЛАОГ томонидан ҳар бир индивидуал харид ҳаракати учун талабга жавоб берадиган сақлаш тизими таъминланиши керак. Бу барча тегишли Харидлар ҳужжатлари, шу жумладан тендер ҳужжатлари, таклифлар, таклифларни баҳолаш ҳисоботлари, ва контрактлар ва таклифлар билан боғлиқ бўлган ёзишмалар кабиларни ўз ичига олади.

1а Субкомпонент таркибий қисми учун амалга оширилган барча харидлар учун вилоят ҳокимлиги ҳар бир жамоа ва индивидуал харид ҳаракатларига мўлжалланган талабга жавоб берадиган сақлаш тизимини таъминлаши керак. Бу барча тегишли Харидлар ҳужжатлари, шу жумладан тендер ҳужжатлари, таклифлар, таклифларни баҳолаш ҳисоботлари, ва контрактлар ва таклифлар билан боғлиқ бўлган ёзишмалар кабиларни ўз ичига олади.

#### **h. Лойиҳа учун зарур бўлган ДХТҚ процедураларига тузатишлар**

РУХС доирасида амалга оширилган харидлар хавфини баҳолаш, шаффофликни ва энг яхши нарх ва сифат нисбатини таъминлаш учун ЯБХИК томонидан амалга ошириладиган қуйидаги қўшимча талабларни қўяди:

- танловларда қатнашиш учун бошқа вилоятлардан бўлган талабгорларга ҳеч қандай чекловларсиз республика миқёсида очик эълон;
- ҳар қандай мамлакатдан қатнашиш талабларига мос келувчи компаниялар учун харидлар очик;
- Банк билан келишилган стандарт Тендер Ҳужжатлари Товарлар, Хизматлар ва Маслаҳатчиларни Танлаш харидлари учун қўлланилади;
- тендер таклифлари сўрови талабига кўра, тендер таклифларни тақдим этаётган пайтда талабгор/ таклиф қилувчи Банкнинг Коррупцияга қарши Кўрсатмаларига, шу жумладан Банкнинг санкциялаш ҳуқуқи ва Банкнинг текшириш ва аудит ҳуқуқини ўз ичига олувчи ва у билан чегараланмаган ҳуқуқларини тадбиқ қилувчи ва уларга мосликни тасдиқловчи ҳар қандай шартномага киришиш шартларини қабул қилишини ёзма имзоланган равишда тақдим қилади;
- тендер комиссияси ўқитилган қишлоқ аҳолиси вакилларини ўз ичига олиши керак;
- Баҳолаш Қўмитаси томонидан шартнома тузилганидан кейин шартнома нархлари бўйича музокаралар / қисқартиришларга йўл қўйилмайди;
- шартномалар мажбуриятлар, хавфлар ва маъсулиятларнинг мувофиқ тақсимланишини ўз ичига олиши керак;
- шартнома тузилиши тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш мажбурий;
- Банкнинг харид ҳужжатлари ва фаолиятини текшириш ҳуқуқи таъминланади;
- шикоятларнинг самарали кўриб чиқиш механизми қўлланилади;
- ЛАОГ ва ЯБХИК томонидан қатъий харидлар ёзувлари ва ҳужжатлари сақланиши мажбурий.

#### **i. ЯБХИК нинг ҚИРЛ билан боғлиқ мажбуриятлари**

Қадамлар	Фаолият
	<b>Режалаштириш ва Лойиҳалаштириш</b>
<b>1.</b>	Ҳокимият, ЛАОГ ва бошқа манфаатдор томонлар сублойиҳаларни аниқланганда ва тасдиқланганда, ЯБХИК ЛАОГ харидлар бўйича мутахассиси билан

	координациялашиб ЖБ учун эътирозсиз Харидлар режасини ишлаб чиқади (йиллик ёки олти ойлик режа, ҚТР ларнинг тайёрлигига қараб).
2.	ЯБХИК ходимлари сублойихани лойиҳалаштириш шартномалари учун тендер/олдиндан лойиҳалаштириш /харажатлар смета ҳужжатларини тайёрлаш мақсадида қишлоққа ташриф буюрадилар.
3.	Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва юқорида айтиб ўтилган қўшимча талабларга биноан ЯБХИК очиқ тендерларни ўтказди.
4.	ЯБХИК тендер ғолиби (лойиҳалаштириш корхонаси) билан шартнома тузади ва ЛАОГ учун шартнома бўйича аванс тўловини амалга оширишни таъминлайди.
5.	Танланган лойиҳалаш корхонаси, ЯБХИК раҳбарлиги остида техник изланишларни тайёрлайди ва қурилиш лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқади.
6.	Лойиҳалаштириш корхонаси ва ЯБХИК вакили МТГ ва жамоанинг фикр-мулоҳазалари учун дастлабки сублойиҳаларни лойиҳасини тақдим этади. Лойиҳалаштириш корхонаси техник жиҳатдан бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда аҳолининг таклифларини қабул қилади.
7.	Тегишли давлат идоралари лойиҳани текширгандан сўнг ва қишлоқ аҳолиси уни тасдиқлагандан сўнг, лойиҳалаштириш корхонаси ва ЯБХИК вакили якуний лойиҳани тасдиқлайдиган МТГ имзосини олишади. ННТ ва ЛАОГ ҚМлари ёрдами мажбурийдир.
8.	ЯБХИК режалаштирилган қурилишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган техник, ёнғинга қарши, экология, санитария ва иқтисодий стандартларга мувофиқлигини таҳлил қилиш учун лойиҳа проект (лойиҳа) ҳужжатларининг экспертизасини кафолатлайди
	<b>Қурилиш Майдончасини тайёрлаш</b>
9.	Янги қурилиш бўлган ҳолларда, ЯБХИК зарур ер участкаларини тақсимоида ёрдам беради. Одамларни доимий равишда қўчишини олдини олиш учун АМИМЧБАМ ва КРАМ қоидаларини ҳисобга олиш керак.
10.	ЯБХИК қурилишни бошлаш учун миллий қурилиш нормаларида белгиланган рухсатномаларни олади.
	<b>Пудратчини танлаш, Қуриш ва Молиялаштириш</b>
11.	ЯБХИК тегишли органлар билан келишилган ҳолда ишлаб чиқишни бошлайди ва қурилиш ёки тиклаш ишларини хариди учун тендер ҳужжатларини тасдиқлайди.
12.	Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва юқорида айтиб ўтилган қўшимча талабларга биноан қурилиш / реконструкция ишлари учун пудратчиларни танлаш бўйича ЯБХИК тендер жараёнини ташкиллаштиради ва ўтказди.
13.	ЯБХИК пудратчиларга сублойиҳани амалга ошириш учун Ҳокимиятлар, Архитектура бўлимлари, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат Инспекцияси (ҚСХНИ) ва бошқа тегишли идоралардан лозим бўлган рухсатномалар ва тасдиқлашларни қўлга киритишда ёрдам беради.
14.	ЯБХИК қурилиш даврида ҚИРЛ Техник Раҳбарлари ва Қишлоқ Муҳандислари, ЛАОГ вилоят ходимлари ва мониторингга жалб қилинган МТГ аҳолиси билан ҳамкорликда шартнома бошқаруви, техник ёрдам ва қурилиш лойиҳасини назоратини таъминлайди.
15.	Қурилиш ишларини амалга ошириш даврида МТГ мустақил равишда доимий мониторинг ўтказди. ТР, ҚМлар ва ЯБХИК мониторинг вазифаларининг асосийлари қуйидагилардан иборат: пудратчи томонидан бажариладиган ишларнинг сифатини назорат қилиш, ишлатилган материаллар ва тузилмаларнинг сифат назорати, жадвалдан кечикишини назорат қилиш ва қоидабузарликларни аниқлаш.
16.	Қурилиш жараёнида, қурилишда меъёрий ҳужжатларнинг қатъий талабларига биноан, лойиҳалаштирувчи корхона техник лойиҳага мувофиқ бажарилган қурилиш ишларини доимий равишда муаллифлик назоратини амалга оширади. ЛАОГ муҳандислари, ҚСХНИ ва ЯБХИК ушбу талабнинг бажарилишини назорат

	киладилар.
17.	ЯБХИК, ЛАОГнинг олдиндан тўловларни амалга оширишини ва шартнома асосида мунтазам тўловларни амалга оширишини таъминлайди.
18.	Агар пудратчи қурилиш меъёрларини ёки уларнинг шартнома мажбуриятларини бузса, ЯБХИК миллий қонунчиликка мувофиқ тегишли чораларни кўради.
19.	ИТВ ва Ҳокимият ўртасида тузиладиган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ ЯБХИК ишларнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда ЛАОГ га ҳисобот бериб боради.
<b>Тугалланган Қурилиш Лойиҳаларини қабул қилиш</b>	
20.	<p>ЯБХИК ва пудратчилар топшириладиган ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри ташкиллаштириш учун жавобгардирлар. Топшириш жараёни қуйидагича текширилади ва сертификатланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳалаштириш корхонаси қурилишнинг лойиҳага мувофиқлигини кўрсатувчи сертификатни тақдим этади.</li> <li>• ЯБХИК пудратчилар, лойиҳаштириш корхонаси ва туман ёки вилоят ҳокими томонидан тайинланган тегишли маҳаллий ҳокимият вакилларида иборат ишчи комиссия тузади. МФЙ/МТГ вакили ушбу сублойиҳанинг жамоатчилик талабларига жавоб беришини текшириш учун ишчи комиссияга қўшилиши мумкин.</li> <li>• Ишчи комиссия томонидан сертификатлангандан сўнг, ЯБХИК ШНҚ 3.01.04-04 бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларни сублойиҳани топшириш учун Давлат Қабул Комиссиясининг туман ёки вилоят бўлимига тақдим этади. Давлат Қабул Комиссияси давом этаётган эксплуатация ва техник хизмат учун сублойиҳани тегишли ташкилотга топшириш тўғрисида қарор қабул қилади.</li> </ul>
21.	Пудратчи кўрсатилган барча камчиликларни, нуқсонлар ва даъволарни баргараф этганидан кейин, шунингдек, қурилиш ускуна ва материаллари учун техник спецификациялар ва паспортларни, бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш актлари ва ҳоказоларни ўз ичига олган Ижройи техник ва лойиҳа ҳужжатларини (ИТЛХ) топширганидан кейин, объектни ишга тушириш ва расмий топшириш якунланди деб ҳисобланади.
22.	Камчиликлар ва жавобгарлик муддати тугаганидан кейин пудратчиларга шартнома нархининг 5 фоизи миқдориди якуний тўлов.
23.	ЯБХИК лойиҳани тугатиш тўғрисида якуний ҳисоботни ишлаб чиқади ва ЛАОГ га тақдим этади (барча керакли ҳужжатларнинг ПДФ форматдаги ёзма нусхалари билан бирга).

### 6.3 16 ва 2-Компонентлар учун Харид Жараёнлари

#### а. Харидлар Режаси

Лойиҳани амалга ошириш учун ишлаб чиқилган Харидлар Режаси *вақти-вақти билан, йилга камида бир марта янгиланади* ва ҳар бир янгиланиш Жаҳон Банки томонидан олдиндан кўриб чиқилиши керак. Дастлабки ХР ва кейинги барча янгиланишлар Жаҳон Банкнинг расмий веб-сайтида, Жаҳон Банки кўрсатмаларининг талабларига мувофиқ ҳолда, шунингдек, ЛАОГ расмий веб-сайтида намоён қилинади. ХР Жаҳон Банки томонидан тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

#### б. Харидлар тўғрисида эълонлар

ҚИРЛ 16 ва 2- компонентлари учун товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш учун ЛАОГ харидлар тўғрисидаги эълонларни оммавий ахборот воситаларида ва Иқтисодий тараққиёт Вазирлигининг расмий веб-сайти, <http://mineconomy.uz/en> ва <https://dxarid.uzex.uz/> да эълон

қилади. Барча эълон қилинган таклифлар натижалари реал вақт режимида ҚИРЛ амалга оширилишини назорат қилиш ва лойихага тегишли барча ҳаракатларнинг шаффофлигини таъминлаш учун ташкил этилган АБТ да эълон қилинади.

Қизиқиш билдирган маҳаллий ва халқаро талабгорларни жалб қилиш мақсадида таклифларга оид барча эълонлар, 1а субкомпонентга мувофиқ вилоят даражасида амалга ошириладиган, хусусан Дастлабки Ариза Сўрови (ДАС) ва бошқа харид ҳужжатларидан ташқари, Харидларда алмашинувни Тизимли Кузатуви (ХАТК), ЖБ нинг ички харидлар тизими, БМТТД Харидлар Хабарномлари орқали тақдим қилинади.

### **с. Лойиха Харидлари / Тендер Комиссияси**

Харидлар Комиссияси тендер таклифлари ва ғолибларга шартнома таклиф қилади. Президентнинг 16.07.2018 йилдаги 3857-сонли қарорига биноан 100,000 АҚШ долларидан юқори эквивалентга тенг харидлар учун ИТВ Иқтисодиёт ва саноат вазирининг бошчилигидаги Харидлар Комиссиясини тузади, бу ушбу Комиссия ҚИРЛ билан боғлиқ харидларни амалга оширишнинг доимий аъзоси ҳисобланади. Харидлар Комиссияси етти аъздан иборат бўлади:

- Иқтисодий тараққиёт Вазирлигидан раис
- Инвестициялар ва Ташқи Савдо Вазирлигининг вакили
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Uzengineering лойихалаштириш институти вакили
- ЛАОГ вакили
- Молия Вазирлигининг вакили
- Монополияга қарши Қўмитанинг вакили
- Қурилиш Вазирлигининг вакили (агар қурилиш ишлари харид қилинса)

Харидлар Комиссиясининг ваколати ҚИРЛ нинг барча компонентларига тааллуқли бўлиб, 1а Субкомпонент бундан мустаснодир, улар учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Харидлар Комиссияси ҳужжатларни кўриб чиқади, таклифларини баҳолайди ва шартномалар тузади.

Харидлар / Тендер комиссиялари қуйидагиларни бажаради:

- барча харид ҳужжатларини, шу жумладан *беш иш кунидан ошмайдиган* муддатда амалга ошириладиган харидлар тартибида иштирок этиш учун эълон ёки таклифномалар матнини тасдиқлаш;
- ЖБ нинг харидларга оид кўрсатмаларига мувофиқ аризаларга (таклифларга) талаблар қўйиш;
- агар ЛАОГ да баҳолаш Комиссияси томонидан рақобатли танлов натижалари бўйича тайёрланган харидлар ҳужжатлари, танлов таклифлари ва режаларни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларида кўзда тутилган бўлса, ЛАОГ нинг дастлабки квалификация танлови натижаларини тасдиқлаш;
- ариза (таклиф) бериш муддатини узайтириш ёки узайтирмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш,

### **d. Танловни очиш**

Ушбу бўлимда тендер ва таклифларни оммавий очилишини ўтказиш тартиблари муҳокама қилинади.

Аризаларни (таклифларни) очиш учун Харидлар Комиссиясининг кворуми талаб қилинмайди, аммо ИТВ нинг камида учта вакили бўлиши шарт. Комиссия ўз вақтида келиб тушган барча таклифларларни очади ва ҳар бир келиб тушган тендер бўйича тендер рўйхатини тайёрлайди ва имзолайди. Сўнгра раис тендер очилаётган лойиханинг расмий номини эълон қилиши керак.

Барча талабгорларга адолатли бўлиши учун жараён ўз вақтида ва профессионал тарзда ўтказилиши керак. Таклифлар ёпилиш санасидан кейин дарҳол очилиши керак. Агар ушбу жараёнга риоя қилинмаса, у танлов жараёнининг қабул қилинган яхлитлигига путур етказиши мумкин. Очилишнинг кечикиши қабул қилинмайди. Тендерни тугатиш муддати ва бошланғич таклифларни очиш учун тегишли равишда расмий соат белгиланиши керак.

Таклифлар/ иловаларни қабул қилишнинг охириги муддати деб эълонда кўрсатилган вақт ичида таклифни очиш комиссияси (харидлар комиссияси тузиши мумкин) тақдим этилган таклифлар бўлган конвертларни очади. Талабгорнинг вакили/иштирокчи конвертларни очиш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига ега.

## е. Таклифларни Баҳолаш

### Таклифларни Баҳолаш Қўмитаси

Таклифларни Баҳолаш Қўмитаси тендер таклифларини кўриб чиқади, баҳолайди ва шартномалар қандай тузилиши тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда Тендер Комиссиясига тегишли тартибда тасдиқлаш учун тақдим этади.

### ЛАОГ Ижрочи Директори

Таклифларни Баҳолаш Қўмиталари кичик харидлар учун (100 000 АҚШ долларида кам) ЛАОГ ижрочи директори томонидан ва каттароқ харидлар учун Тендер Қўмитаси томонидан ташкил этилади. ЛАОГ ижрочи директорининг буйруғи билан ҳар қандай махсус харидлар бўйича алоҳида Таклифларни Баҳолаш Қўмитаси тузилади. Шартнома тузиш тўғрисидаги хабарни етказиш ЛАОГ ижрочи директори номидан амалга оширилади. Шартномалар ЛАОГ ижрочи директори ёки ушбу ваколат берилган шахслар томонидан имзоланади. Таклифларни Баҳолаш Қўмитаси сотиб олинган товарлар, ишлар ва консалтинг хизматлари билан боғлиқ ваколатларга эга бўлган лойиҳа ходимлари ва мутахассисларни ўз ичига олиши керак.

### 16 ва 2-компонентлар бўйича ХТА томонидан Харидларни кўриб чиқиш

Олдиндан кўриб чиқиш. ЛАОГ томонидан сотиб олинган куйидаги шартномалар ХТА томонидан олдиндан кўриб чиқилиши керак:

Харажатлар Категорияси	Шартнома Қиймати	Харид усуллари	Банкнинг олдиндан тақризи
Қурилиш ишлари	≥ 5,000,000	ТТС	Барча шартномалар
	< 5,000,000	ТТС	Биринчи шартнома
	< 100,000	НС	Биринчи шартнома
	ТЭ	ЯМХҚ	Барча ЯМХҚ контрактлар
Товарлар	≥ 1,000,000	ТТС	Барча ТТС контрактлар
	< 1,000,000	ТТС	Биринчи шартнома
	< 100,000	НС	Биринчи шартнома
	ТЭ	ЯМХҚ	Барча ЯМХҚ контрактлар
Маслаҳат хизматлари	ТЭ	СНАТ, САТ, ББТ, ЭКХТ	Компаниялар учун барча шартномалар ≥ 500,000 АҚШ доллари.
	ТЭ	ЯМТ	Жисмоний шахслар учун барча шартномалар ≥ 200,000 АҚШ
	ТЭ	ИМ	

Эслатмалар: ТТС - танлов таклифлари сўрови  
НС - Нарх Сўрови  
ЯМХҚ - Ягона манбадан харид қилиш  
СНАТ - Сифат ва Нархга Асосланган Танлов  
САТ - сифатга асосланган танлов  
ББТ - белгиланган бюджет танлови  
ЭКХТ - энг кам харажатли танлов  
ЯМТ - битта манбали (ёки ягона манбали) танлов  
ИМ - индивидуал маслаҳатчиларни танлаш тартиби  
ТЭ - Таалуқли эмас

*Кейинги кўриб чиқиш* Олдиндан кўриб чиқиш талаблари остидаги барча шартномалар ХТА томонидан кейин кўриб чиқилиши керак. ХТА мунтазам назорат вазибалари ёки махсус харидлар аудитини ўтказиш давомида даврий кейинги кўриб чиқишни ўтказди. эълон, тендер ҳужжатлари, танлов таклифлари, таклифларни баҳолаш ҳисоботи, шартномалар ҳамда таклиф ва шартномалар билан боғлиқ ёзишмалар каби харид ҳужжатлари кузатув вазибалари давомида ёки бошқа ҳар қандай вақтда ХТА тасодифий кўриб чиқиши учун тайёр сақланиши лозим.

#### **f. Шартнома тузиш**

Шартномани тузиш тўғрисидаги Хабарнома - бу давлат харидлари жараёни натижалари тўғрисидаги оммавий эълон. Бу лойиҳага кирган барча харидлар учун мажбурийдир. Хабарнома ЖБ нинг кўрсатмаларига мувофиқ эълон қилиниши керак. Маҳаллий ташкилотлар ҳам шартнома тузиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий матбуотга ёки бошқа оммавий ахборот воситаларига тақдим этишлари мумкин.

#### **g. Харидлар билан боғлиқ шикоятлар**

1a Компонентда келтирилган харидлар жараёнидаги каби.

## VII. ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ ХАВФСИЗЛИК

### 7.1 Кириш

ҚИРЛ асосий инфратузилма ва хизматларга талабга асосланган турли хил инвестицияларни қўллаб-қувватлайди. Лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий таъсири асосан ижобий бўлиб, лойиҳа қишлоқларининг аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш билан боғлиқ. Бироқ, лойиҳа молиялаштирадиган қурилиш ишлари амалга оширилишининг экологик ва ижтимоий таъсирлари турли хил салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин, жумладан: (i) атроф-муҳитнинг чиқинди, шовқин, чанг, ёқилғининг ёниши натижасида ҳосил бўлган чиқинди газлари билан ифлосланишнинг ошиши; (ii) соғлиқ ва хавфсизлик учун хавфлар ва қурилиш ишлари натижасида келиб чиқадиган бошқа муаммолар; (iii) етарли даражада олдини олиш ва юмшатиш чоралари кўрилмаганлиги натижасида ер ости ва ер усти сувларининг ифлосланишининг ошиши; (iv) тупроқнинг емирилиши ва ифлосланиши; ва (v) қурилиш ишлари пайтида оғир техникалардан нотўғри фойдаланиш натижасида инсон саломатлигига таҳдид. Ижтимоий таъсир лойиҳа томонидан молиялаштириладиган баъзи тадбирлар учун «ерларни» ўзлаштириш билан боғлиқ.

*ЖБ нинг ишга туширилган Операцион Сиёсат (ОСлар).* Таклиф этилаётган лойиҳа ЖБ ни *Экологик Баҳолаш тўғрисидаги ОС 4.01*ни қўллайди чунки у бир қатор салбий экологик ва ижтимоий таъсирларни келтириб чиқаради (юқорига қаранг). *Мажбурий кўчириш тўғрисидаги ОС 4.12* кичик ер участкалари сотиб олишга (вақтинчалик ёки доимий) потенциал эҳтиёж борлиги ва 1-компонент фаолиятлари билан боғлиқ равишда кириш ва иқтисодий кўчиришни чеклаш сабабли қўлланади. Лойиҳа қишлоқ сув таъминоти ва канализация тизимларини қайта тиклаш бўйича сублойиҳаларни молиялаштириши мумкинлиги сабабли *Халқаро Сув йўллари тўғрисидаги ОС 7.50* қўлланилади. Инвестициялар дастлабки чегаралар ичида ва мавжуд бўлган жамоа миқёсидаги суғориш ва сув таъминоти ва санитария схемаларининг лойиҳалаш параметрлари ёки сув истеъмоли ёки амалдаги асл ставканинг дастлабки схемани режалаштириш сметасидан сезиларли даражада ошмайдиган кичик қўшимчалар билан амалга оширилади. Лойиҳа сув оқимининг сифати ёки миқдорига салбий таъсир кўрсатмайди; шунингдек, сувга бошқа истеъмолчиларнинг салбий таъсири бўлмайди. Лойиҳа учун ушбу ОС нинг ташқи билдириш талабларидан истисно 2019 йил 30-августда Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти томонидан тасдиқланган.

*Лойиҳанинг тоифаси ва лойиҳада қўлланиладиган Экологик Баҳолаш воситалари.* Банкнинг хавфсизлик сиёсати ва процедураларига мувофиқ, лойиҳа **Б категориясига** киради, шунинг учун АМИБР ва Экологик Баҳолаш талаб этилади. Маҳаллий жамоалар амалга ошириш давомида сублойиҳаларни аста-секин аниқлайдилар. Шундай қилиб, лойиҳа структуравий ёндашувни қабул қилади; тегишли воситалар эса Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асосий модели (АМИМЧБАМ - 1-илова) ва Кўчириш режасининг асосий модели (КРАМ- 2-илова) дан иборат.

АМИМЧБАМ сублойиҳалари учун қоидалар ва тартибларни АМИБЛ белгилайди. Молиялаштириладиган ҳар қандай Лойиҳа фаолияти ёки сублойиҳалар А категорияга кирадиган жиддий экологик зарар етказмайди, шунинг учун Лойиҳа томонидан тўлиқ АМИТБ талаб этадиган ҳеч қандай сублойиҳа қўллаб-қувватланмайди. Шундай бўлсада, сублойиҳаларнинг аксарияти атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатиши ва Б категорияга кириши мумкин ва шунинг учун Банк оддий ва/ёки қисман АМИТБ ва/ёки АМИБР тайёрлашни талаб қилади.

**Кўчириш режасини асосий модели.** Лойиҳа давомида қишлоқ ва шаҳар ерларига таъсир кўрсатадиган, масалан, сув тақсимлаш марказлари, сув омборлари, чиқиндиларни йиғиш

пунктлари, каттик чиқиндиларни қайта ишлаш иншоотлари ёки сув таъминоти қувурлари реконструкция қилиниши / тикланиши билан боғлиқ бўлган доимий ва/ёки вақтинча ерларни ўзлаштириш талаб этилиши мумкин. Сув қувурларини реконструкция қилиш ва узайтириш, йўлларни кенгайтириш ва электр таъминоти объектларини куриш учун эса вақтинча ерларни ўзлаштиришни талаб қилиниши мумкин. Ушбу мақсадлар учун ерлар кишлок хўжалиги ва шаҳар ерларидан олиниши мумкин, бу фермерлар, уй хўжаликлари ёки бизнесга таъсир қилади. Ижтимоий таъсирни Баҳолаш, ҳамда экологик ва ижтимоий скрининг ва АМИБР ҳар бир сублойиха учун иқтисодий кўчиш ва бўлажак йўқотишларнинг ҳажмини аниқлаш, мақсадли заиф гуруҳларни аниқлаш, бошқа жойга кўчириш харажатларини аниқлаш ва амалга ошириш учун КХР тайёрлаш мақсадида амалга оширилади. Лойиха молиялаштирадиган аниқ сублойихаларни *олдиндан* аниқлаш мумкин эмас. Фаолият / таъсирларнинг кенг категориясини олдиндан прогноз қилиб бўлса ҳам, ҳар бир сублойиха ижтимоий таъсири уларнинг батафсил лойихалари тугагандан кейингина маълум бўлади. Бинобарин, лойихани тайёрлаш жараёнида ЛАОГ томонидан КРАМ ишлаб чиқилган. КРАМ нинг асосий вазифаси ерларни мажбуран ўзлаштириш ва натижада жабрланган оилаларни бошқа жойга кўчиришни ўз ичига олувчи сублойихаларни амалга ошириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий ижтимоий-иқтисодий таъсирларни тегишли равишда аниқлаш, бартараф этиш ва юмшатиш учун асосни таъминлашдан иборат.

ЎРХнинг инфратузилмаларни ривожлантириш дастурларида иншоотларни бузиш ва жисмоний кўчиришга олиб келадиган мажбурий ўзлаштиришлар содир бўлди. Сўнгги пайтларда оддий ўзбек аҳолисига салбий таъсир кўрсатилганлиги сабабли бир қатор шикоятлар пайдо бўлди. Фуқаролар тегишли тартибларга риоя қилмаган ёки етарли даражада ва тегишли равишда ёки оқилона муддатда бошқа жойга кўчириш ва тиклаш ёрдамидан кўрсатмаган маҳаллий ҳокимият идораларига қарши хавотир билдиришди. Таклиф этилаётган Лойиха томонидан молиялаштирадиган инвестициялар натижасида бундай салбий таъсирлар юзага келиши эҳтимоли паст. Доимий жисмоний кўчириш билан боғлиқ фаолиятлар ҚИРЛ томонидан молиялаштирилмайди. Лозим бўлган жараёнлар олдиндан белгиланади ва келишилади. ЛАОГ, АМИБЛ ва КРАМ га тўлиқ мувофиқликни таъминлаш учун кучли мониторинг, назорат ва ШКЧМ ларни ўрнатади.

*АМИБЛ/КРАМ ни қўллаш доираси.* ЭИТБ жараёнини бошқарадиган АМИБЛ қуйидагиларни қамраб олади: 1а компонентга биноан талабга асосланган асосий инфратузилма ва хизматларга инвестициялар томонидан қўллаб-қувватланаган сублойихаларни экологик ва ижтимоий скрининги учун қоидалар, процедуралар ва амалга ошириш тадбирлари; сублойихаларнинг ЭИТБ ларини ва / ёки оддий АМИБР ларни тайёрлаш, шунингдек тегишли АМИБР назорат варақаларини тайёрлаш бўйича кўрсатма; Лойиха томонидан қўллаб-қувватланадиган турли хил таклиф этилаётган фаолият ва сублойиха турларининг келиб чиқиши мумкин бўлган таъсирларини юмшатиш чоралари; 1б ва 2-Компонентлар бўйича амалга ошириладиган, Лойиха орқали молиялаштириладиган сублойихаларни аниқлайдиган кишлок тараққиёти режаларини ишлаб чиқишда ЭИТБ нинг асосий талаблари; ва ЭИТБ/АМИБР лар бажарилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш талаблари. АМИБЛ, ЛАОГ ва экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш билан шуғулланувчи маҳаллий институтларнинг имкониятларини (вилоят ва туман Ҳокимиятлари, МФЙ ва МТГ лар) маълумотни тақдим этади. Ушбу маълумот асосида, АМИБЛ потенциал экологик ва ижтимоий хавф-хатарларни камайтириш ва сублойиха даражасидаги ЭИТБ ларни амалга оширувчи манфаатдор томонлар ҳамда иштирокчи маҳаллий ташкилотлар (КХ лар, ЯБХИК лар, МТГ лар) га қаратилган салоҳиятни оширувчи фаолиятларни белгилайди. Вилоят Ҳокимликларининг ЭИТБ салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Ниҳоят, АМИБЛ қайтариб бўлмайдиган кенг қўламли ижтимоий ёки экологик таъсирлар (А категориядаги сублойихалар) га эга ва доимий равишда жисмоний кўчириш ёки жой алмаштиришни талаб этадиган инфратузилма инвестицияларини ўз ичига олган салбий рўйхатни юритади ва ушбу рўйхатдаги инвестициялар лойиха томонидан қўллаб-

қувватланмайди. Ҳимоя қилинадиган ҳудудларда, ўта муҳим яшаш жойларида ёки маданий ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳудудларда жойлашган ва халқаро сув йўлларига таъсир кўрсатадиган сублойхалар ҳам ушбу салбий рўйхатга киритилади. Лойиҳа манфаатдор томонларнинг шикоятларини ҳал қилиш учун ШКЧМ ишлаб чиқди.

## 7.2 Атроф-муҳит муҳофазаси

Экологик баҳолашнинг мақсади - ҳар қандай режалаштирилган фаолиятнинг потенциал ижобий ёки салбий таъсирини баҳолаш; инсонга ёки атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш чораларини белгилаш; ва фаолиятни амалга ошириш жараёнида ушбу чора-тадбирлар устидан назорат қилиш учун асос яратишдир. ҚИРЛ бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг кутилган экологик таъсири аҳамиятсизлиги ёки қайтариб бўлмайдиган эмаслиги ва уларни тегишли юмшатиш чоралари ёрдамида олдини олиш ёки камайтириш мумкинлиги кутилмоқда.

Ўзбекистон қонунчилигига биноан, барча ҚИРЛ сублойхалари Атроф-муҳитни Муҳофаза қилиш Қўмитасининг Давлат Экологик Экспертизаси Вилоят Бошқармаси томонидан кўриб чиқилиши керак. Ўзбекистоннинг экологик қонунларига риоя этилишини таъминлаш учун ЛАОГ ва ЯБХИК жавобгардир. Экологик Баҳолаш жараёнида ва ҚИРЛ да ҳужжатлаштиришда қатнашадиган асосий элементлар қуйида келтирилган ва батафсил тавсифланган.

Сублойхалар учун АМИТБ ни амалга ошириш учун қилинадиган чора ва тадбирлар тўғрисида қисқача маълумот 6.1-жадвалда келтирилган.

### 7.1 - жадвал. 1а компонент учун АМИТБ жараёни: асосий инфратузилма ва хизматларга талабга асосланган инвестициялар

1-қадам	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) ҚИРЛ фасилитаторлари (ҚМ лар) тақиқланган / чиқариб ташланган ҳаракатларга асосланиб сублойиха скринингини ўтказди;</li> <li>b) Агар сублойиха таъқиқланган / истисно ыилинган тадбирлар рўйхати бўйича скринингдан ўтса, ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ ларга Экологик скрининг жадвалининг 1-бўлимини бажаришда ёрдам беради;</li> <li>c) Экологик назорат варағига асосланиб экологик категория ва ўтказиладиган ЭБ тури тавсия этилади - (қисман АМИТБ ёки АМИБР дан бири);</li> <li>d) Скрининг натижалари, шу жумладан потенциал салбий таъсирлар ва уларни юмшатиш бўйича чоралар жамоат аъзоларига сублойихани инвестициялаш вариантларини техник-иқтисодий асослаш доирасида тақдим этилади (ҚИРЛ ни амалга ошириш циклининг 8.1-босқичи).</li> </ul>
2-қадам	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) ҚИРЛ фасилитаторлари молиялаштириш учун танланган сублойихалар учун МТГ га Экологик Скрининг жадвали ва Экологик Текшириш рўйхатини ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассиси ва ЯБХИК га тақдим этишда ёрдам беради.</li> <li>b) ЛАОГ, вилоят ЭИС сублойиханинг категориясини тасдиқлаш учун ҳужжатларни кўриб чиқади. <i>Б ва С категориясидаги сублойихалар</i> учун ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассиси потенциал экологик хавфлар ва қандай қилиб уларнинг олдини олиш / юмшатиш кўрсатмаларини, талаб этиладиган АМИТБ камровини ва талаб қилинадиган ҳимоя воситаларини Экологик Скрининг Жадвалида қайд этади.</li> <li>c) ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассиси сублойихани лойиҳалаштириш хизматлари учун ТВ да талаб этилган АМИТБ га боғлиқ бўлган фаолиятларни ва ҳимоя воситаларини камраб олган ушбу маълумотни ЯБХИК га тақдим этади.</li> </ul> <p><i>Изоҳ: Б категориясидаги кичик миқёсдаги қурилиш ва реконструкция ишлари учун потенциал экологик таъсирларни бартараф этишда ЖБ нинг АМИБР назорат варағидан фойдаланиш талаб этилади.</i></p>
3-қадам	<ul style="list-style-type: none"> <li>a) Лойиҳачи (консультант) ТВ га мувофиқ АМИТБ ва АМИБР ёки АМИБР назорат рўйхатини тайёрлайди.</li> </ul>

	<p>b) ЛАОГ вилоят ЭИС , ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ ларга қисман ЭИТБ ёки АМИБР назорат рўйхати лойиҳаларини очилишини ташкил қилишда ва ФЖТ лар, жамоатчилик вакиллари ва дахлдор гуруҳларни жалб қилган ҳолда жамоатчилик билан маслаҳатлашишни ташкил этишда қўмаклашади. Иштирокчилар тақдим этган маълумотларни ёзиб олиш учун расмий протоколлар тайёрланади.</p> <p>c) Лойиҳалаштириш бўйича маслаҳатчи жамоат маслаҳатлари асосида қисман ЭИТБ, АМИБР ёки АМИБР назорат рўйхатини янгилайди ва кўриб чиқиш учун ЯБХИК ва ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассисига тақдим этади.</p>
4-қадам	<p>a) ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассиси лойиҳалаштириш бўйича маслаҳатчи томонидан тайёрланган АМИТБ ва АМИБР ёки АМИБР назорат рўйхатини зарур рухсат ва тасдиқлар олинганлигини тасдиқлаш учун кўриб чиқади.</p> <p>b) ЛАОГ вилоят АМИМ мутахассиси, АМИБР назорат рўйхатини талаб қиладиган кам рискли Б ва С категориясидаги сублойиҳалар учун рухсатномаларни тақдим этади. Юқори рискли Б категориядаги сублойиҳалар ЛАОГ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисига текшириш учун топширилади.</p> <p><i>Изоҳ: ЖБ ҳар бир иштирок этувчи вилоятдаги дастлабки учта сублойиҳадан (ҳар бири турли секторга мансуб) АМИТБ/ АМИБР ларни олдиндан кўригини ўказади. Шундан сўнг, фақат Б категориясига қирувчи ва қисман АМИТБ ва АМИБР ни талаб қиладиган сублойиҳалар учун ЖБ ни олдиндан кўриги талаб қилинади.</i></p>
5-қадам	<p>a) ЭИБ ҳужжатларини ЛАОГ (ёки ЖБ) расмийлаштирганидан сўнг, ЯБХИК сублойиҳани тиклаш ёки қурилиш ишлари бўйича тендерни давом эттиради. Барча сублойиҳа тендерга тегишли ҳужжатлари, талабга биноан АМИБР/ АМИБР назорат рўйхатини бажаришни ўз ичига олиши керак, ва ҳужжатлар тендер ҳужжатларига, сўнгра тиклаш / қурилиш шартномаларига илова қилиниши лозим.</p> <p><i>Изоҳ: КХР ни талаб қиладиган сублойиҳалар учун, КХР тайёрланмагунча, ЖБ томонидан эътироз билдирилмаган ва компенсациялар тўлиқ ҳажмда тўланмагунча, қурилиш ишлари бошланмайди.</i></p>
6-қадам	<p>ЛАОГ вилоят ЭИС , ҚИРЛ фасилитаторлари ва МТГ аъзолари келишилган мониторинг режасига мувофиқ даврий назорат, мониторинг ва ҳисоботни олиб боришади. Иш олиб борилаётган жойда ЭИС хавфлари аниқланган ҳолатда, пудратчилар жойга тегишли АМИБР тайёрлашлари шарт.</p>

### 7.3 Ижтимоий Ҳимоя

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Жаҳон Банки ўртасида келишилган кўчириш режасининг асосий модели (КРАМ) ерларни ўзлаштириш ва кўчириш тамойилларини, шунингдек, ҚИРЛ бўйича буни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий чораларни белгилайди. Сублойиҳаларнинг таъсир доирасини олдиндан аниқлаш мумкин эмас, чунки иш олиб бориладиган ер жойлари ва сублойиҳа чизмалари амалга ошириш вақтида аниқланади. Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишларининг уч тури бўлиши мумкин: (i) мавжуд биноларни кенгайтириш / тиклаш; (ii) жамоалар учун янги бинолар / иншоотлар қуриш; (iii) хусусий томонлардан олинадиган ерларда янги бинолар / иншоотлар қуриш. Ушбу аралашувлар қуйидаги ҳолатлардан бирини ёки бир нечтасини келтириб чиқариши мумкин; i) шахс уйини/ бизнесини йўқотиши мумкин бўлган хусусий ерларни ўзлаштириш; ii) уй / мулкни бошқа жойга кўчириш ёки даромад манбаларини йўқотиш натижасида вақтинча жисмоний ёки иқтисодий кўчиш (йўқотиш); iii) яшаш манбаларидан (ўрмон, ферма ерлари) ёки жамоат жойларидан фойдаланишнинг чекланиши. КРАМ ерларни ўзлаштириш ва кўчириш таъсирини камайтириш ва компенсация қилиш чораларини тавсифлайди, улар эса Фаолият Принциплари (ФП) 4.12 ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жаҳон Банки томонидан тасдиқланган.

Ижтимоий Ҳимоя юмшатиш чора-тадбирлари лойиҳа доирасида юзага келиши мумкин бўлган ерларни ўзлаштириш ва бошқа жойга кўчириш каби таъсирларга қаратилган. Юмшатиш чоралари ҳар қандай сублойиҳаларни қуриш / тиклаш даврида аҳолига

ноқулайликлар туғдириш, тирикчиликни бузиш ва коммунал хизматлар / муассасаларга киришни чеклаш каби натижаларга олиб келадиган ҳаракатларни чеклашни талаб этади. КРАМ амалга ошириш жараёнида ҳал қилиниши керак бўлган талабларни баён қилади, жумладан:

- Хусусий ерларни ўзлаштиришни олдини олинг ва/ёки уни минималлаштириш;
- Уйларни, корхоналарни ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ишлаб чиқариш майдонларини бошқа жойга кўчиришни олдини олиш;
- Мусодара қилиш/кўчиришнинг юзага келиши мукин бўлган иқтисодий ва ижтимоий таъсирини баҳолаш
- Зарар кўрган шахсларни категорияларини ва уларга тегишли ҳуқуқларни аниқлаш
- Жабрланган шахсларга уомпенсация қилиш бўйича ҳуқуқлари ва уларнинг шикоятларни кўриб чиқиш механизмларига бўлган ҳуқуқи тўғрисида маълумот бериш
- Агар вақтинчалик кўчиришга тўғри келса, дахлдор шахслар билан уларнинг имкониятлари тўғрисида маслаҳатлашиш ва уларни режалаштириш жараёнига кўшиш, айниқса заиф шахсларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш
- Йўқотилган мулкларни тўлиқ қийматида компенсация қилиш
- Билвосита таъсирлар ва етказилган зарарларни, шу жумладан кўчириш пайтидаги қийинчиликлар ва вақтинчалик жойлаштириш давомидаги кўмакни компенсация қилиш
- Ердан ҳуқуқсиз фойдаланувчиларни йўқолган мулклари учун компенсация қилиш ва агар керак бўлса, бошқа жойга кўчиришда ёрдам бериш
- Курилиш ишлари бошланишидан олдин ҳуқуқларга эга бўлган барча шахсларни компенсациялаш ва мусодара қилинадиган ерлардан қонуний фойдаланиш ҳуқуқини олиш
- Аралашувлардан олдин жамоатчилик маслаҳатлашувларини ўтказиш ва жабрланган одамларнинг иштирокини таъминлаш
- Жабрланган томонларга лойиҳа билан боғлиқ норозилик / шикоятларини етказиш имкониятини берадиган Шикоятларни кўриб чиқиш механизмини (ШКЧМ) яратиш

#### **7.4 Режалаштириш ва тайёрлов жараёнида хавфсизлик чоралари**

**Экологик ва Ижтимоий Баҳолаш** ЛАОГ ва ЯБХИК экологик ва ижтимоий ҳимоя чораларининг барча воситалари ва 1а компонентининг сублойиҳалари учун тегишли бошқа ҳужжатларни тайёрлаш учун жавобгардир. ЛАОГ Атроф-муҳит ва Ижтимоий Бошқарув Лойиҳасини (1-илова) ишлаб чиққан бўлиб, унда лойиҳа билан боғлиқ экологик ва ижтимоий хавф-хатарлар ва кўнгилсизликлар, умуман лойиҳа ва жойга хос экологик ва ижтимоий скрининг ва баҳолаш жараёни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг тартибга солиш талаблари ва лойиҳани амалга ошириш учун ташкилий чоралар тавсифланади.

Махсус инвестиция фаолияти атроф-муҳитга ўртача таъсир кўрсатиши кутилмоқда, уларнинг муддати ва қамрови чекланган бўлиб, ишни самарадор юритишнинг стандарт усуллари ва тартиблари, яхши муҳандислик амалиёти билан оқибатлари осонликча юмшатилиши мумкин ва Б категория ҳимоя чораларига тегишли кўнгилсизликлар ва рисклар даражасига мос келади. Лойиҳада ҳеч қандай А Категорияга мансуб тадбирлар молиялаштирилмайди. Лойиҳанинг АМИБЛ га мувофиқ, ЛАОГ ва ЯБХИК жой учун махсус экологик баҳолашни ўтказиш учун жавобгардир ва уни жойга тегишли Атроф-муҳит ва Ижтимоий Бошқарув Режаларида (АМИБР) ёки унинг АМИБР назорат рўйхати деб номланган қисқача таҳририда, жойга тегишли мувофиқ юмшатиш чоралари билан бирга, аниқ кўрсатади.

Режалаштириш ва тайёргарлик босқичида ЛАОГ ва ЯБХИК томонидан учта муҳим ҳаракатлар амалга оширилиши кутилмоқда: 1) танланган сублойихаларни Атроф-муҳит ва Ижтимоий Скрининги; 2) Манфаатдор томонлар билан очик суҳбатлар; ва 3) Ҳимоя чоралари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш.

#### **а. Экологик ва Ижтимоий Скрининг**

ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ билан биргаликда экологик баҳолашнинг тегишли даражаси ва турини аниқлаш учун ҳар бир қишлоқда танланган сублойихаларни экологик ва ижтимоий скринингини ўтказди. Бу атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган таъсирнинг тури ва ҳажмини аниқлашга ва ушбу сублойихани қайси экологик категорияга тегишли эканлигини аниқлашга имкон беради.

Умуман олганда, таъсирларнинг аҳамияти ва натижада юзага келадиган ЭБ ни таснифлаш сублойиханинг *тури* ва *қўламига*, унинг *жойлашишига*, экологик муаммоларнинг *сезгирлигига* ва юзага келиши мумкин бўлган таъсирларнинг *табиати* ва *ўлчамига* боғлиқ бўлади.

**Лойихаларнинг тури ва қўлами.** "Аҳамиятли" таъсирга эга ва А категория га мансуб деб таснифланадиган лойихалар қуйидаги таъсирларга сабаб бўлади (а) аҳоли сонига, шу жумладан аҳоли пунктлари ва маҳаллий жамоаларга сезиларли таъсир кўрсатиш (б) экологик аҳамиятга эга ҳудудларни, шу жумладан, ботқоқ ерлар, табиий ўрмонлар, ўтлоқлар, ва бошқа "муҳим" табиий яшаш жойлари ва экотизим хизматларини ўзгартириш; (в) ҳавонинг, сувнинг ёки тупроқнинг емирилишига, турларни ва "муҳим" яшаш муҳитларини хавф остида қолдиришга сабаб бўладиган даражадаги етарлича катта тўғридан-тўғри ифлослантирувчи чиқиндилар ажратиш; (г) жойларни ва/ёки теварак-атрофни катта ҳажмдаги жисмоний бузилиши; (д) ўрмон ва бошқа муҳим табиий яшаш жойларининг, шу жумладан тупроқ ости ва усти, сув ости ва усти экотизимлари катта қисмини қазиб олиш, эҳтиёжга ишлатиш ёки қайта ишлаш; (е) гидрологик циклни ўлчаб бўладиган модификацияси; (ё) тасодифий микдордан кўпроқ хавфли материаллар; ва (ж) одамларни мажбурий равишда бошқа жойга кўчириш ва бошқа муҳим ижтимоий бузилишлар. ҚИРЛ учун, бундай таъсирга эга бўлган А категорияли лойихалар, сублойихани қўллаб-қувватлашга йўл қўйилмайди.

**Жойлашган жой.** Лойихани "А" категория сифатида танлашга қарор қилишда эътиборга олиш керак бўлган бир қатор жойлар мавжуд: (а) таъсирчан ва аҳамиятли экотизимлар ва "муҳим" яшаш жойлари - арча ўрмонлари, ботқоқ ерлар, ёввойи ерлар, ҳимоясиз тупроқлар ва алоҳида йўқолиб бораётган ноёб ва эндемик турларнинг яшаш жойлари ва уларнинг атрофлари; (б) археологик ва/ёки тарихий жойлар ёки мавжуд маданий ва ижтимоий муассасалар жойлашган ҳудудда ёки унинг яқинида; (в) аҳоли зич жойлашган жойларда, кўчириш талаб этиладиган ёки ифлосланишнинг юзага келиши мумкин бўлган таъсири ва бошқа бузилишлар жамоаларга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳудудлар; (г) жадал ривожланиш билан шуғулланадиган ёки табиий ресурсларни тақсимлаш бўйича низолар бўлган ҳудудларда; сув оқимлари бўйлаб, сув қатлами зарядланадиган жойларда ёки ичимлик суви учун ишлатиладиган сув омборларида; ва қимматбаҳо ресурсларга эга бўлган ерларда ёки сувларда (балиқчилик, минераллар, доривор ўсимликлар, қишлоқ хўжалигининг яхши тупроқлари). Бундай ҳудудлар яқинида жойлашган сублойихалар А категорияли лойихалар қаторига киритилади ва ҚИРЛ томонидан қўллаб-қувватланмайди.

**Таъсирчанлик.** Таъсирчан масалалар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: (лекин шу билан чекланмайди): ботқоқ ерларни ўзгартириш, йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларнинг яшаш жойларига, шунингдек қўриқланадиган ҳудудлар ёки жойларга мумкин бўлган салбий таъсирлар, мажбурий кўчириш, халқаро сув йўлларига ва бошқа трансчегаравий муаммоларга таъсир ва захарли чиқиндиларни йўқ утилизацияси. **Ўлчам.**

Ўлчамни ўлчашнинг бир қанча усуллари мавжуд, масалан ресурс ёки экотизимнинг таъсирланган мутлақ миқдори, ресурс ёки экотизимнинг мавжуд захирасига нисбатан таъсирланган миқдори, таъсирнинг интенсивлиги, унинг вақти ва давомийлиги. Бундан ташқари, маълум бир таъсирнинг пайдо бўлиши эҳтимоли ва таклиф қилинган ҳаракатнинг ва бошқа режалаштирилган ёки давом этаётган ҳаракатларнинг кумулятив таъсири ҳисобга олиниши керак. Таклиф қилинаётган сублойихаларнинг қўламини инобатга олган ҳолда, уларнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсири ўлчами кам бўлиши кутилмоқда. Шунинг учун улар Б ёки С категорияларига мансуб сублойиха сифатида классификацияланади ва ҚИРЛ томонидан қўллаб-қувватланишга лаёқатли ҳисобланади.

Сублойиханинг лаёқатлилиги учун дастлабки скрининг текшируви истисно қилинган тадбирлар рўйхатига асосланади (ЛАОҚ нинг 19-бетига ва АМИМЧБАМ нинг 7-иловасига қаранг), бу рўйхатдагиларга ЖБ томонидан руҳсат берилмайди. Шу сабабли ушбу тадбирларни ўз ичига олган сублойиха таклифлари молиялаштириш учун кўриб чиқилмайди.

Сублойиханинг тақиқланган тадбирлар рўйхатига кирмаслиги тасдиқлангандан сўнг, миллий қонунчилик ва ЖБ сиёсати талабларига асосланиб, экологик ва ижтимоий таъсир ва мажбурий кўчириш юзага келиш эҳтимоллигини тезкор баҳолаш амалга оширилади ва АМИБЛ 13-иловасида келтирилган скрининг шакли тўлдирилади. Сублойиханинг фаолияти А категориясидаги лойихалар учун ЖБ мезонларига қарши текширилади. Шу мақсадда ижтимоий масалалар бўйича скрининг текшируви рўйхати ҳам тўлдирилиши керак (АМИБЛ нинг 112-бетига қаранг).

7.2 - жадвал ҚИРЛ сублойихалари сифатида таклиф қилиниши мумкин бўлган турли фаолият турлари, шунингдек турли хил экологик категориялар ва уларнинг ҳар бири учун тавсия этилган ЭБ воситаларига оид кўрсатмалар беради.

### 7.2 - жадвал. Таклиф қилинаётган сублойиха турлари учун категориялар скрининги

Т/р	Лойиха фаолияти	Таклиф этилган категория		Изоҳлар	Таклиф этилаётган АМТБ воситаси	Миллий қонунчилик талаблари
		ЖБ	Миллий			
1	Кўча ёритилишини модернизация қилиш; Мавжуд устунларни таъмирлаш Агар зарур бўлса, янги устунларни ўрнатиш; Лампочкаларни алмаштириш;	В паст хавф билан	АМТБ учун рўйхатга киритилмаган (-)		Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди Меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлиги (ММТХ) талабларини шартномаларга киритиш	-
2	Истироҳат боғлари, ўйин майдончалари ва бошқа жамоат жойларини ободонлаштириш	В паст хавф билан	(-)	Фақат кичик қурилиш ишларини жалб қилиш	Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди	-
3	Шаҳарлараро транспорт: автовокзал ва бекатларни қуриш / реконструкция қилиш;  Автомобиллар учун тўхташ жойларини қуриш;  Кўча чироқлари ва йўл белгиларини ўрнатиш	В (паст хавф)  В (паст хавф)  С	4 <sup>4</sup> категория, (параграф 17)  4 (п7)  -		АМИБР назорат рўйхати  АМИБР назорат рўйхати  Экологик назорат анкетасини	Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза лойиха (АМТТАЛ)  АМТТАЛ -

<sup>4</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 491 - сон қарорига илова (2001) (152-сон билан ўзгартиришлар киритилган (2005) "Экологик экспертиза тўғрисидаги Низом" (2001)

					тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди . Шу жумладан Меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлиги (ММТХ) талаблари шартномаларда	
4	<p>Йўлларни таъмирлаш</p> <p>Мавжуд йўлларни кенгайтириш (ROW доирасида);</p> <p>Йўл юзасини тиклаш</p> <p>Велосипед йўлакларини қуриш;</p> <p>Пиёдалар йўлларини тиклаш</p>	<p>В (паст хавф)</p> <p>В (паст хавф)</p> <p>С</p> <p>С</p> <p>С</p>	-		<p>Йўлларни тиклаш учун АМИБР назорат рўйхати</p> <p>Йўлларни тиклаш учун АМИБР назорат рўйхати</p> <p>Яхши амалиётдан кейин</p> <p>Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди</p> <p>Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди</p>	-
5	<p>Мостларни тиклаш</p> <p>Кичик янги кўприklar, шу жумладан пиёдалар йўлакларини қуриш</p>	<p>В (паст хавф)</p> <p>В (паст хавф)</p>	3 (п1)		<p>АМИБР назорат рўйхати</p> <p>АМИБР назорат рўйхати</p>	<p>АМТТАЛ и ЭОТАЛ</p> <p>-</p>
6	<p>Дренажни кенгайтириш;</p> <p>Мавжуд дренажларни кенгайтириш;</p> <p>Мавжуд дренажларни тиклаш;</p> <p>Янги саёз қудуқларни бурғулаш / насосларни ўрнатиш билан сув тошқини таъсирини камайтириш учун мавжудларини тиклаш</p>	<p>В (паст хавф)</p> <p>В (паст хавф)</p> <p>С</p> <p>С</p>	<p>4 (п17)</p> <p>4 (п3)</p> <p>4 (п27)</p> <p>4 (п27)</p>		<p>АМИБР назорат рўйхати</p> <p>АМИБР назорат рўйхати</p> <p>Экологик назорат сўровномасини тўлдиргандан ва яхши қурилиш амалиётларидан сўнг ҳеч қандай иш қилинмайди</p> <p>Экологик назорат сўровномасини тўлдиргандан сўнг ва яхши амалиётларга риоя қилингандан кейин ҳеч қандай</p>	<p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p>

7	<p>Сув таъминоти тармоқларини кенгайтириш ва тиклаш</p> <p>Янги чуқур сув кудуқларини бурғулаш</p> <p>Сув омборларини қуриш / реконструкция қилиш</p> <p>Юқоридаги сув резерви танклари</p> <p>Насос станцияларини қуриш ёки реконструкция қилиш</p>	<p>В</p> <p>В (паст хавф)</p> <p>В (паст хавф)</p> <p>В (паст хавф)</p>	<p>4 (п27)</p> <p>4 (п27)</p> <p>4 (п3)</p> <p>4 (п3)</p>	<p>Янги асосий (магистрал) сув қувурлари қурилганда</p>	<p>иш қилинмайди</p> <p>Лойиҳанинг жойлашуви ва қўламининг экологик таъсирчанлигига қараб-оддий ЭТБ ва / ёки АМИБР ёки АМИБР назорат рўйхати</p> <p>АМИБР назорат рўйхати, Экологик назорат сўровномасини тўлдиргандан сўнг ва яхши амалиётларга риоя қилингандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди,</p> <p>Экологик назорат сўровномасини тўлдиргандан сўнг ва яхши амалиётларга риоя қилингандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди,</p> <p>АМИБР назорат рўйхати</p>	<p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p>
8	<p>Канализация тармоқларини кенгайтириш ва тиклаш;</p> <p>Канализация насос станцияларини тиклаш</p> <p>Септик танклар</p> <p>Оқова сувларни тозалаш иншоотларини тиклаш</p>	<p>В</p> <p>В (паст хавф)</p> <p>С</p> <p>В</p>	<p>4 (п3)</p> <p>4 (п3)</p> <p>-</p> <p>3 (п2), чиқинди сув тозалаш иншоотининг қуввати 50 м3 / суткадан кам бўлса 2 (п15), чиқинди сувларни тозалаш иншоотининг қуввати м3 /</p>		<p>АМИТБ ва АМИБР</p> <p>АМИБР назорат рўйхати</p> <p>Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди</p> <p>АМИТБ ва АМИБР</p>	<p>АМТТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p> <p>-</p> <p>АМТТАЛ ва ЭОТАЛ</p>

			суткадан ошса			
9	<p>Қаттиқ чиқиндиларни бошқариш тизимлари:</p> <p>Қаттиқ чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини куриш</p> <p>Йиғиш пунктларини куриш</p> <p>Қаттиқ чиқиндилар полигонини такомиллаштириш</p>	<p>В</p> <p>В (паст хавф)</p> <p>В (паст хавф)</p>	<p>3 (п20)</p> <p>4 (п19)</p> <p>-</p>		<p>АМИТБ ва АМИБР,</p> <p>АМИБР</p> <p>АМИТБ ва АМИБР</p>	<p>АМТТАЛ и ЭОТАЛ</p> <p>АМТТАЛ</p> <p>-</p>
10	<p>Ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш:</p> <p>Ташқи эшик ва деразаларни таъмирлаш / алмаштириш, Ойналарни оптималлаштириш;</p> <p>Деворларни, ертўлаларни ва томларни иситиш;</p> <p>Мактаб бинолари ичидаги кичик ҳажмдаги таъмирлаш ишлари (масалан, деворларни бўяш, плиткаларни ётқизиш, кабел каналларини ўрнатиш, янги сув қувурларини ўрнатиш)</p> <p>Капитал таъмирлаш, шу жумладан, деворларни демонтаж қилиш / реконструкция қилиш (айниқса асбест изоляцияси ёки чойшаблари мавжуд бўлганда);</p> <p>Асбест томларини алмаштириш;</p>	<p>С</p> <p>С</p> <p>С</p> <p>С</p> <p>В</p>	<p>-</p> <p>-</p> <p>-</p> <p>-</p> <p>-</p>		<p>Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди</p> <p>Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди</p> <p>Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди</p> <p>АМИБР назорат рўйхати, шу жумладан асбестни бошқариш режаси</p> <p>АМИБР назорат рўйхати, шу жумладан асбестни бошқариш режаси</p>	<p>-</p> <p>-</p> <p>-</p> <p>-</p> <p>-</p>
11	<p>Маданий меросни тиклаш ва асраш</p>	<p>В (паст хавф)</p>	<p>4 (п17)</p>		<p>Кичик таъмирлаш ишлари учун - АМИБРдаги муайян жойга хос юмшатиш ва</p>	<p>АМТТАЛ</p>

					мониторинг тадбирлари; катта сақлаш ва реконструкция ишлари учун - махсус ЖМР бошқарув режаси	
12	Ерости ўтказгичлари (магистрал линиялар учун)	С	4 (п17)		Назорат рўйхати текширувидан сўнг, шартномалардаги ММТХ талаблари билан биргаликда	Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги ариза лойихаси
	Осилган электр кабеллари	С	4 (п17)		Юқоридаги билан бир хил	АМТТАЛ
	Янги электр тарқатиш трансформаторлари;	С	4 (п17)		Юқоридаги билан бир хил	АМТТАЛ
	Янги тарқатиш линияларининг қисқа бўлимларини ўрнатиш ёки эскирган устунларни алмаштириш	С	-		Юқоридаги билан бир хил	-
13	Коммунал ускуналар сотиб олиш; транспорт воситалари; ва бошқалар.	С	-		Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди	-
14	Иситиш тизимларини реконструкция қилиш, модернизация қилиш (иссиқлик манбаини алмаштириш ёки модернизация қилиш, масалан, ўчоқ, қозон ёки ташқи манбалар);	В	3, қуввати 5 м <sup>3</sup> / с дан кам бўлса	Қурилиш ишлари олиб борилганда	Қурилиш шартномаларида АМИБР назорат рўйхати ва ММТХ талаблари	АМТТАЛ ва ЭОТАЛ (фақат 3 тоифа учун)
	Биоларни модернизация қилиш ва изоляциялаш;	С	4 - 5 м <sup>3</sup> / с дан ортиқ		Экологик назорат анкетасини тўлдиргандан кейин ҳеч қандай иш қилинмайди	-
	Қуёш панелларини ўрнатиш;	С	-		Юқоридаги билан бир хил	-
	Таъмирланган йўллар остида эски иситиш қувурларини алмаштириш	В (паст хавф)	-		АМИБР назорат рўйхати	-
15	Давлат иншоотлари (ахборот марказлари; таъриф буюрувчилар марказлари; техник хизмат кўрсатиш объектлари; омборлар)	В (паст хавф)	4 (17)		АМИБР назорат рўйхати	Атроф муҳитга таъсири тўғрисидаги ариза лойихаси

	ни кичик ҳажмда қуриш)					
16	WiFi хизматларини кўрсатиш учун антенналарни ўрнатиш	С	-		Назорат рўйхати текширувидан сўнг, шартномалардаги ММТХ талаблари билан биргаликда	-

Скрининг натижалари АМИМЧБАМ нинг 5-иловасида келтирилган скрининг шаклида акс эттирилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- (a) "А" Категориядаги лойиҳалар ва I ва II миллий категорияларга киритилган лойиҳалар молиялаштиришдан чиқарилади.
- (b) Б Категориядаги сублойиҳалар – оддий АМИТБ ва/ёки оддий АМИБР га эга бўлиши керак, қуйида кўриб чиқинг.
- (c) С Категориядаги сублойиҳалар учун бошқа ЭБ ҳаракатлари талаб қилинмайди.

Юқорида айтиб ўтилган учта категориядаги таъсирнинг хусусиятини аниқлаш учун ижтимоий скрининг натижаси таҳлил қилинади ва кўриб чиқилади. Агар салбий ижтимоий таъсирлар минимал бўлса (вақтинча ва қурилиш билан боғлиқ) ва ерни ўзлаштиришни, бошқа жойга кўчириш (жисмоний кўчиб ўтиш) ёки фойдаланишни чеклашга олиб келмаса, бундай таъсирлар ва оқибатларни юмшатиш чоралари АМИБР нинг “Ижтимоий” қисмида тасвирланиши керак. Агар скрининг текшируви юқоридаги вазиятга олиб келадиган ва таъсири 200 дан кам одамга бўлган таъсирларни аниқласа, Қисқартирилган Кўчириш Ҳаракат Режаси (ҚКХР) тайёрланиши керак. Агар таъсир сезиларли бўлса ва 200 дан ортик кишига таъсир қилса, унда тўлиқ Кўчириш Ҳаракат Режаси тайёрланиши керак. Эътибор беринг, сублойиҳалар (А Категорияли) амалга оширишга лойиқ эмас ва ҚИРЛ томонидан молиялаштирилмайди, чунки экологик ва ижтимоий таъсир турлари жуда хилма-хил бўлиши мумкин, ҳамда таъсирлари ортга қайтмайдиган ва атроф-муҳитга ва одамларга жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

### **(б). Ҳимоялаш ҳужжатларини тайёрлаш**

ЛАОГ ва ЯБХИК 1а таркибий қисмининг сублойиҳаларини тайёрлаш пайтида жойга тегишли воситаларни тайёрлаш мажбуриятини олади. Бу АМИБР, ҚКХР, КХР ёки юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий ва экологик ва ижтимоий таъсирлар ҳамда юмшатувчи чораларни тавсифловчи ҳар қандай комплекс текширув ҳисоботи бўлиши мумкин. Ушбу ҳужжатларнинг ҳар бири ўзига хос дастурлар ва мавзуларга эга ва лойиҳа бўйича тайёрланган ва ошкор қилинган ҳужжатларнинг таркиб режаси ҳужжатлар доирасида (АМИБЛ ва КРАМ) келтирилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “Экологик ва Ижтимоий таъсирни тўлиқ Баҳолаш” талаб этиладиган лойиҳалар рўйхати кўрсатилган (АМИБЛ 6-иловаси).

Б Категориядаги лойиҳалар учун Экологик ва Ижтимоий таъсирларни Баҳолаш томонидан (ЭИТБ) (ЭИТБ ТВ учун АМИБЛ нинг 9-иловасига қаранг) юзага келиши мумкин бўлган экологик таъсирларни аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш, ҳамда АМИБР (АМИБР форматидаги АМИБЛ 10-иловасига қаранг) ёки АМИБР назорат рўйхати (кичик микёсдаги қурилиш ва тиклаш тадбирлари учун АМИБР назорат рўйхати билан АМИБЛ нинг 11-иловасига қаранг) доирасида лойиҳа дизайнига киритилиши мумкин бўлган юмшатиш чораларини аниқлаш талаб этилади. АМИБР мақсади салбий таъсирларни минималлаштириш, камайтириш ёки компенсация қилиш орқали мумкин бўлган

таъсирларни олдиндан кўриш ва лойиҳаларнинг экологик жиҳатларини яхшилашдир. Атроф-мухитга кам миқдорда зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва кичик ҳажмдаги қурилиш ва тиклаш инвестициялари хос бўлган Б тоифали лойиҳаларда оддий АМИБР назорат рўйхатлари қўлланилади.

Қурилиш ишларини лойиҳалаштириш ва ҳажмини аниқлаш тугалланганидан сўнг, ва агар хусусий ерларни ўзлаштиришни, мажбурий кўчиришни талаб қиладиган вақтинчалик ёки доимий таъсирлар ёки ФП 4.12 га хос таъсирлар мавжуд бўлса, КХР тайёрланади. КХР (лар) тегишли томонлар билан маслаҳатлашган ҳолда, КРАМ га мувофиқ тайёрланади. Лойиҳа таъсир кўрсатадиган мулкларни баҳолаш, КРАМ да кўрсатилганидек амалга оширилади. Жамоат муҳокамаси ва ЖБ ҳужжат лойиҳасини маъқуллашидан олдин, КХР (лар) лойиҳалари кўчирилган шахслар, маҳаллий ННТ лар ва бошқа тегишли томонларга улар учун тушунарли бўлган шаклда, услубда ва тилда тақдим этилади. Дахлдор жамоалар ва фуқаролик жамиятидан олинган мулоҳазаларни акс эттирувчи якуний КХР ҳам дахлдор ва манфаатдор томонларга тақдим қилинади.

Ҳужжатлар тайёрлангандан сўнг, улар маҳаллий даражада ошкор қилиниши керак. Қатнашувчи МФЙ лар тасдиқланган АМИБР / ҚКХР / КХР нусхасини жамоат жойларида ёки маҳаллий аҳоли кириши мумкин бўлган бинога жойлаштириш учун жавобгардир. Бундан ташқари, ЛАОГ тасдиқланган АМИБР ларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради. КХР (лар) ни оммавий ошкор қилиш жойларига ЛАОГ расмий веб-сайти, маҳаллий ҳокимият идоралари, маҳаллий ҳамжамиятлар, шунингдек ЖБ нинг веб-сайти киради. ЯБХИК қурилиш ишлари билан боғлиқ бўлган барча АМИБР /КХР чораларини қурилиш шартномалари бўйича талабгорларга тарқатиладиган тендер ҳужжатларига киритиш учун жавобгардир. КХР ни талаб қиладиган сублойиҳалар учун КХР тайёрланмагунча, ЖБ томонидан эътироз билдирилмаган ҳолатда, ва компенсациялар тўлиқ ҳажмда тўланмагунча ҳеч қандай қурилиш ишлари бошланмайди.

### **Ихтиёрий ер тортиқлари: мумкин ва мумкин эмас ҳолатлар**

Сублойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкалари кичик бўлган тақдирда, лойиҳа масъуллари ерларни тортиқ қилишда маҳаллий ҳамжамиятдан ёрдам сўраши мумкин. Бироқ, маҳаллий жамоа аъзолари ўзларининг ерларига ёки бошқа мол-мулкларига тўлиқ алмаштириш қийматида компенсация сўрамасдан ёки уларга берилмасдан ҳисса қўшиш ҳуқуқига эгадирлар. Ихтиёрий ёрдам бериш бу хабардор розилик далолатномасидир. таъсир остида бўлган ва ихтиёрий ҳисса қўшаётган шахс бошқа вариантлар мавжудлиги тўғрисида тўлиқ ва олдиндан маълумотга эга бўлишига (шу жумладан тўлиқ нархидаги компенсация) маҳаллий ҳокимликлар масъул ҳисобланади. Бунда кўнгилли ёрдам мажбурлаш ёки зўрлашсиз олинади. Шунингдек, таъсир остида бўлган шахслар бундай таъсирни келтириб чиқарадиган инвестицияларнинг бевосита бенефициарлари бўлса, ихтиёрий ҳиссага рухсат берилади. Якка тартибдаги мулкдорлар ёки фойдаланувчиларнинг даромадлари ёки турмуш даражаларига жиддий зиён етказадиган ихтиёрий ёрдамни ўз ичига оладиган таклифлар, тасдиқлаш учун тақдим этилмайди (ихтиёрий равишда берилган ерлар миқдори бу шахс умумий ер майдонининг 10 фоизидан ошмаслиги керак).

Хусусан, қуйидаги протокол лойиҳадаги ихтиёрий ҳиссаларни тартибга солади:

- Ихтиёрий ҳиссалар- бу розилик билдириш далолатномасидир ва таъсир остидаги инсонларни ерни ёки бошқа мол-мулкни, уларнинг ерларга эгалик ҳуқуқидан қатъий назар, тақдим этишга зўравонлик билан ёки улар шундай қилишга мажбур деб ишонтириб адаштириш орқали мажбурланмайди.
- Ерни ажратиб олиш жисмоний ёки иқтисодий жиҳатдан бошқа жойга кўчишга олиб келмаслиги керак.

- Таъсир кичик ҳажмда бўлиши керак. Ер ёки бошқа мулкни тақдим этувчи уй хўжаликлари суб-лойҳанинг бевосита бенефициарлари; таъсир кўлами уй хўжаликларига тегишли бўлган жами мулкларнинг 5% дан камроқ бўлиши керак.
- Ер участкаларини талаб қиладиган объектлар, махсус жой талаб қилмаслиги керак.
- Кўриб чиқиладиган ерлар босқинчилар, бузғунчилар ёки бошқа даъволар ва тўсиқларсиз бўлиши керак.
- Ерлар МТГ томонидан МФЙ билан келишилган ҳолда аниқланиши керак, аммо ЛАОГ ёки бошқа тармоқ агентликлари ёки лойиҳа маъмурлари томонидан эмас. Шу билан бирга, лойиҳанинг техник идоралари ернинг суб-лойиҳа мақсадларига мувофиқлигини ва суб-лойиҳа соғлиқ учун ёки атроф-муҳит учун зарарли таъсир кўрсатмаслигини таъминлаши керак.
- Ернинг ихтиёрий бериладиганини текшириш ҳар бир ер бераётган шахс/уй хўжалигида амалга оширилади. Бу имзоланган баёнотлар шаклида бўлиши керак. ЛАОГ вилоят ЭИС орқали, лойиҳанинг ЭИС ҳужжатларини кўриб чиқишда ҳадяларнинг ихтиёрийлигини аниқлаши ва бундай бўлмаган ҳолатлар ҳақида ЛАОГ Ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассисини хабардор қилиши керак.

ҚИРЛ фасилитаторлари ерларини ҳадя этган уй хўжаликларига миннатдорчилик ҳиссини изҳор этиш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик ўртасида хабардорликни оширадilar. Булар баёнотларда ўз ўрнини топади. Бошқа параметрлар тенг бўлганда, ер ҳадялари аёл бошлиқли ер хўжаликлари ва қариялар томонидан қабул қилинмайди.

Таъсир остидаги инсонлар ер ёки бошқа хусусий мулкни беришни рад қилиш ҳуқуқига эга эканликлари ва бунинг ўрнини қоплаш эвазига компенсация олиш ҳуқуқига эга эканликлари ва шикоятларни кўриб чиқиш механизми орқали ҳадя қилишни истамасликларини билдиришлари мумкинлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўладилар. Бундан ташқари, одамлар саволлари ёки талаблари бўлса, оғзаки ёки ёзма услубда шикоятларни кўриб чиқиш механизмидан фойдаланишлари тавсия этилади.

### **Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш**

Меҳнат хавфсизлигининг уч жиҳати муҳокама қилиниши керак: болалар меҳнати, мажбурий меҳнат, муҳожирлар меҳнати ва иш ҳақи. Лойиҳа ХМТнинг "муносиб меҳнат" тушунчасидан фойдаланади - бу эркин амалга ошириладиган, адолатли ҳақ тўланадиган, хавфсиз, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган ва инсон кадр-қимматини ҳурмат қиладиган, ҳамма учун тенг имкониятларни тақдим этадиган, ишчиларга бошқарув қарорларида овоз беришга имкон берадиган ва шахсий ривожланишни қўллаб-қувватлайдиган меҳнат. Муносиб меҳнатнинг ушбу фундаментал принциплари сублойиҳаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Мажбурий меҳнатни камайтириш чораларига танланган кишлоқларнинг вилоят ва туман ҳокимиятлари учун ижтимоий ишларда мажбурий меҳнатдан фойдаланишни қатъиян тақиқловчи миллий меҳнат қонунлари бўйича салоҳиятни ошириш киради. Шу мақсадда, ЛАОГ Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) мутахассислари ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (БММВ) меҳнат назоратчилари билан ҳамкорлик қилиб қуйидагиларни амалга оширади: (i) ҳокимликлар ва МФЙ аъзоларига меҳнат амалиёти бўйича мунтазам равишда тренинглари ўтказиш; (ii) кузатиш ва аниқланган ҳар қандай ҳолатлар тўғрисида ҳисобот бериш; ва (iii) меҳнат ҳуқуқлари, амалиётлар ва шикоятларни кўриб чиқиш тизимлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича ишларни амалга ошириш. Лойиҳанинг ШКЧМ орқали юборилган мажбурий меҳнат ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва тергов жараёнини осонлаштириш учун ЛАОГ БММВ Меҳнат инспекцияси билан ички алоқа каналини тузади.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг хавфлари ХМТ нинг Ўзбекистондаги учинчи томон мониторинг дастуридан, шу жумладан қишлоқ хўжалигига таъсир кўрсатувчи сублойхаларни мониторинг қилиш ва мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай аломатлари мавжудлигини аниқлаш учун маҳаллий ҚК ни жалб қилиш ва бундай ҳолатлар тўғрисида БММВ Меҳнат инспекцияси томонидан бошқариладиган ҳукуматнинг ўзаро алоқа механизми орқали хабар бериш тизимларига таяниб камайтиради. Лойиҳа ХМТ томонидан ишлаб чиқилган материалларидан лойиҳа бенефициарларининг болалар ва мажбурий меҳнат тўғрисида хабардорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ҳисобот бериш учун фойдаланади. Бенефициарлар шунингдек, болалар ва мажбурий меҳнатга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар бериш учун Лойиҳанинг ШКЧМ дан фойдаланишлари мумкин.

## **в. Жамоатчилик билан маслаҳатлашиш**

Жамоатчилик маслаҳатлари хавфсизлик чораларини режалаштириш ва амалга оширишнинг ажралмас қисмидир. ЛАОГ нинг вилоят экологик ва ижтимоий мутахассиси, ҚИРЛ фасилитаторлари ва ЯБХИК, АМИБР тугатилишидан олдин таъсирга учраган одамлар ва жамоа гуруҳлари билан камида битта жамоат консултациясини ташкил қилиш учун жавобгардир. Одатда, ушбу гуруҳлар фаолият жойи яқинида яшайдиган одамлардан ва ҳар қандай маҳаллий фуқаролик жамияти ташкилотларидан (ФЖТ лар) иборат. Жамоатчилик маслаҳатининг мақсади зарар кўрган ҳамжамият гуруҳларини фаолият тўғрисида хабардор қилиш ва уларга амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий экологик ёки ижтимоий таъсирлар ҳақида ўз фикрларини билдириш имкониятини беришдир. Жамоатчилик маслаҳати натижасида кўтарилган ҳар қандай қонуний масала жамоат муҳокамаси йиғилишининг баённомасида ва лойиҳа БАТ ида акс эттирилиши керак ва муайян лойиҳа жойлари учун АМИБР ва умуман лойиҳа учун АМИБЛ ҳужжатининг бир қисми бўлиши керак.

## **7.5 Қурилиш ва амалга ошириш босқичида хавфсизлик чоралари**

Хавфсизлик чора-тадбирларининг режаларга биноан тадбиқ қилиниши ҳам ўта муҳимдир. ЛАОГ атроф-муҳит ва ижтимоий хавфсизлик ходимлари ЯБХИК ва пудратчилар билан ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритишлари ҳамда экологик ва ижтимоий енгиллаштириш чора-тадбирларини назорат қилиб боришлари талаб қилинади. Амалга ошириш ишлари давомида, ЛАОГ АМИБЛ да кўрсатилган чора-тадбирларнинг барчасини ижро этилишига ишонч ҳосил қилиниши учун, умумий назорат олиб борилишига масъул бўлади. ЛАОГ Туман ҳокимликлари, ҚИРЛ фасилитаторлари ва МТГ лар билан ҳамжиҳатликда, АМИБЛ нинг 14 бобига мувофиқ равишда ишлаб чиқиладиган Мониторинг Режасига кўра қурилиш ва амалиёт босқичларида атроф-муҳит мониторинги ўтказилади.

ЯБХИК томонидан танланган пудратчилар қурилиш даврининг бошидан то охирига қадар АМИБР ни мувофиқ сублойхалар ижроси учун тадбиқ қилиниш жараёнларига ҳамда атроф-муҳит ва ижтимоий ҳимоя чоралари меъёрларидан четга чиқилмаслиги таъминланиб борилишига жавобгар бўлади. Барча пудратчилар атроф-муҳитга оид йўриқномаларни ўзларининг алоҳида лойиҳаларининг молиявий талабнома ва шартномаларида кўрсатиб ўтишлари, қолаверса, ишларни ташкил этишда экологик жиҳатдан мувофиқ техник меъёрлар ва амалиётлардан фойдаланишлари талаб қилинади. Пудратчиларга бериладиган иш ҳақи якуний назоратга боғлиқ бўлиб, айти пайтда асосий эътибор бинони қайта тиклаш ишларидан сўнг уни дастлабки кўринишига қай даражада мос келиши талабига қаратилинади. Бундан ташқари, шартнома бандлари энергия самарадорлиги, қурилиш ва соғлиқни сақлаш соҳаларига оид миллий меъёрий ҳужжатлар ва атроф-муҳит ҳимоясига алоқадор хавфсизлик чора-тадбирлари қонун-қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. ҚИРЛ фасилитаторлари МТГ ларга пудратчига қўйилган талаблар мониторингида кўмаклашади.

Тасдиқланган ҳолларда, Б тоифали сублойихалар, агар бунга зарурат бўлса ЛАОГ ва маҳаллий

экология/атроф-муҳит нозирлари томонидан вақти-вақти билан текшириб борилади. ЛАОГ таъмирлаш/қурилиш ишлари аввалида, давомида ва унинг якунида объект текширувларини АМИБРда кўрсатилган шартларга тўлиқ жавоб бериши ва олдини олиш амалиётлари ва/ёки тартибга солувчи чора-тадбирлар тадбиқ қилинганлигини тасдиқлаш мақсадида объект текширувлари ўтказилади. Бу каби маълумотлар ЛАОГ ва Банкка лойиҳа назоратининг бир қисми бўлган тартибга солиш ишлари самарадорлигини баҳолаш имконини беради ва зарурат туғилганда керакли чоралар кўрилишига йўл очади.

Ўзининг экологик ва ижтимоий мониторинг амалиётларининг бир қисми ўлароқ, ЛАОГ лойиҳа объектларида навбатдан ташқари текширишлар ўтказиши мумкин. Улар ўз навбатида кўрилатган чоралар самарадорлиги ва сублойиҳа амалиётларининг атроф-муҳитга таъсирини аниқлашга қаратилган бўлади. Шунингдек, ЛАОГ шикоятлар ва бошқа мулоҳазаларни, қолаверса, экологик ва ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни кўриб чиқиш, ҳал қилиш ва назоратга олиш ишларига ҳам масъулдир.

ЛАОГ АМИБР ҳисоботи учун масъул бўлади ва:

- Лойиҳа давомида унинг назорати ва мониторинги натижаларини қайд қилиб таъминлаб боради. У АМИБР ижросининг ривожига ҳақида жорий ҳисоботлар ва сублойиҳарнинг хавфсизлик чора-тадбирлари масалалари бўйича Жаҳон Банки га ҳар ярим йилда ҳисоботлар тақдим қилиб бориши, Бундан ташқари, ушбу ҳисоботларнинг бир қисми бўлган, ҚИРЛ га алоқадор қабул қилинган, кўриб чиқилган ва кейинга қолдирилиши мумкин бўлган ҳар қандай шикоят/мурожаатлар бўйича энг сўнгги маълумотлар билан ҳам таъминлаб туриши керак.
- ШКЧМ ҳолати бўйича ҳар чорак учун ҳисоботлар тайёрлайди.
- АМИБР томонидан алоҳида сублойиҳалар учун таклиф қилинган чора-тадбирлар ижросидаги силжишлар бўйича ҳар ярим йил учун ҳисоботлар тайёрлайди;
- Сублойиҳалар ижроси давомида келиб чиқувчи экологик ва ижтимоий таъсирлар бўйича ҳар ярим йил учун ҳисоботлар тайёрлайди ва салбий оқибатларни камайтиришга қаратилган юмшатиш чора-тадбирларининг самарадорлигини таҳлил этади;
- Пудратчиларнинг экологик ва ижтимоий муҳофаза ва енгиллилаштириш чора-тадбирлари ҳисоботлари учун режалар ва талаблар ишлаб чиқади ҳамда пудратчининг мониторинг режаси ва ҳисоботларини кўриб чиқади
- Кенг жамоатчилик учун махсус нашрлар ёки/ва йиллик жамоатчилик семинарлари орқали экологик ва ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари натижаларини тақдим этади.

**Лойиҳани тадбиқ қилиниши ва ЭИБ мажбуриятлари.** Қуйидаги субъектлар ҚИРЛ тадбиқ қилинишида муҳим аҳамият касб этади: (а) ЛАОГ; (б) ЯБХИК (с) ҚИРЛ фасилитаторлари (КХ лар ёки ЛАОГ томонидан сафарбар қилинган); ва (д) МТГ лар. Бошқа жалб қилинувчи тарафлар қуйидагилардан иборат: Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси (ЭМК) ЯБХИК ва МФЙ лар билан ўзаро шартнома асосида ишлайдиган лойиҳа институтлари ва компаниялар.

1а Компоненти инвестициялари масаласида ЛАОГ қуйидагилар учун жавобгар:

- Сублойиҳани экологик нуқтаи назардан яроқли эканлигини аниқловчи атроф-муҳит текшируви ва баҳолаш ўтказишга
- ЭИТБ ва хавфсизлик анжомларини кўриб чиқиш ва тасдиқлашга

- Лойиҳага жалб қилинганлар ва жамоятчилик шикоятлари ва мурожаатларини, шу жумладан сублойиҳаларнинг экологик/ижтимоий таъсирларига алоқадор арзларни кўриб чиқишга
- АМИБР да белгиланган атроф-муҳит муҳофазаси ва тартибга солиш чора-тадбирлари устидан (мустақил ёки Давлат экология инспекцияси билан биргаликда) Назорат ўрнатишга
- Сублойиҳани амалга ошириш умумий мониторингининг бир қисми сифатида экологик таъсирлар мониторингини олиб боришга
- Сублойиҳаларни амалга ошириш мобайнида юзага келган экологик ва ижтимоий таъсирлар бўйича ҳисобот беришга ва салбий оқибатларни юмшатиш учун энгиллаштирувчи чора-тадбирлар самарадорлигини таҳлил қилишга.

*ҚИРЛ фасилитаторлари (ННТ бўлган Кўмакдош ҳамкор ёки ЛАОГ томонидан ёлланган) куйидагиларга жавобгар бўлади:*

- Хавфсизлик чора-тадбирларини жорий этилиши ва роя қилиниши бўйича МТГ лар ва МФЙ ларни таёрлаш ва кўникмаларини ошириб боришга
- Таклиф қилинган сублойиҳаларнинг маън/истисно қилинган фаолият турларини инobatга олган биринчи босқич текширувини ўтказишга;
- МТГ ларга Атроф-муҳит назорати жадвалининг 1-Бўлинмасини тўлдиришида ёрдамчи бўлишга;
- МТГ лар ва жамоатчилик вакилларини аниқланган экологик ва ижтимоий хатарларни юмшатишнинг муқобил йўллари ва вариантларига оид маълумотлар билан таъминлаб боришга
- Курилиш давомида хавфсизлик чора-тадбирларини тадбиқ қилиш мониторингида МТГ ларга ёрдамлашишга ва муаммолар/қоида бузилиш ҳоллари тўғрисида ЛАОГ ва ЯБХИК ка хабар қилишга.

*ЯБХИК куйидагилар учун жавобгар:*

- Лойиҳа маслаҳатчиларини ЭИТБ ўтказишига эришишга ва талаб қилинган хавфсизлик чоралари аномларини ТВ га мувофиқ равишда тайёрлаб қўйишга;
- ЭИТБ ва хавфсизлик чоралари анжомларини ЛАОГ га кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этишга
- Экологик баҳолаш (ЭБ) бўйича ваколатли органлари билан алоқа ва координация қилиш (Экология ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси)
- Сублойиҳаларни амалга ошириш мобайнида АМИБР ва АМИБР назорат рўйхати талабларини тўғри тадбиқ қилинишини таъминлашга
- Лойиҳага жалб қилинганлар ва жамоятчилик шикоятлари ва мурожаатларини, шу жумладан сублойиҳаларнинг экологик/ижтимоий таъсирларига алоқадор арзларни кўриб чиқишга
- АМИБР да белгиланган атроф-муҳит муҳофазаси ва тартибга солиш чора-тадбирлари устидан (мустақил ёки Давлат экология инспекцияси билан биргаликда) Назорат ўрнатишга

*ЎРХ нинг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси (ЭМК) барча молия лойиҳалари Давлат Экологик Экспертизаси учун масъул ва фаолият сиёсатини шакллантириш ва текширув мажбуриятларини ўз ичига олган кенг қамровлли ваколатларга эга. ЭМК Вилоят, шаҳар ва туман миқёсида бўлинмаларига эга ҳамда улар Экология Муҳофазаси Бошқармалари (ЭМБ лар) шаклида бўлиб, ҳар бир шаҳар ёки туман Ҳокимияти (маҳаллий бошқарув) таркибига киради. Қўмита таркибидаги кичик бир бўлинма ЭИТБ лар ва ДЭЭ ларни тайёрлаш ишларини олиб бориш ва бошқариш учун маъсул қилиб қўйилади.*

*Шартномаларга эга компаниялар* лойиҳа ва қурилиш/таъмирлаш/монтаж каби жисмоний ишларни Ўзбекистон экология меъёрлари, регламентлари ва талабларига мувофиқ тарзда йўлга қўйишга жавобгар бўлади. Шунингдек, улар АМИБР лар назорат рўйхатиغا киритилган пунктларни тўлиқ ижро этилиши учун ҳам масъулдирлар.

#### **а. Жойларда хавфсизлик чора-тадбирларини бошқариш**

Ҳар бир хавфсизлик чоралари режасининг амалга ошириш ишларининг жадвали ЛАОГ, ЯБХИК ва иштирокчи Ҳокимиятлар (зарурат туғилса соҳага алоқадор бўлинмалари) ўртасида мувофиқлаштириб олиниши лозим. Хусусан, тарафлар қурилиш ишларининг бошланиш ва якуний саналари, тугалланган амалиётларни КХР ларга топшириш жадвали ҳамда КХР лар томонидан фойдаланилган ер/воситалар/хизматларга эгалик масалаларини муҳокама қилишади. Ҳар қандай лойиҳа фаолиятини бошлаш олдида ЛАОГ барча Кўчирилаётган Бинолар Эгаларига (КБЭ), ўз навбатида, КРАМ ларга асосан тасдиқланган ва нашр этилган КХР ларга мувофиқ тарзда оқилона компенсация (бадал) суммалари ажратиши керак. Кўчириш/ерни ўзлаштириш ишлари бажарилмай ва КБЭ ларга КРАМ даги кўрсатмаларга биноан тўлиқ бадал берилмай туриб, ҳеч қандай қурилиш ишлари бошланмайди. Жисмоний/иқтисодий кўчиш ва кўчиб ўтиш ҳолларида Лойиҳа КХР нинг бир қисми сифатида бюджет тайёрлайди, уни ушбу дастур остидаги пул ажратилиниши керак бўлган бошқа исталган фаолият сингари административ ва молиявий бошқарув қоидалари ва қўлланмалари ёрдамида молиялаштиради. Аммо, тўлов ва бадал пули учун жавобгарлик ва бошқа ёрдам турларини амалга ошириш мижоз зиммасига юкланади (КРАМ га қаранг).

Амалга ошириш ишлари мобайнида, ЯБХИК қурилиш объектларида ҳар ойда камида бир марта бўлиб, атроф-муҳит ва ижтимоий хавфсизлик чора-тадбирлари талаблари мувофиқлигини мониторинг қилиши кўзда тутилган. Муаммоли масалалар аниқланган ҳолларда объектларда кўпроқ бўлиш талаб қилиниши мумкин. Агар фаолият юритиш билан боғлиқ жиддий экологик ва ижтимоий муаммолар мавжуд бўлса, ЛАОГ фаолият босқичи мобайнида ҳам назоратни давом эттиради. Даставвал, объектларга ҳар ой чиқишлар ташкил этилиши, агар жараён муаммоларсиз кетаётган бўлса, назорат оралиғи ҳар квартал учун бир бор ва ниҳоят бир йилда бир марта бўлиши мақсадга мувофиқдир.

#### **б. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми**

Лойиҳа ҳамкорлари ва фуқаролар лойиҳа Шикоятларни кўриб чиқиш механизми (ШКЧМ) орқали шикоятлар, изоҳлар бериши ва ҚИРЛ га алоқадор ташвишли масалаларни кўтариши мумкин. Лойиҳанинг ШКЧМ билан батафсил танишиш учун шикоятларни кўриб чиқиш қўлланмасига қаранг (Илова 4).

#### ***Жаҳон Банки Шикоятларини Кўриб Чиқиш***

Жаҳон Банки Шикоятларни кўриб чиқиш хизмати (ШКХ) Ўзбекистон ҚИРЛ учун ўрнатилган ШКЧМ ларидан алоҳида. Жаҳон Банки иштирокидаги лойиҳаларнинг таъсиридан безовта гуруҳлар ва шахслар лойиҳа даражасида фаолият кўрсатаётган шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари ёки ЖБ нинг ШКХ га арз қилишлари мумкин. Лойиҳага алоқадор масалалар ҳал этилиши учун ШКХ қабул қилинган арзномаларни тезкор кўриб чиқилишини кафолатлайди.

Лойиҳанинг таъсиридан безовта гуруҳлар ва шахслар ўзларининг шикоятларини ЖБ нинг мустақил инспекция дарчасига йўллашлари мумкин. У эса ўз навбатида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган зарар Жаҳон Банки сиёсати ва амалиётларига номувофиқлик оқибатида содир этилган/этилмаганини аниқлайди. Шикоятлар муаммолар келиб чиққач

қанча муддат ўтганидан қатъий назар, тўғридан-тўғри Жаҳон Банки эътиборига ҳавола қилиниши ва Банк бошқарувиغا жавоб қилиши учун имконият берилиши лозим.

Жаҳон Банкининг корпоратив ШКХ шикоятлар юбориш бўйича маълумот қуйидаги ҳаволада келтириб ўтилган: <http://www.worldbank.org/en/projects-operations/products-and-services/grievance-redress-service> Жаҳон Банкининг автоном инспекция дарчасига шикоятлар юбориш бўйича маълумот қуйидаги ҳаволада келтириб ўтилган: [www.inspectionpanel.org](http://www.inspectionpanel.org).

### с. Ташкилий Мажбуриятлар, Мониторинг ва Баҳолаш

ЯБХИК Ҳокимиятлар билан ҳамкорликда алоҳида объектлар учун экологик ва ижтимоий ялпи текширув ҳужжатларини тайёрловчи атроф-муҳит/ижтимоий ходимларни ёллаши керак ва лойиҳани амалга ошириш босқичида АМИБР лар ва КХР лар ижросини назорат қилади.

ЛАОГ ЯБХИК ни у қуйидагиларни кафолатлаши учун назорат қилиб боради : а)АМИБР/КХР нинг муҳим жиҳатлари унга жавобгар бўлган пудратчиларнинг шартномавий мажбуриятлари бўлишига эришишини; б) лойиҳа компаниялари/пудратчилар бажараётган ишлар мувофиқ меъёрларга мос келишини ва улар келишилган амалиётларга, шу жумладан келишилган экологик/ижтимоий режаларга риоя қилаётганига ишонч ҳосил қилиш учун назорат олиб боришини; с) тендерлаш жараёнларини ташкил қилиниши, техник жамоалар томонидан амалга оширилган тендер натижаларини кўриб чиқиши ва келишилган амалиётларга мос равишда шартномалар имзоланишини ташкиллаштиришини ; ва ниҳоят d) атроф-муҳит ва ижтимоий штаб/маслаҳатчи объект назоратини мақсадли йўлга қўйганини, хусусан экологик/ижтимоий режалар ижрочи устидан текширув ўтказишини.

Лойиҳа жойларида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай касбий, инсон саломатлиги ва хавфсизлик билан боғлиқ ҳодисалар улар ҳақида навбатдаги ҳисобот чиқишини кутиб ўтирмасдан, зудлик билан ЖБ га хабар қилиниши керак. Шу мақсад йўлида, ЛАОГ иш ташкилотчилари ва иш боришини назорат қилувчи маслаҳатчилар иштирокида имзоланган шартномалар бандига КИСХ ҳодисалари тўғрисида зудлик билан хабар қилиш талабини киритиши лозим. ЛАОГ га КИСХ бўйича билдириш келиб тушадиган бўлса, бу тўғрида ЖБ га ушбу хабар олинган пайтга қадар маълум бўлган тафсилотлар баёни тезлик билан етказилиши керак.

Иш суръатларига оид даврий баёнотлар мониторинг амалиётлари, аниқланган муаммолар ва уларга нисбатан кўрилган ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қисқа тафсилотларидан иборат экологик ва ижтимоий бошқарув режасининг ижросига дахлдор бўлган фақатгина энг муҳим ва лўнда ахборотларни ўз ичига олиши керак. Шу каби иш суръатлари ҳисоботлари Жаҳон Банкига ҳам етказилиб турилиши керак. Иш суръатлари тўғрисидаги баёнотлар ушбу баёнотлар тузилаётган вақт оралиғида юз берган КИСХ ҳодисалари ва уларга нисбатан кўрилган зарурий чоралар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олиши лозим. Ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермаган ҳолларда ҳам, иш суръатлари баёнотида бу нарса айтиб ўтилиши зарур.

### Жадвал 7.3. Сублойхалар доирасидаги Амалий ишларнинг Ижтимоий Хавф ва Таъсирлари Тадқиқоти Рўйхати

Эҳтимолий ижтимоий таъсирлар	Ҳа	Йўқ	Тафсилотлар/рақамлар келтиринг (имкони бўлса)
------------------------------	----	-----	-----------------------------------------------

1. Аралашув янги жисмоний қурилиш ишларини ўз ичига оладими?			
2. Ушбу аралашув мавжуд объектларни янгилаш ёки тиклашни ўз ичига оладими?			
3. Аралашув доимий зарар ёки уй-жойнинг йўқолиши, бошқа активлар, ресурслардан фойдаланишга олиб келиши мумкинми?			
4. Ушбу иш учун танланган жой тахдидлардан озод ва у давлат / ҳукумат / давлат мулкчилигидами?			
5. Бу сублойханинг аралашуви хусусий ер сотиб олишни талаб этадими?			
6. Агар ер хусусий мулкчиликда бўлса, бу ерни музокаралар йўли билан сотиб олиш мумкинми? (харидор рози- сотувчи рози)			
7. Агар ер участкасини сотиб олиш керак бўлса участканинг ҳақиқий ҳажми ва мулк мақоми аниқми?			
8. Сублойихада йўловчилар / пиёдалар / корхоналар ва тижорат операцияларига кириш чекловлари борми?			
9. Мавжуд жой / кўча худудида қурилиш ишлари учун материалларни ёки транспортни сафарбар қилиш учун ер мавжудми?			
10. Қурилиш ишлари учун ишлатиладиган лойиҳа майдонларида / жойларида яшайдиган / ишлайдиган одатий бўлмаган одамлар борми?			
11. Вақтинчалик таъсир эҳтимоли борми?			
12. Қурилиш пайтида шахсларнинг бизнес / тижорат / фаолиятини ва яшаш жойларини тарк этиш имконияти борми?			
13. Қурилиш туфайли одамларнинг вақтинчалик ёки доимий жисмоний кўчиши эҳтимоли борми?			
14. Ушбу лойиҳа қайсидир шахсларнинг кўчирилишини ўз ичига оладими? Агар шундай бўлса, уни батафсил тасвирлаб беринг.			
15. Қишлоқ хўжалик ерларига, доимий экинларга, дарахтларга зарар етиши / нобуд бўлиши мумкинми?			
16. Лойиҳа аралашуви туфайли инсонларнинг даромад ва тирикчилик манбаи йўқолиши мумкинми?			
17. Одамлар объектлар, хизматлар ёки табиий ресурслардан доимий ёки вақтинча фойдаланиш имкониятини йўқотиши мумкинми?			
18. Лойиҳа иш ўринларининг йўқолишига сабаб бўладими?			
19. Лойиҳа янги қурилиш натижасида ортиқча меҳнат оқимини юзага келтирадими?			
20. Қурилиш фаолияти қишлоқдан ташқарида қўшимча малакали ишчи кучларини талаб қиладими?			

21. Сублойиҳа / қурилиш ишлари маҳаллий аҳоли яшаш шароитининг бузилишига / ёмонлашишига олиб келадими?			
22. Янги бинолар, дренаж тармоқлари, электр узатиш линиялари қурилиши жамоат бинолари / ресурслари / қўшни уйлар, қудуқлар, ерлар, қабрлар, болалар боғлари, мактаблар ва бошқалар учун бирор бир бузилиш / узилишлар яратадими?			
23. Бу аралашув Агентликнинг жорий ишчи кучи қисқаришига олиб келадими?			
24. Аралашув бахтсиз ҳодисалар / қўшни биноларга зарар етказиш каби кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинми?			
25. Лойиҳанинг аралашуви натижасида салбий таъсир етиши мумкин бўлган заиф гуруҳлар (шу жумладан маҳаллий аҳоли) мавжудми?			

## **VIII. МВБ ва натижалар режаси**

### **Мониторинг ва Баҳолаш мақсад ва вазифалари**

1. Мониторинг ва баҳолаш тизими лойиҳа томонидан олдинга қўйилган мақсадларга эришилганлигини баҳолаш ва ҳисобот бериш учун фойдаланадиган муҳим воситадир. ҚИРЛ ўзи молиялаштирадиган тадбирларнинг амалга оширилиш жараёнини доимий равишда мониторинг қилиб боради. Бу ЛАОГ, кўмакдош ҳамкорлар, давлат муассасалари ва бошқа манфаатдорлар томонидан амалга ошириладиган инфраструктура ва фаолиятнинг жисмоний мониторинги ва Ахборот Бошқарув Тизими (АБТ) томонидан олиб бориладиган техник ва молиявий ривожланишни баҳолашни ўз ичига олади; ва Лойиҳанинг амалий, техник ва молиявий бошқарув аспектиларини қамраб олади.
2. Мониторинг ва баҳолашдан мақсад лойиҳа бўйича тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш, лойиҳани амалга ошириш жараёнининг ошкоралигини таъминлаш, лойиҳани амалга оширишни баҳолаш, мониторинг қилиш ва ҳар қандай муаммони прогнозлаш мақсадида мунтазам назорат қилиш.
3. МВБ нинг вазифалари:
  - Менежерлар, молиялаштирувчи ташкилотлар ва бошқа манфаатдор томонларга лойиҳанинг ривожланиши ва унинг натижалари тўғрисида мунтазам равишда маълумот бериш;
  - Лойиҳа давомида дуч келган муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, самарали ечимларни таклиф қилиш;
  - Лойиҳанинг қайси жабҳалари яхши ишлаётгани ва нимани ривожлантириш мумкинлиги тўғрисида доимий равишда хабардорликка ҳисса қўшиш. Бундан мақсад лойиҳанинг кейинги цикллари ва ёки Иқтисодий тараққиёт вазирлигининг бошқа лойиҳалари ва сиёсатларини хабардор қилиш ;
  - Фаолиятнинг бориши ва молиявий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;
  - Лойиҳанинг мақсад ва вазифаларга эришишдаги ютуқлари, шунингдек лойиҳанинг кўзда тутилган бенефициарларнинг потенциали ва ижтимоий шароитларга таъсир даражасини баҳолаш;

### **Мониторинг ва Баҳолаш тамойиллари**

- МВБ барча ҚИРЛ бошқарувчилари ва ижрочилари томонидан амалга оширилади. МВБ - асосий бошқарув функцияси ҳисобланади.
- Лойиҳанинг бориши ва унинг таъсирини тушуниш учун жамоатчилик томонидан олиб бориладиган ва жамоавий мониторинг тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.
- Мақсадли кўрсаткичлар амалга оширилиш ишлари режа бўйича давом этаётганини таъминлаш учун ишлатилади; ҚИРЛ раҳбарлари ўзларининг мақсадларини тушунишлари ва уларга эришиш учун лойиҳа фаолиятини тузишлари ва мослаштиришлари кўзда тутилади.
- МВБ очик ва ошқора тарзда амалга оширилади.
- Маълумот реал вақт режимида таъминланган АБТ асосида МВБ тизимлари максимал даражада оддий бўлади.
- МВБ нинг барча амалиётларида гендер тенглиги ҳисобга олинади.

### **Ташкилий тадбирлар**

4. ЛАОГ мониторинг ва баҳолаш мутахассиси лойиҳа фаолияти мониторинги ва баҳолашининг умумий мувофиқлигини амалга оширади, шунингдек Лойиҳа бўйича жамлама ҳисоботни шакллантириш учун маъсулдир.

5. ЛАОГ директорлари ва Лойиҳанинг барча ходимлари Молиялаштирувчи ташкилотга ва барча манфаатдор томонларга Лойиҳа бўйича жамлама ҳисоботни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгардирлар.
6. Лойиҳанинг барча мутахассислари марказий ва вилоят даражаларида ўз жавобгарликлари остида бўлган таркибий қисмларнинг мониторинги ва баҳолашда иштирок этадилар.
7. ЛАОГ Жамоа сафарбарлиги бўйича мутахассис ва Марказий идора ҳузуридаги атроф-муҳит муҳофазаси/ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассис, ЛАОГ минтақавий Харидлар бўйича мутахассис ва инфратузилма бўйича катта мутахассис, КҲ лар, ҳамда ҚИРЛ фасилитаторлари АБТ га киритилувчи маълумотларнинг изчиллиги ва ҳаққонийлиги учун масъулдирлар.

## **МвБ жараёнлари**

### **Маълумот манбалари**

Маълумотлар доимий равишда тўпланиши керак. ҚИРЛ МвБ баҳолаш ва мониторинг тизими учун маълумотлар қуйидаги манбалардан тақдим этилади:

- ҚИРЛ ни амалга ошириш, шу жумладан жамоат сафарбарлиги ва салоҳиятни ўстириш босқичларининг турли хил жараён ва сарҳисобларини ҳужжатлаштирувчи шакллар ( 8-иловадаги қаранг). Ушбу шакллардаги маълумотлар АБТ га юкланади;
- Вилоят ва марказий даражада мунтазам равишдаги ЛАОГ ходимлари ҳисоботи;
- Потенциални ошириш бўйича ўтказилган тадбирлар ва тренинглар, ижтимоий сафарбарлик бўйича тадбирлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи КҲларнинг иш бориши ҳақидаги ҳисоботлари;
- Раҳбарлик миссияларининг жойлардаги инспекция ҳисоботлари ҚИРЛ марказий идора ходимлари ва муҳандислари, молиялаштирувчи ташкилотлар ва ҚИРЛ бошқаруви томонидан тақдим этилади.
- Сўровномалар ва техник аудит Марказий ЛАОГ томонидан таъминланади;
- Молиявий ҳисоботлар/харажатлар суммаси;
- Жамоатчилик Мониторинги гуруҳлари томонидан ижтимоий аудитлар воситасида таъминланадиган ижтимоий ҳисобот натижалари.


### **Маълумот оқимларининг тўплами**

Лойиҳа доирасида унинг кўрсаткичларининг муваффақиятлари мониторинги учун маълумот йиғишнинг уч оқими мавжуд (2,3, 4-расмлар):

1-РАСМ 2: ШКЧМ КЎРСАТКИЧИ ВА ИЖТИМОЙ САФАРБАРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ МОНИТОРИНГИ УЧУН МАЪЛУМОТ ОҚИМИ



РАСМ 3: САЛОҲИЯТНИ ЎСТИРИШ КўРСАТКИЧЛАРИ МОНИТОРИНГИ УЧУН МАЪЛУМОТ ОҚИМИ



РАСМ 4: СУБЛОЙҲА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МОНИТОРИНГИ УЧУН МАЪЛУМОТ ОҚИМИ



## Сифат назорати

Ташқи ва ички назорат ва мониторинг

- **марказий ва вилоят босқичидаги ЛАОГ ходимлари томонидан амалга оширилади.** Марказий идоранинг ходимлари жамоатчиликни ривожланишини таъминлаш учун доимий равишда вилоят офислари, қишлоқлар ва сублойиҳалар манзилига ташриф буюришади. Вилоят ходимлари доимий равишда қишлоқларга ташриф буюрадилар. Бундан ташқари, мониторинг вилоят даражадаги ЛАОГ ходимларига, шунингдек марказий даража ходимларга КҲ ва маҳаллий даражадаги ҚИРЛ фасилитаторлари томонидан мунтазам ҳисоботларни тақдим этиш орқали амалга оширилади. Ходимларнинг барча ҳисоботлари АБТ да архивланади. ЛАОГ марказий бўлими ходимлари мустақил аудиторлик ҳисоботлари ва махсус ўрганиш ҳисоботларини тузишни назорат қилиш учун ҳам жавобгардир.
- **Маҳаллий ҳокимият органлари** (туман ва вилоят ҳокимликлари вакиллари). Туманлар ҳокимияти органлари ва вилоят Ҳокимиятлари вакиллари сублойиҳаларни амалга ошириш учун объектларга сафарларда, шунингдек, тугалланган лойиҳаларни топширишда иштирок этадилар.
- **Жаҳон Банки ва ОИИБ МвБ** тадбирлари мунтазам равишда амалга оширишни қўллаб-қувватлаш миссияларини, ўрта-муддатли текширув миссиялари, доимий мониторинг миссиялари, мустақил аудиторлик ҳисоботларини ва махсус тадқиқот ҳисоботларини ўз ичига олади.

## Бенефициарларнинг лойиҳа фаолиятдан қониқишларини баҳолаш

8. ҚИРЛ бенефициарларнинг қониқиш даражасини лойиҳа бенефициарлар томонидан қандай қабул қилинаётганини кузатиш орқали назорат қилиб боради. Бундан қўзланган мақсад эса бенефициарларнинг қарашлари қарор қабул қилиш жараёнида қай

даражада инобатга олинаётгани ва уларнинг эҳтиёжлари лойиха томонидан молиялаштирилган сармояларда қанчалик акс этаётгани тўғрисида тасаввур ҳосил қилишдир. Ушбу кўрсаткичлар ҚИРЛ манфаатдор томонларига лойиханинг амалга оширилиш самарадорлигини кузатиш ва ҳисобот беришга имкон беради ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **ЛИЧМ кўрсаткичи 1:** Сўровда Қишлоқнинг асосий инфратузилмаси сифатининг яхшиланиши тўғрисида хабар берган респондентлар фоизи;
- **ИР кўрсаткичи 1.2:** Сўровда Қишлоқнинг асосий инфратузилмасидан фойдаланиш имконияти ошгани тўғрисида хабар берган респондентлар фоизи;
- **ИР кўрсаткичи 1.3:** Сўровда Асосий қишлоқ инфратузилмасига лойиханинг сармоялари уларнинг эҳтиёжларини қондириши ҳақида хабар берган респондентлар фоизи;
- **ИР кўрсаткичи 2.4:** аёлларнинг устувор сублойиха молиялаштириши фоизи

9. Бенефициарнинг қониқиш мониторинги икки хил усул ёрдамида амалга оширилади: (а) ижтимоий аудит доирасида жамоаларни жалб қилиш жараёнининг турли босқичларида бенефициарларга маслаҳат бериш; шунингдек (б) лойиха бенефициарларининг бошланғич, иккиламчи ва якуний сўровларидан фойдаланган ҳолда бенефициарлар танловини ўрганиш.

10. **Бошланғич, иккиламчи ва якуний сўровлар-** ЛАОГ ушбу сўровларни таъминлайди. Бошланғич сўровлар лойихада иштирок этиш учун биринчи қишлоқлар тўплами танлангандан кейин, аммо қишлоқ даражасида жамоани жалб қилишдан олдин амалга оширилиши керак. Жаҳон банки сўров ўтказувчи ташкилотга, сўровнома ва намуналар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишда ЛАОГ ни қўллаб қувватлашни амалга оширишни таъминлайди.

### **Жамоатчилик Мониторинги ва Баҳолаш**

11. Ижтимоий сафарбарлик ва лойиханинг муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш, лойихани амалга ошириш жараёнида ошкоралик ва шаффофлик, жамоатчилик аъзоларининг эришилган натижалар тўғрисида кенг хабардорлигини таъминлаш учун лойиха доирасида иштирок этадиган жамоалар томонидан мунтазам равишда мониторинг ва баҳолаш олиб борилиши керак.

12. ҚИРЛ томонидан қўллаб қувватланадиган Жамоатчилик Мониторингининг бир неча босқичлари мавжуд. Биринчи даража- бу сублойихаларни ишлаб чиқиш, харидлар ва амалга ошириш, шунингдек МФЙ аъзолари билан мувофиқлаштирилган ҳолда МТГ аъзолари томонидан амалга оширилаётган лойихалар билан боғлиқ шикоятларни рўйхатга олиш ва назорат қилиш мониторинги. МТГ, шунингдек, сублойиха ва ҚТР маълумотларининг ҳаммага очиқ бўлишини таъминлаши керак.

13. Иккинчи даража МТГ дан мустақил бўлган Жамоатчилик мониторинги гуруҳлари (ЖМ) томонидан олиб борилади. ЖМ гуруҳлари ишининг мақсади:

- Лойихаларнинг сифатини яхшилаш ва коррупция рискин камайтириш.
- Ижтимоий ва экологик хавфсизлик чораларига риоя қилишни таъминлаш
- МТГ, МФЙ, қишлоқ аҳолиси ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида ошкоралик ва ҳисобдорликни ошириш.
- Тузатиш чораларини кўриш учун алоқа механизмини яратиш.
- Маҳаллий жамоанинг салоҳиятини ва лойихаларни мониторинг қилиш кўникмаларини яхшилаш.
- Жамоага ўз овозларини, фикрларини, умидлари ва интилишлари ҳақида гапиришга ундаш.

14. Ижтимоий қўлланманинг 7-бобида Жамоатчилик Мониторинги фаолияти батафсил тавсифланган. ЖМ гуруҳининг вазифалари қуйидагиларни мониторинг қилишдан иборат: Қишлоқ Тараққиёти Режасининг сифати ва инклюзивлигини назорат қилувчи бешта ЖМ мониторинг шакллари ёрдамида ҳар олти ойда МТГ ишини; ҚИРЛ сублойиҳалари ҳақида маълумотларнинг мавжудлигини; МТГ учрашувлари сифати ва протоколини; сублойиҳаларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатишни; ижтимоий текширув шаклидаги сублойиҳаларни бажариш сифати ва маҳоратини.
15. ЖМ гуруҳлари маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади ҳамда ижтимоий аудит хулосаларини қисқа ҳисобот орқали хабар қилади, бундан ташқари очиқ йиғилишларда маълумотлар билан ўртоқлашади (ижтимоий аудит йиғилиши). (Жамоа сафарбарлиги бўйича Қўлланманинг 10 иловасида тартибма-тартиб кўрсатмалар келтирилган.) ҚИРЛ фасилитаторлари ЖМ гуруҳларига ижтимоий аудит шаклларидаги маълумотларни АБТ га юклашга ва ижтимоий аудит ҳисоботлари нусхаларини КХ нинг вилоят офисларига (КХ га эга вилоятларда) ҳамда ЛАОГ жамоат сафарбарлиги мутахассисига юборишга ёрдамлашади.

### **Ҳисобот турлари ва даврийлиги**

Лойиҳанинг Жаҳон банки ва ОИИБ га берадиган ҳисоботи қуйидагилардан иборат:

- Лойиҳани амалга ошириш жараёни бўйича чорак якуний ҳисоботлар (шаблон ишлаб чиқилади);
- Лойиҳанинг ярим йиллик тавсифловчи ва таҳлилий ҳисоботлари (шаблон ишлаб чиқилади);
- Лойиҳа кўрсаткичларига эришиш натижаларини акс эттирувчи йиллик тавсифий ва таҳлилий ҳисоботлар (шаблон ишлаб чиқилади);
- Ҳукумат ёки молиялаштирувчи ташкилотларнинг эҳтиёжларига асосланган махсус ҳисобот сўровлари.

### **Ҳисобот турлари**

**Йиллик ҳисоботлар** йиллик иш режаси ва натижалар доирасидаги кўрсаткичларнинг бажарилишини тавсифлайди. У амалга оширишни бошқичлар, мақсадлар, натижалар ва бюджетлар нуктаи назаридан тавсифлаб беради, натижада яхши бажарилмаётган ҳолатлар учун кенгроқ тушунтириш ва таҳлил қилишни таъминлайди. Ҳисобот манфаатдор тарафлар томонидан муҳокама қилинади ва Интернетда эълон қилинади. Йиллик ҳисоботлар январ охирида тугатилиши керак. Унинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар:

- Сарлавҳа, мундарижа, Аннотация.
- Лойиҳа ва ҳисоботнинг қисқача тақдими, лойиҳа нимага эришмоқчи ва унинг қандай тузилганлиги ҳақида қисқача маълумот (компонентлар ва бошқалар). Кириш қисмида ишларнинг умумий тавсифитақдим этилиши мумкин, масалан, йиллик кўрсаткич устувор вазифаларнинг қайсиларига эришилган ёки эришилмаганлигини кўриб чиқиш ва харажатларни бюджет билан таққослаш. Лойиҳанинг кенг миқёсли вазифалари, муаммолари ва тузатувчи ҳаракатлари ёритилиши мумкин.
- Субкомпонентларни амалга ошириш бўйича кўриб чиқилиши. Ҳар бир субкомпонент учун ҳисобот қуйидагича бўлади: (i) субкомпонент ҳақида қисқача маълумот бериш; (ii) режага нисбатан амалга оширилиш таҳлили (зарур бўлганда амалга оширилишнинг кечикиб кетиши ёки қутулган натижаларга эришмаслик сабабларини кўрсатиб); (iii) ушбу қўлланмадаги барча йиллик мақсадларни кўриб чиқиш (агар керак бўлса, мақсадларга эришилмаганлик сабабларни кўрсатган ҳолда); (iv) тўсиқлар, қаршилиқлар, муаммолар, ўрганилган хулосалар ва келишилган тузатиш ҳаракатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

- 1-илова: Суб-компонент, компонент ва лойиҳа даражасида умумлаштирилган барча тадбирлар учун харажатларни ўз ичига олган молиявий таҳлил. Молиявий таҳлилга харидлар бўйича ҳисобот ва якуний (текширилмаган) баланс киритилади.
- 2-илова: Салоҳиятларни ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳар қандай бошқа батафсил ва тасдиқловчи маълумотлар

**Ярим йиллик ҳисобот** қисқароқ бўлади ва актуал муаммоларни аниқлаш сифатида тезкор амалга оширишга қаратилади. Ярим йиллик ҳисобот ҳар йил июль ойининг охирига қадар тақдим этилади. Ҳисоботнинг тузилиши худди йиллик ҳисобот кўринишида бўлиб, қуйидагилар фарқларга эга; (i) асосий эътибор вазифа ва топшириқлар ичидан йил якунигача ҳал қилиниши мумкин бўлган "шошилинич" вазифаларга қаратилиниши; (ii) амалга ошириш ишлари тўғрисидаги ҳисобот анча қисқа бўлади; (iii) молиявий ҳисоботнинг бухгалтерлик балансисиз ёки харидлар ҳисоботларисиз қисқача ҳисобот (субкомпонент, компонент ва лойиҳанинг якуний маълумотлари) кўринишида бўлиши; ва (iv) 2 илова анча қисқа бўлиши.

**Чорак ҳисоботлар** лойиҳанинг ҳар бир чорак давомида бажарилган чораларнинг тавсифини тақдим этади. Чорак ҳисоботнинг тузилиши йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларнинг тузилмаси билан бир хил бўлади ва қуйидагилар билан фарқ қилади: (i) кўрсаткичлар/мўлжалларга эришганлик ҳақида ҳисобот берилмайди; (ii) лойиҳа натижалари тўғрисида ҳисобот берилмайди; (iii) самарасизлик ҳолатлари бўйича таҳлил ва батафсил тушунтириш мавжуд бўлмайди; (iv) бухгалтерия баланси келтирилмайди.

### **КИРЛ Натижалари Доираси, Кўрсаткичларнинг Тавсифи, Текшириш Усуллари**

*Изоҳ: МФЙ нинг лойиҳавий қўмиталари Маҳалла Тараққиёт гуруҳларининг эквивалентидир.*

<b>ЛИЧМ кўрсаткичи 1: Қишлоқнинг асосий инфратузилмаси сифатининг яхшиланиши тўғрисида сўровда қатнашганларнинг фоизи;</b>
<b>Тавсиф:</b> Ушбу кўрсаткич бенефициар жамоалардаги сўровда қатнашганлар орасида асосий инфратузилма ва хизматлар сифатининг яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган респондентлар фоизини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> Лойиҳанинг мониторинг сўровномалари. Бошланғич, ўрта ва якуний сўровномаларда қатнашувчиларнинг лойиҳа молиялаштириладиган турли инфратузилмалардан қониқиши ҳақидаги саволларни ўз ичига олади. Шунингдек, у фуқароларнинг ўз қишлоқларидаги инфратузилманинг умумий сифатидан қониқиши ҳақида умумий савол туғдиради.
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Кўрсаткич турли сўровлар ўртасида сўровнома иштирокчилари орасида инфратузилма сифати яхшиланганлиги тўғрисида хабар берганлар фоизини таққослайди. ЛАОГ, инфратузилма элементларини мақсадли гуруҳ индексига бирлаштириш учун формулани таклиф қилиши ва лойиҳа давомида натижаларни ҳисобот бериш учун худди шундай индексдан фойдаланиши керак. Ҳисобланган ва фоиз сифатида кўрсатилган учта параметр бўлиши керак: (а) асосий қишлоқ инфратузилмаси сифатининг яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган аёлларн сонининг сўровда қатнашган аёлларнинг умумий сонига нисбати; (б) асосий қишлоқ инфратузилмаси сифатининг яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган эркаклар сонининг сўровда қатнашган эркакларнинг умумий сонига нисбати; (с) асосий қишлоқ инфратузилмаси сифатининг яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган респондентлар сонининг сўровда қатнашган респондентларнинг умумий сонига нисбати.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот бериш:</b> Асосий, ўрта ва якуний тадқиқотлар
<b>Текширув воситалари:</b> Ижтимоий аудит натижалари
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ЛАОГ асосий, иккиламчи ва якуний тадқиқотлар ўтказиш учун жавобгардир.
<b>Мўлжал:</b> Оралиқ ва якуний мўлжаллар жами 60% ва аёллар 60% ни ташкил қилади
<b>Тақсимланиш:</b> Ушбу кўрсаткич жинслар бўйича тақсимланади

**ЛИЧМ кўрсаткичи 2: Лойиҳаларни режалаштириш, қарорлар қабул қилиш ёки мониторинг сублойиҳаларида иштирок этаётган бенефициарларнинг фоизи**

**Тавсиф:** Ушбу кўрсаткич сублойиҳа сармояларини режалаштириш, қарорларни қабул қилиш ва мониторинг қилишда жамоатчиликнинг иштирок этиш даражасини ўлчайди.

**Методология ва маълумот манбаи:** АБТ лойиҳаси Ушбу кўрсаткич режалаштириш мажлислари, қарорлар қабул қилиш мажлислари ва мониторинг гуруҳларида иштирок этувчилар сони ҳақида ҳисобот берувчи АБТ шаклларида ҳисоблаб чиқилади. Ҳисобланган ва фоиз сифатида кўрсатилган учта параметр бўлиши керак: (а) ушбу ролларнинг бирида ёки бир нечтасида иштирок этган аёллар сонининг, иштирок этувчи қишлоқларда яшайдиган катта ёшли аёлларнинг умумий сонига нисбати; (б) ушбу ролларнинг бирида ёки бир нечтасида иштирок этган эркаклар сонининг, иштирок этувчи қишлоқларда яшайдиган катта ёшли эркакларнинг умумий сонига нисбати; (с) ушбу ролларнинг бирида ёки бир нечтасида иштирок этган катта ёшдаги инсонларнинг, иштирок этувчи қишлоқларда яшайдиган катта ёшдаги инсонларнинг умумий сонига нисбати;

**Ҳисоблаш методологияси:** Ушбу рақамлар жойлардан олинган ҳисоботлар асосида тузилади ва АБТ га юкланади.

**Даврийлик ва Ҳисобот бериш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текширув воситалари:** Аниқланмаган

**Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:** ҚИРЛ фасилитаторлари

**Мўлжал:** Оралиқ ва якуний мўлжаллар жами 60% ва аёллар 60% ни ташкил қилади

**Тақсимланиш:** Ушбу кўрсаткич жинслар бўйича тақсимланади

**ЛИЧМ кўрсаткичи 3: Мўлжалдаги қишлоқлар бўйлаб ўтказилган ижтимоий текширувлар сони**

**Тавсиф:** Ушбу кўрсаткич 16 субкомпонентини амалга оширишдаги ютуқларни, хусусан, жамоатчилик назорати жараёнларига қўмаклашиш - ижтимоий аудитни ўлчайди.

**Методология ва маълумот манбаи:** Жойлардан олинган ҳисоботлар ва АБТ

**Ҳисоблаш методологияси:** Ушбу рақамлар жойлардаги ҳисоботлар асосида тузилади ва АБТ га юкланади.

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текшириш воситалари:** Ижтимоий текширув учрашувларидан олинган ёзувлар

**Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:** ҚИРЛ фасилитаторлари

**Мўлжал:** Оралиқ мақсад 100; Якуний мўлжал 300 га тенг.

**Тақсимланиш:** Аниқланмаган

**ИР кўрсаткичи 1.1: Сублойиҳа сармояларининг сони**

**Тавсиф:** Ушбу кўрсаткич 1а субкомпонентни амалга оширишни, хусусан, лойиҳанинг асосий қишлоқ инфратузилмаси ва хизматларига киритган инвестицияларини ўлчайди

**Методология ва маълумот манбаи:** АБТ

**Ҳисоблаш методологияси:** АБТ га мунтазам равишда юклаб бориладиган жойлардан олинган ҳисоботлар

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текширув воситалари:** Харидлар ҳақидаги ёзувлар

**Маълумотлар йиғиш учун маъсул ташкилот:** ЛАОГ

**Мўлжал:** Оралиқ мақсад 100; Якуний мўлжал 300 га тенг.

**Тақсимлаш:** Ушбу кўрсаткич турига қараб тақсимланади

**ИР кўрсаткичи 1.2: Қишлоқнинг асосий инфратузилмасига кириш имконини ошириш тўғрисида сўровда қатнашганларнинг фоизи;**

<b>Тавсиф:</b> Ушбу кўрсаткич сўровда қатнашганлар орасида ижтимоий таъминот, йўллар, мактаблар ва соғлиқни сақлаш поликлиникалари каби ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмалардан фойдаланиш имкониятлари кенгайганлиги тўғрисида хабар берган респондентлар фоизини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> лойиҳа мониторинги бўйича асосий, иккиламчи ва якуний тадқиқотлар
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Кўрсаткич ҚИРЛ томонидан молиялаштириладиган турли хил инфратузилмалар, масалан, сув таъминоти пунктлари, тиббиёт муассасалари, мактаблар ва бошқаларга кириш имкониятини яхшиланиши ҳақида ҳисобот берган респондентларнинг фоизини акс эттириши керак. ЛАОГ, инфратузилма элементларини мақсадли гуруҳ индексига бирлаштириш учун формулани таклиф қилиши ва лойиҳа давомида натижаларни ҳисобот бериш учун худди шундай индексдан фойдаланиши керак. Ҳисобланган ва фоиз сифатида кўрсатилган учта параметр бўлиши керак: (а) асосий қишлоқ инфратузилмасидан фойдаланиш даражасини яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган аёллар сонининг сўровда қатнашган аёлларнинг умумий сонига нисбати; (б) асосий қишлоқ инфратузилмасидан фойдаланиш даражасини яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган эркаклар сонининг сўровда қатнашган эркакларнинг умумий сонига нисбати (с) асосий қишлоқ инфратузилмасидан фойдаланиш даражасини яхшиланганлиги тўғрисида хабар берган респондентлар сонининг сўровда қатнашган респондентларнинг умумий сонига нисбати
<b>Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текширув воситалари:</b> Аниқланмаган
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ЛАОГ асосий, иккиламчи ва якуний сўровларни тўплаш учун сўров ўтказувчи ташкилот таъминлайди.
<b>Мўлжал:</b> Оралиқ ва якуний мўлжаллар жами 60% ва аёллар 60% ни ташкил қилади
<b>Тақсимланиш:</b> Ушбу кўрсаткич жинслар бўйича тақсимланади
<b>ИР кўрсаткичи 1.3: Асосий қишлоқ инфратузилмасига лойиҳанинг сармоялари уларнинг эҳтиёжларини қондириши ҳақида ҳисобот берган сўровда қатнашганларнинг фоизи;</b>
<b>Тавсиф:</b> Бенефициар жамоаларда лойиҳанинг асосий қишлоқ инфратузилмасига сармояси уларнинг эҳтиёжларига мос келишини айтган респондентларнинг фоизини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> ижтимоий текширув шакли
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Ижтимоий текширувнинг бир қисми сифатида, жамоат аъзоларидан лойиҳанинг қишлоқ инфратузилмасига инвестициялари уларнинг эҳтиёжларига мос келиши сўралади. Ҳисобланган ва фоиз сифатида кўрсатилган учта параметр бўлиши керак: (а) лойиҳа инвестициялари уларнинг эҳтиёжларини қондиргани тўғрисида хабар берган аёллар сонининг ижтимоий аудитда қатнашган аёлларнинг умумий сонига нисбати; (б) лойиҳа инвестициялари уларнинг эҳтиёжларини қондиргани тўғрисида хабар берган эркаклар сонининг ижтимоий аудитда қатнашган эркаклар умумий сонига нисбати; (с) лойиҳа инвестициялари уларнинг эҳтиёжларини қондиргани тўғрисида хабар берган шахслар сонининг ижтимоий аудитда қатнашган шахсларнинг умумий сонига нисбати;
<b>Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текшириш воситалари:</b> Тадқиқот респондентлардан ҚИРЛ нинг сармоялари эҳтиёжларига мос келишини текширадиган саволни ўз ичига олади.
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ҚИРЛ фасилитаторлари
<b>Мўлжал:</b> Оралиқ ва якуний мўлжаллар жами 60% ва аёллар 60% ни ташкил қилади
<b>Тақсимланиш:</b> Ушбу кўрсаткич жинслар бўйича тақсимланади
<b>ИР кўрсаткичи 1.4: Иқлим ўзгаришига мослашишни ёки оқибатларини юмшатишни қўллаб-қувватлайдиган сублойиҳаларнинг фоизи</b>
<b>Тавсиф:</b> Инвестицион лойиҳаларнинг иқлим ўзгаришига (масалан, йўл инфратузилмаси, тасдиқланган лойиҳалар) чидамлилигини оширишдаги, шунингдек иқлим ўзгариши таъсирини юмшатишдаги (масалан, модернизация ёки муқобил энергия манбалари орқали) ҳиссасини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> ЛАОГ жойлардаги ҳисоботлар; сублойиҳаларнинг техник рўйхатлари

<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> ЛАОГ ҳар Лойиҳани амалга ошириш маркази лойиҳанинг иқлим ўзгаришига мослашуви ёки оқибатларини юмшатилишини қўллаб-қувватлашни аниқлаш учун техник рўйхат асосида ҳар бир кичик лойиҳанинг техник лойиҳасини кўриб чиқади.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:</b> Маълумот 2-йилдан бошлаб ҳар йили йиғилади. Сублойиҳанинг техник режаси маъқуллангандан сўнг, ЛАОГ техник инфратузилманинг қўлланмасидаги шаклга асосланиб, унинг иқлим ўзгаришига мослашуви ёки оқибатларини юмшатилишини қўллаб-қувватлашни текшириши мумкин.
<b>Текшириш воситалари:</b> Лойиҳанинг техник режалари ЛАОГ томонидан файлда сақланади.
<b>Маълумотлар йиғиш учун маъсул шахс:</b> Вилоят ҳокимиятлари ва ЛАОГ
<b>Мўлжал:</b> Оралиқ ва Якуний мўлжал 25.00% ни ташкил этади
<b>Тақсимлаш:</b> Маълумотлар сублойиҳанинг тури бўйича ва сублойиҳанинг мослашиши ва/ёки юмшатилишини қўллаб-қувватлашига қараб тақсимланади.

<b>ИР кўрсаткичи 1.5: Мақсадли қишлоқларидаги Лойиҳа инвестицияси натижасида сув таъминоти сифати яхшиланган бенефициарларнинг фоизи</b>
<b>Тавсиф:</b> Ушбу кўрсаткич ичимлик сувига киритилган сублойиҳа инвестицияларининг уй хўжаликларининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлигига таъсирини акс эттиради. Ушбу кўрсаткич ичимлик суви сублойиҳаларини танлаган қишлоқлар ва ушбу қишлоқлар, асосий даражада қувур орқали ичимлик сувидан ишончли/узлуксиз фойдаланиш ҳукуқи бўлмаган хўжаликлари учун чекланган.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> Сув таъминоти лойиҳалари учун бенефициар хўжаликларнинг тахминий сони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган сублойиҳалар бўйича таклифлар.
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> ҚИРЛ томонидан молиялаштирилган сув таъминоти қурилиши ёки реабилитация лойиҳаларидан фойда кўрган бенефициар хўжаликлар сонининг ушбу сублойиҳани амалга ошириш учун ҚИРЛ томонидан молиялаштирилган қишлоқлардаги қувурли ичимлик сувидан ишончли/узлуксиз фойдаланиш имконига эга бўлмаган уй хўжаликларининг умумий сонига нисбати ҳисобланади.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот бериш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текширув воситалари:</b> АБТ га юкланиши керак бўлган бенефициарларнинг тахминий сони кўрсатилган сублойиҳани молиялаштириш бўйича таклифлар.
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ҚИРЛ фасилитаторлари
<b>Мўлжал:</b> Якуний мўлжал 80.00% ни ташкил этади
<b>Тақсимланиш:</b> Аниқланмаган

<b>ИР кўрсаткичи: Юқори техник сифатдаги сублойиҳаларга инвестициялари фоизи</b>
<b>Тавсиф:</b> Инфратузилма сублойиҳаларининг техник сифатини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> Техник аудит
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Техник аудит процедураларидан фойдаланган ҳолда текшириладиган инфратузилма лойиҳаларига намуна ЛАОГ Жаҳон Банки тасдиқлатиши учун инфратузилма сублойиҳасининг техник сифатини баҳолаш методологиясини таклиф этиши керак. Бошланғич текширув ҚИРЛ учун танланган қишлоқларнинг биринчи гуруҳидаги инфратузилмани ҚИРЛ томонидан молиялаштирилган қурилиши бошланишидан олдин ва "Обод қишлоқ" давлат дастурида иштирок этган ҚИРЛ туманидаги қишлоқлардаги инфратузилмани баҳолаши керак.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот бериш:</b> Бошланғич, ўрта ва якуний Техник текширувлар
<b>Текшириш усуллари:</b> инфратузилма сифатидан қониқиш ҳақида сўровномалар. Сўровнома маълумотлари техник текширув натижалари билан тўғридан-тўғри таққосланмайди.
<b>Маълумотлар йиғиш учун маъсул ташкилот:</b> ЛАОГ
<b>Мўлжал:</b> Бошланғич аудит тугаллангандан сўнг бошланғич қиймат ҳақида ҳисобот берилиши керак. Оралиқ ва Якуний мўлжал 80.00% ни ташкил этади
<b>Тақсимлаш:</b> Ушбу кўрсаткич инфратузилма турига қараб тақсимланади.

<b>ИР кўрсаткичи 1.7: Лойиха бенефициарлари сони</b>
<b>Тавсиф:</b> 1а субкомпонентни амалга ошириш жараёни, хусусан, Лойиханинг инфратузилмаси сармояларидан фойда кўраётган одамларнинг сонини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> эркак ва аёл бенефициарларининг тахминий сонини ўз ичига олган сублойиха таклифлари.
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Ушбу рақамлар АБТ га юкланадиган сублойихаларда кўрсатилган жинслар бўйича ажратилган бенефициарлар тўғрисидаги маълумотларга асосланиб тузилади. Бутун қишлоқ фойдаланиши мумкин бўлган йўллар, кўприклар каби ижтимоий инфратузилма учун бенефициарлар қишлоқнинг барча аҳолисидан иборат бўлиши керак. Чекланган ҳудудга эга инфратузилма учун, масалан, сув таъминоти тизими учун, бенефициарлар ишончли ва узлуксиз сув таъминотига эга бўлмаган сув пунктларига кириш ҳуқуқига эга бўлган хўжаликлардан иборат бўлиши керак. Мактаблар ва болалар боғчалари учун бенефициарлар мактаблардан ўқувчиларидан иборат бўлади.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот бериш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текшириш воситалари</b> Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун ЛАОГ умумий ўқувчилар сонини текшириши мумкин.
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ҚИРЛ фасилитаторлари
<b>Мақсад:</b> Оралик мақсад жами 110,000 бенефициарлар ва 55,000 аёллар. Яқуний Мақсад эса жами 330,000 ва 165,000 аёллар.
<b>Тақсимланиш:</b> Ушбу кўрсаткич жинслар бўйича тақсимланади

<b>ИР Кўрсаткичи 2.1: Харид ва назорат бўйича келишилган маҳаллий бошқарув тренинги ўқув дастурини яқунлаётган туман ва вилоят ҳокимликлари фоизи.</b>
<b>Тавсиф</b> Мўлжалдаги туман ва вилоят Ҳокимиятлари учун ҚИРЛ га дахлдор тренинг ва салоҳиятни ошириш машғулоти боришини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумотлар манбаи:</b> АБТ
<b>Ҳисоблаш методологияси</b> Туман ва вилоят ҳокимиятлари учун иштирокчилар рўйхатини кўриб чиқиш. Сурат- бу харидлар ва назорат соҳасида маҳаллий бошқарув бўйича келишилган ўқув дастурини тугатган туман ва вилоят ҳокимиятларининг сони. Маҳраж- бу ҚИРЛ нинг мўлжалли туманлари ва вилоят ҳокимиятларидаги туман ва вилоят ҳокимликларининг умумий сони.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текширув воситалари:</b> Аниқланмаган
<b>Маълумотлар йиғиш учун маъсул шахс:</b> ЛАОГ
<b>Мўлжал:</b> Яқуний мўлжал 100.00% ни ташкил этади
<b>Тақсимлаш:</b> Ушбу кўрсаткич вилоят ва туманга қараб тақсимланади.

<b>ИР Кўрсаткичи 2.2: Жамият аъзоларининг устуворликларини акс эттирадиган ривожланиш режаларини ишлаб чиқадиган мўлжалдаги қишлоқлар сони.</b>
<b>Тавсиф:</b> Ушбу кўрсаткич бу маҳаллани ривожлантириш бўлимларига жамият аъзоларининг устуворликларини акс эттирадиган уч йиллик ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда ёрдам берадиган 16 субкомпонентининг амалга оширилиш истиқболларини ўлчайди.
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> Ижтимоий аудит шакллари
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Ҳар бир Қишлоқ Тараққиёти Режаси учун, ЛАОГ Қишлоқ Тараққиёти Режасининг тугашидан олдин бўладиган жамоатчилик сафарбарлиги жараёнини (яъни эҳтиёжларни баҳолаш ва муҳокама қилиш) текшириш учун маъсул бўлади.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текширув воситалари:</b> Аниқланмаган
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ҚИРЛ фасилитаторлари
<b>Мўлжал:</b> 100%

**Тақсимланиш: Аниқланмаган**

**ИР кўрсаткичи 2.3: Харид қилиш жараёни устидан назоратни таъминлайдиган қишлоқ вакили бўлган тендер комиссияларининг фоизи.**

**Тавсиф:** Ушбу кўрсаткич харидлар жараёнини назорат қилишда жамоатчиликнинг иштирок этиш даражасини акс эттиради.

**Методология ва маълумот манбаи:** Соҳа ҳисоботлари, АБТ ва ижтимоий текширувлар

**Ҳисоблаш методологияси:** Ушбу рақамлар харид шакллари асосида тузилади ва АБТ га юкланади.

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текширув воситалари:** АБТ га юкланадиган харид шакллари ва ижтимоий аудит.

**Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:** ЛАОГ ва вилоят Ҳокимиятлари

**Мўлжал** 50%

**Тақсимланиш: Аниқланмаган**

• **ИР кўрсаткич 2.4: Аёлларнинг устувор сублойиха молиялаштириши фоизи**

**Тавсиф:** Аёлларнинг овозини- лойихага сармоялари аёлларнинг устуворликларини ҳисобга олинишини ўлчайди

**Методология ва маълумотлар манбаи:** Бу савол ижтимоий аудитнинг таркибий қисми сифатида бериледи.

**Ҳисоблаш услубияти:** Ушбу кўрсаткич ижтимоий аудит шаклларида олиниши керак. Ушбу рақам фоиз сифатида ҳисобланади: ижтимоий аудит давомида танланган субгрант уларнинг устуворлигига тўғри келиши ҳақида хабар қилган аёллар сонининг аудитда қатнашган барча аёллар сонига нисбати.

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текширув воситалари:** Бошланғич, ўрта ва якуний сўров қатнашувчилардан ҚИРЛ уларнинг устуворликларига мос келишини ва инфратузилма сармоялари учун уларнинг асосий устуворликларини аниқлайди.

**Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:** ҚИРЛ фасилитаторлари

**Мўлжал:** Якуний мўлжал 50.00% га тенг.

**Тақсимлаш:**

**ИР Кўрсаткич 2.5: Мақсадли қишлоқларда МФЙ ва ижтимоий ҳисобдорлик вазифаларида (мониторинг ва назорат) камида 50% аёл қатнашган лойихаси жамоалари.**

**Тавсиф:** Аёлларнинг овозини ва, хусусан, қишлоқ даражасида аёлларнинг иштирокини 50% етказиш мақсадига эришилганликни ўлчайди.

**Методология ва маълумот манбаи:** ҚИРЛ билан боғлиқ вазифалар учун аъзолар рўйхати

**Ҳисоблаш методологияси:** Маҳалладаги лойиха кўмиталари учун бошланғич маълумотлар 2018 йил июнь/июль ойларида Ўзбекистон фуқароларини тинглаш натижасида тўпланган МФЙ ижроия кўмиталарининг вилоят вакиллик намунаси асосида ҳисобланади. Бошланғич кўрсаткичнинг ҳисоби лойиханинг бешта вилояти билан чекланган. Маълумотларни йиғувчи маъсул ходимлар ижроия кўмитанинг барча аъзолари - раҳбари, ўринбосари, котиби, Посбон ва хотин-қизлар кўмиталари вакиллариининг жинси тўғрисидаги маълумотлар - Хотин-қизлар кўмитаси лавозимини ҳисобламайди, чунки бу лавозим деярли ҳар доим аёллар учун сақланиб қолган. Ижтимоий ҳисобдорлик ролини белгилаш учун бошланғич кўрсаткич мавжуд эмас, чунки Ўзбекистонда бундай лавозим мавжуд бўлмаган.

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текширув воситалари:** 3.7 шаклидаги МТГ аъзолик рўйхатлари АБТ га юкланиши керак.

**Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:** ҚИРЛ фасилитаторлари

**Мақсад:** Аёлларнинг ҳиссасини Маҳаллани ривожлантириш бўлимларида 50% ва ижтимоий ҳисобдорлик вазифалари учун 50% га етказиш

**Тақсимланиш:** Ушбу кўрсаткич жинслар бўйича тақсимланади.

**ИР кўрсаткич 2.6: Туман лойиҳа кўмитаси аёл аъзоларининг фоизи.**

**Тавсиф:** жамоавий Маҳаллий бошқарув жараёнларида шаффофликни ўлчайди

**Методология ва маълумот манбаи:** ҚИРЛ билан боғлиқ вазифалар учун аъзолар рўйхати

**Ҳисоблаш методологияси:** умумий аъзолар ва аёл аъзоларнинг сонини ҳисоблаш учун Туман Лойиҳа Кўмитаси аъзолари рўйхатини қайта кўриб чиқади

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

**Текширув воситалари:** Аъзолар рўйхати АБТ га юкланади.

**Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:** ҚИРЛ фасилитаторлари

**Мўлжал:** 50% аёллар

**Тақсимлаш:** Ушбу кўрсаткич туманга қараб тақсимланади

**ИР кўрсаткичи 2.7: Харидлар тўғрисида маълумот очик бўлган инфратузилма сублойиҳаларининг фоизи**

**Тавсиф:** жамоавий Маҳаллий бошқарув жараёнларида шаффофликни ўлчайди.

**Методология ва маълумот манбаи:** АБТ

**Ҳисоблаш методологияси:** Ҳар бир инфратузилманинг сублойиҳаси учун ушбу кўрсаткич харидлар тўғрисидаги маълумотларнинг АБТ га жойлаштирилганлигини ва ҳамма учун очиклигини назорат қилади. Камида, омма учун очик харидлар тўғрисида маълумот ғолиб бўлган пудратчини ва шартноманинг миқдорини ўз ичига олиши керак.

**Даврийлик ва ҳисобот топшириш:** Ҳар йили

**Текширув воситалари:** ЛАОГ томонидан бошқариладиган маълумотлар базасида сақланиши керак бўлган ишлар учун шартномалар.

**Маълумотлар йиғиш учун маъсул ташкилот:** ЛАОГ

**Мўлжал:** Якуний мўлжал 100.00% ни ташкил этади

**Тақсимлаш:**

**ИР кўрсаткичи 3.1: кўриб чиқилган ва ҳал қилинган шикоятлар фоизи (жинс бўйича ажратилган)**

**Тавсиф:** Лойиҳа процедуралар бўйича шикоятлар ва мулоҳазаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш механизмини ўрнатганлигини ўлчайди. Эркаклар ва аёлларнинг барча шикоятлари 100% ҳал қилиниши керак.

**Методология ва маълумот манбаи:** АБТ

**Ҳисоблаш методологияси:** Ушбу кўрсаткич ҳар бир шикоятни, шикоят қилувчининг жинсини ва шикоят ҳолатини (ҳал қилинган ёки ҳал қилинмаган) кузатиб борадиган ШКЧМ журнали асосида ҳисобланиши керак.

**Даврийлик ва ҳисобот топшириш:** Ҳар йили

**Маълумотлар йиғиш учун маъсул ташкилот:** ЛАОГ

**Текширув воситалари:** Аниқланмаган

**Мўлжал:** Якуний мўлжал 100.00% ни ташкил этади

**ИР кўрсаткичи 3.2: Вилоятлар ичида ва вилоятлар аро бўйлаб билимларни алмашиш тадбирларида қатнашадиган лойиҳада иштирок этувчи МФЙ фоизи**

**Тавсиф:** 2-компонентни амалга ошириш, ва Маҳаллани Ривожлантириш Бўлими аъзолари ўртасида билимлар алмашинувини ўлчаш. Ўрта даражада мўлжал 80% Маҳаллани Ривожлантириш бўлимларини орасида амалга оширишдаги ютуқларни акс эттиради.

**Методология ва маълумот манбаи:** Жойлардаги ҳисоботлар ва АБТ

**Ҳисоблаш методологияси:** Ушбу рақамлар жойлардан олинган ҳисоботлар асосида тузилади ва АБТ га юкланади.

**Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:** 2-йилдан бошлаб ҳар йили

<b>Текширув воситалари:</b> Иштирокчилар рўйхати
<b>Маълумот йиғиш учун маъсул шахс:</b> ҚИРЛ фасилитаторлари
<b>Мўлжал:</b> Якуний мўлжал 80.00% ни ташкил этади
<b>Тақсимлаш:</b>

<b>ИР кўрсаткичи 3.3: натижаларни мониторинг қилиш ва фуқаролар фойдаланишига лойиҳани бошқариш учун ўз вақтида АБТ-га талаб этилган маълумотлар жойлаштирилган қишлоқлар фоизи.</b>
<b>Тавсиф:</b> 2-компонентни, хусусан, АБТ даги сармояларни амалга ошириш жараёни ва назорат механизмларини - шаффофлик ва фуқароларни жалб қилишни таққослайди
<b>Методология ва маълумот манбаи:</b> АБТ шакллари ва АБТ
<b>Ҳисоблаш методологияси:</b> Ушбу рақамлар АБТ га маълумотларнинг ўз вақтида киритилишининг текшируви асосида тузилади.
<b>Даврийлик ва Ҳисобот топшириш:</b> 2-йилдан бошлаб ҳар йили
<b>Текширув воситалари:</b> АБТ маълумотлари
<b>Маълумотлар йиғиш учун маъсул ташкилот:</b> ЛАОГ
<b>Мўлжал:</b> Якуний мўлжал 80%
<b>Тақсимланиш:</b> Ушбу кўрсаткич қишлоқ бўйича тақсимланади.